

31/3
6/10

ҚИШЛОҚ ХҮЖАЛИГИ ИНФРАТУЗИЛМАСИ ИҚТИСОДИЁТИ



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

Б.Т. САЛИМОВ, Н.И. ЎРАҚОВ

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ИНФРАТУЗИЛМАСИ ИҚТИСОДИЁТИ

Ўзбекистон Республикаси
Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги
олий ўқув юрглариаро илмий-услубий бирлашмалар
фаолиятини мувофиқлаштирувчи кенгаши томонидан
олий ўқув юргларининг иқтисодий таълим йўналишлари
талабалари учун ўқув қўлланма
сифатида тавсия этилган

Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси Адабиёт жамғармаси нашриёти,
Тошкент 2004.


**THE MINISTRY OF HIGHER AND SECONDARY SPECIAL
EDUCATION OF THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN**

TASHKENT STATE ECONOMIC UNIVERSITY

B.T.SALIMOV, N.I.URAKOV

**ECONOMY OF THE
INFRASTRUCTURE OF
AGRICULTURE**

This manual is recommended by the group of "regulating the activities of scientific organizations of higher education" of the Ministry of higher and secondary special education, for the students of higher education establishments majoring in economy



Салимов Б.Т., Үрақов Н. Қишлоқ хўжалиги инфратузилмаси иқтисодиёти (ўкув қўлланма). – Т.: ТДИУ, 2004 – 112 бет.

Ушбу қўлланмада қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришига хизмат қилиувчи инфратузилма тармоқларининг хўжалик юритиш фаолияти ва уларнинг ташқи иқтисодий алоқалари батафсил баён этилган.

Кўлланма олий ўқув юртларининг иқтисодий таълим йўналишлари бакалаврлари, магистрлари, профессор-ўқитувчилари ва илмий-тадқиқотчилари учун мўлжалланган.

Масъул муҳаррир: и.ф.д., проф.
Ш.Р. Ҳолмуминов.

Такризчилар: и.ф.н., доц. Т.И. Тўрахўжаев;
и.ф.н., доц. Н.Б. Аралов

Salimov B.T., Orakov N. Economy of the infrastructure of agriculture (Manual) –T.: TSEU, 2004 – 112 pages

The manual is about economic activities of infrastructure spheres of, serving to agricultural production and their external economic relations.

The manual is designed for bachelor, master students of higher educational establishments majoring in “economics” as well as for professors, teachers and scientific researchers.

Responsible editor: doctor of economic science,
prof. Holmuminov Sh. R.

References: candidate of economic
science Turahojaev T.I.;
candidate of economic
science Aralov P.B.

КИРИЛ

Бозор иқтисодиёти шароитида иқтисодиётнинг барқарор ривожланиши барча тармоқларнинг ўзаро узвий боғлиқликда ривожланишини талаб қиласди. Ўзбекистонда ялпи миллий маҳсулотнинг аксарият қисми агросаноат мажмуаси тармоқларида ишлаб чиқарилайтганлиги уларнинг ўзаро боғлиқлик доирасини янада кенгайтириш заруратини келтириб чиқаради.

Бозор иқтисодиётида агросаноат мажмуй самарадорлигининг асосий мезони якуний маҳсулот қиймати ҳисобланади. Қишлоқ хўжалигида стиштирилган маҳсулот нобудгарчилигини пасайтиришда, тармоқларни стук кадрлар билан таъминлашда, уларнинг меҳнат қобилиятини тиклашда, шунингдек, АСМ тармоқларининг ўзаро узвий боғлиқлигини таъминлашда инфратузилманинг аҳамияти катта. У ўзаро боғлиқ икки таркибий қисмдан иборат бўлиб, ишлаб чиқариш инфратузилмаси ва ижтимоий инфратузилмани ўз ичига олади. Ишлаб чиқариш инфратузилмаси бевосита ишлаб чиқаришга хизмат қилиб, маълум маънода унинг таркибий бўғини ҳисобланса, ижтимоий инфратузилма АСМни кадрлар билан таъминлашга, ходимларнинг соғлигини сақлашга, турмуш даражаларини оширишга хизмат қиласди.

Ижтимоий инфратузилма ҳам ишлаб чиқариш самарадорлигининг ошишига бевосита таъсири кўрсатади. Инфратузилманинг ривожланиши иқтисодиётнинг реал сектори билан бевосита боғлиқ.

АСМ тузилмаси шундай мураккаб вазифалар тизимиidan иборат. Ундаги барча унсурлар бир-бири билан шу қадар узвий боғланганки, улардан бирининг ривожланишда оркада қолиши, бошқаларида самарадорлик пасайиб кетишига сабаб бўлади.

Шу боисдан ҳам республика АСМнинг яхлит ривожланишини таъминлаш ўта мухим. Ушбу қўлланма инфратузилманинг моҳияти, унинг таркиби, вазифалари ва ривожланиши таомойиллари билан боғлиқ масалалар моҳиятини очиб беришига мўлжалланган.

ЎЗБЕКИСТОНДА АГРОСАНОАТ МАЖМУАСИНинг РИ- ВОЖЛАНИШИ ВА ИНФРАТУЗИЛМА

1.1. Агросаноат мажмуаси соҳалари

Агросаноат мажмуми (АСМ) ҳалқ ҳўжалигининг қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларини стиштириш, сақлаш, қайта ишлаш ва истеъмолчига етказиб берниша шитирок этадиган тармоқлари мажмуудан иборат.

АСМ умумий ҳолда тўрт соҳани ўз ичига олади:

- биринчи соҳа — қишлоқ ҳўжалиги корхоналарини;
- иккинчи соҳа — қишлоқ ҳўжалигига ишлаб чиқариш воситаларини етказиб берадиган саноат тармоқлари, шунингдек, ишлаб чиқариш, техника хизмати кўрсатиш билан банд бўлган тармоқларни;

• учинчи соҳа — қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларини истеъмолчига етказиб беринши таъминлайдиган тармоқлар (қайта ишлаш, тайёрлаш, сақлаш, ташиб берниш, сотини тармоқлари)ни;

• тўртинчи соҳа — инфратузилма, яъни ишлаб чиқариш ва ишчилар фаолиятининг шарт-шаронтларини таъминловчи ҳўжалик тармоқлари (йўл-транспорт ҳўжалиги, алоқа, моддий-техника хизмати, маҳсулотни сақлаш тизими, омбор ва товар ҳўжалиги, моддий бўлмаган ишлаб чиқариш тармоқлари ва шунга ўхшашиб тармоқлар)ни ўз ичига олади.

Инфратузилманинг ўзи 2 қисмдан:

а) ижтимоий инфратузилма — ишчиларниң ҳаёт фаолиятлари шаронтнни таъминловчи тураржойӣ, маданий-машний хизмат тармоқлари, савдо, умумий овқатланиши каби соҳалардан;

б) ишлаб чиқариш инфратузилмаси — йўллар, транспорт ҳўжалиги, алоқа, омборхона ва шунга ўхшашиблардан иборат.

Агросаноат интеграцияси, яъни қишлоқ ҳўжалигига хизмат кўрсатувчи корхоналар, маҳсулотни қайта ишловчи, истеъмолчига етказиб берувчи туташ тармоқларининг ўзаро ҳамкорликдаги узвий боғлиқ ишлаб чиқаришини ривожлантириши АСМ вујудга келиши ва ривожланишининг асосий негизи ҳисобланади. Агросаноат мажмуми интеграция жараёнининг кўринини ва шаклига кўра, 2га бўлинади:

- 1) тармоқ ёки маҳсулот бўйича АСМ;
- 2) ҳудудий АСМ.

Хозирги вақтда дунёда моддий ресурслар тақчил. Шундай шаронтда агросаноат мажмунини ривожлантиришининг устувор йўналишлари ва маҳсулотлар истеъмолчисини тўғри аниқлаш

муҳим аҳамиятга эга. Таҳлилларга қараганда, яқин 50-60 йилда халқаро озиқ-овқат тизимида жиiddий ўзгаришлар бўлмайди. Хусусан, халқаро озиқ-овқат тақсимоти механизмида ҳам. Зеро, мамлакатларнинг ички ва ташки сиёсати кун тартибидан аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш масаласи тушмайди.

Жаҳон қишлоқ хўжалигини ривожлантириш истиқболи ҳосилдор срлар, тоза сув, мусаффо атроф-муҳит ва табиий ресурслар таңқислигини ҳисобга олган ҳолда уларни барқарор ривожлантириш тамоийларига асосланishi лозим. Шундагина кўпаяётган аҳолини озиқ-овқат билан таъминлашга эришилади.

Иқтисодиётни ривожлантиришда қишлоқ хўжалиги чиқиндиларидан энергия манбаи, озиқ-овқат ва бошқа мақсадларда фойдаланиш, идораик моддаларнинг кўпайиш-камайишини қисқартириш, минимал ишлов орқали тупроқнинг унумдорлигини тиклаш, сув сарфини, кимёвий моддалар, айниқса, пестицидларни кўллашни камайтириш катта аҳамиятга эга.

Иқтисодий ҳамкорлик ва ривожланиш ташкилоти (ОЭСР) нинг расмий кўлланмасига биноан агарар сиёсат қишлоқ хўжалиги (ишлаб чиқарувчилар) ва озиқ-овқат сиёсатига (истеъмолчилар) бўлинади. Ушбу кўлланма бўйича иш юритилса, сарф-хараҷатларни ҳисоб-китоб қилиш усули ўзгарамади. Жумладан, тармоқдаги транспорт тўловларини озиқ-овқат истеъмолчилари ва солиқ тўловчилар ҳисобига ўтказиш мумкин. Шу муносабат билан солиқ тўловчилар ёки маҳсулот истеъмолчилари ва қишлоқда товар ишлаб чиқарувчилар ўртасида давлат ҳакам бўлиб хизмат қиласди.

Агарар сиёсатни аниқлашда, одатда, иқтисодий соҳа алоҳида ўрин тутади. Бунда унинг экология ва ижтимоий томонлари ҳисобга олинмайди.

Қатор мамлакатларда (АҚШ, Германия) бош мақсадга эришишда ўша уч соҳани бир бутун деб ҳисобга олиш масъул сиёсатчилар томонидан тан олинади. Атроф-муҳитини мухофаза этиш ҳар бир тармоқда устувор ўйналиши бўлиши лозим. Чунки бу тармоқларда табиатга таъсир катта, шунинг учун ягона экологик сиёсат ишлаб чиқилиши мақсадга мувофиқ . АҚШда бу борада иккни хил ўйналиши мавижуд, ҳар бир тармоқдаги экологик жиҳатларни инобатга олган ҳолда ички штат бошқаруви йўлга кўйилган. Бошқача қилиб айтганда, табиий объектлар, дов-даражатми, тупроқми, сувми, у шима бўлишидан қатъи назар, жойларда ўша объектлар учун ифлосланиши месъёри ишлаб чиқилган. Бу месъёрларни барча ташкилоту корхоналар бажариши шарт.

Аграр сиёсатнинг бошқа бир қисми борки, уни иқтисодий соҳа билан ҳисобга олиб бўлмайди. Бу қишлоқ хўжалиги худудлари ривожланишига тааллуқлидир. Масалан, қишлоқлардаги ишсиизлик озиқ-овқат ишлаб чиқариши билан бевосита боғлиқ эмас. Иш билан бандлик даражасига саноат, хизмат кўрсатиш тармоқларини ривожлантириши йўли билан таъсир этиш мумкин.

Жаҳон амалиётида «Озиқ-овқат хавфсизлиги» иборасини кўллашга одатланилган. Бир гурӯҳ олимлар бу иборанинг асосида фақат истеъмолни қўшиб ишлатишади. Уларнинг фикрича, озиқ-овқат хавфсизлиги - аҳолининг фаол ҳаёти учун қанча микдорда озиқ-овқат талаб этилса, аҳолига шунча микдорда озиқ-овқат таъминоти кафолатланиши назарда тутилади. Бинобарин, озиқ-овқат хавфсизлигига эришишда икки усул бор: биринчиси, импорт қилиш, иккичиси ўзини-ўзи маҳсулот билан таъминлаш.

Озиқ-овқат қарамлилиги, жамият ўз озиқ-овқат хавфсизлиги муаммосини ўзи мустақил равишда еча олмаса, вужудга келади. Бу ҳол қишлоқ хўжалиги, саноат, транспорт мажмуни тармоқларининг бузилишига сабаб бўлади. Шу билан бирга, давлат иқтисодиётнинг зарур бўлган импорт озиқ-овқат молларини сотиб олиш имкониятини йўқ қиласди. Озиқ-овқат қарамлилигига асосий сабаб давлатнинг ўз ишлаб чиқарувчиларига ёрдам бермаслиги ва микдоридан кўп озиқ-овқат моллари импорти ошишидир. Озиқ-овқат мустақиллиги аҳолини белгиланган меъёрда озиқ-овқат билан таъминлаш учун энергия стратегик заҳиралари, ер майдони, қишлоқ хўжалиги машиналари, моддий ресурслар мавжудлигини англатади.

Озиқ-овқат мустақиллигига АСМ мустақил равишда ишлаб чиқариш, сақлаш, қайта ишлаш ва аҳолини ҳар хил турдаги озиқ-овқат маҳсулотлари билан керакли микдорда таъминлаши орқали эришиллади.

Озиқ-овқат хавфсизлиги стратегияси қўйидагиларни ўз ичига олади:

- АСМ меҳнат ресурсларига нисбатан протекционистик чораларни кўриш ва аҳоли ҳар хил қатламларининг давлат таъминотига эришиш;
- саноат, сақлаш, қайта ишлаш ва озиқ-овқатларни тарқатиш тизимида меҳнат ресурсларининг оптимал мувозанатини ушлаб туриш;
- АСМ тизимини энергия ва ресурс сақлаш технологиясига айлантириш;
- Давлат режа тизими ишлаши ва АСМ фаолиятини таъминлаш.

1.2. АСМда ишлаб чиқаришнинг ўзига хос хусусиятлари

Ўзбекистонда агросаноат мажмуининг бутун халқ хўжалигидаги хиссаси ялпи маҳсулот бўйича – 35, асосий ишлаб чиқариш фондлари қиймати бўйича – 45, банд бўлган ишчилар сони бўйича – 47%ини ташкил этади.

Аграр секторнинг хиссаси эса кейинги йилларда мамлакатимизда ишлаб чиқарилган ялпи ички маҳсулотнинг ярмидан ортиқроғи халқ хўжалигида банд бўлган аҳолининг 37%ига тўғри келади.

Ўзбекистон АСМ кейинги йилларда 2000дан ортиқроқ қишлоқ хўжалиги корхоналарини, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишловчи 400 дан зиёда корхонани, 100дан ортиқ пахта тозалаш заводи, минерал ҳамда ўсимликларни ҳимоялаш моддалари ишлаб чиқарадиган кимё комбинатлари, қишлоқ хўжалиги корхоналари, заводлари, сув хўжалиги, мелиорациялаш ташкилотлари, кўплаб моддий-техника таминоти корхоналари, 100га яқин ўқув юртлари, илмий тадқиқот инситутлари ва тајриба станцияларини ўз ичига олган.

Ўзбекистон АСМда кўп жиҳатдан аграр соҳа салмоғи юқориидир. Масалан, соҳанинг комплексдаги ҳиссасига, банд бўлган ишчиларга нисбатан 82 %и, асосий ишлаб чиқариш фондлари қийматининг 76 %и ва ялпи маҳсулотнинг 43 %и тўғри келади. Бунда ҳам асосий тармоқ пахтачилик бўлиб, дехқончилик, чорвачилик ва бошқа тармоқлар пахтачилик атрофида ташкил топиб, ривожланган.

АСМдаги бошқа соҳалар бизда жуда суст тараққий этмоқда. Айнан шу туфайли қишлоқ хўжалигини техника ва энергия билан таъминлаш, стиштирилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини йиғиб-териб олиш, қайта ишлаш ва истеъмолчига еказб беришда жуда катта қийинчилклар мавжуд.

Агросаноат интеграциясининг моҳиятини фақат қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини саноатда қайта ишилашдан иборат, деб тушуниш керак эмас. Чунки ишлаб чиқарувчи кучларнинг ўсиши, ишлаб чиқариш кўламининг кенгайишин, табиийки, агросаноат интеграциясини тезлаштиради ва чуқурлаштиради. У ишлаб чиқариш алоқалари турли хил шаклларда вужудга келишининг тезлашиши ва ривожланишини тақозо этади. Қишлоқ хўжалигининг саноат ва халқ хўжалигининг бошқа тармоқлари билан иқтисодий боғлиқлиги ҳамда алоқаси ривожланиши объектив тарихий жараён бўлиб, тобора кучайиб боради. Ҳозирги кунда ривожланган мамлакатларда бу жараён вертикал интеграция, яъни агробизнес кўрининшида амалга оширилмоқда.

АСМда кесаётган тақрор ишлаб чиқариш жараёни, халқ хўжалигининг бошқа биронта тармоғида юзага келмайдиган, техника, шкітисод, биология ва экологиянинг бирлиги уларнинг мувоғинқлашган ҳолда ривожланишини тақозо этиши билан тавсифланади. Шу билан бирга, АСМ тақрор ишлаб чиқаришининг хусусиятлари кўп жиҳатдан унинг асосий бўғини бўлган қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши жараёни билан белгилана-ди. Қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариш жараёни ўз маромига эга бўлиб, биологик жараёнлар, яъни ўсимликларнинг ва чорва молларнинг ривожи, табиий-икълим шароити билан боғлиқдир.

Демак, аграр муносабатлар қишлоқ хўжалиги тармоғининг асосий омили – ер билан боғлиқ бўлган муносабатлардир. Ер ўзи-га хос хусусиятга эга. Унинг ўрнини бошқа омил боса олмайди.

Фан ва техника ютуқлари дехқончилик ва чорвачиликда-ги табиий маромига таъсир кўрсатишга имкон беради, лекин бу жараёнларнинг кетишини батамом ўзgartира олмайди.

Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг ўзига хос мароми, ўз навбатида, АСМнинг қайта ишловчи ва бошқа соҳа тармоқларини ривожлантиришга таъсир этади. Дехқончиликдаги тақрор ишлаб чиқаришининг бир қанча хусусиятлари ишларният мавсумийлиги билан боғлиқдир. Унда ишлар йил давомида узлуксиз олиб борилмайди. Бу ҳол ҳодимларнинг иш билан бандлиги ва уларнинг меҳнатини сарфлашда меҳнатга ҳақ тўлаш ва зарур дараҷада даромад билан таъминлаш каби муаммоларни келтириб чиқаради. Бу муаммоларни ҳал этишда маҳсулотларни қайта ишлазни бевосита қишлоқ жойларнинг ўзида ташкил қўлиш, турли майдада саноат корхоналарини, ёрдамчи хўжалик тармоқларини ривожлантириш мухим аҳамиятга эга. Бу тадбир иш билан бандликни таъминлаш билан бир қаторда маҳсулот нобудгарчилигини камайтиради, унинг сифатини яхшилайди.

Қишлоқ хўжалигининг кўпгина тармоқларида, айниқса, дехқончиликда меҳнат сарфи билан маҳсулот олиш ўртасида вақт жиҳатидан узилиш мавжуд, яъни маблағ деярли бутун йил давомида сарфланади, маҳсулот эса маълум даврдагина олинади. Шу муносабат билан меҳнатга ҳақ тўлашда, иш ҳақи ва моддий рағбатлантиришни ишнинг сифати, ишлаб чиқаришининг широрвард натијаси билан боғлашда ўзига хос муаммолар юза-га келади. Бу муаммоларни бартараф этиш ёки юмшатишнинг турли шакллари мавжуд, хусусан кооперативлар, ижарачилар, фермер хўжаликларини ривожлантириш, шунингдек, давлат хўжалигида меҳнатни ташкил этиши ва унга ҳақ тўлашнинг ил-фор усусларини жорий этиши ва шу кабилар.

Қишлоқ хұжалигыда тақрор ишлаб чиқариш фондлари, күнөрек үруғлік, озиқа, чорва моллары ва шундаға үхшашшар ҳисобидан ташкил этилмокта. Бу тақрор ишлаб чиқариш маромининг навбатдаги босқичига кенг миқсесли таъсир этіб, уни капиталталаб тармоққа айлантырды, ишлаб чиқариш потинциалини көнгайтируди ва мәхнат унумдорлығи суръатларини ўстирди. Айни вақтда қишлоқ хұжалиги нисбатан маңда капиталлар құйилаған соxa бўлиб қолди.

Ишлаб чиқариши ва капиталниң түпласшы даражаси жи-хатидан қишлоқ хұжалиги саноатдан орқада қолмокта. Бунга аввало, қишлоқ хұжалигининг үзига хос хусусияти туфайли корхоналарнинг мақбул миқсеси аяна кичиклиги сабаб бўлмокта, холбуки кўпингина мамлакатларда йирик корхоналар билан бир қаторда кўп сонли деҳқон-фермер хұжаликлари сақланиб келмокта. Улар асосан фермер ва унинг оила аъзолари кучи билан юритилади. Бироқ, хұжалик мавқеси йирик фермерлар қўлида.

Қишлоқ хұжалигыда ҳам халқ хұжалигининг бошқа тармоқларида амал қиласынан умумий иктиносидан қонуилар амал қиласы. Лекин уларда тармоқнинг алоҳида хусусиятлари хисобга олинган. Қишлоқ хұжалигини ривожлантиришининг үзига хос хусусияти шундаки, бунда асосий ишлаб чиқариши воситаси ер хисобланади. Бошқа ишлаб чиқариши воситаларига солиштирилса, ер эскирмайди, балки тўғри фойдаланылса, унинг сифати яхшиланиб боради.

Қишлоқ хұжалигыда ишлаб чиқариши воситалари сифатида тирик идораизмлар, янын ҳайвоилар ва ўсимликлар қатнашади. Улар эса биологияк қонушиятлар асосида ривожланади. Демак, тақрор ишлаб чиқаришининг иктиносидан жараёни тирик идораизмларнинг табиии ривожланши жараёни билан узвий боғлиқ. Қишлоқ хұжалигы маҳсулотларини стишилдириши жараёни йирик майдонларда амалга оширилади ва турли икслим зоналари бўйича ёйилган. Провард натижалар қўлланылган ресурслар миқдори ва сифатини эмас, балки кўпинча ишлаб чиқариши амалга ошириладиган аниқ шаронитларга боғлиқ бўлиб қолади.

Қишлоқ хұжалиги ишлаб чиқаришининг худудий жойлашуви ишлаб чиқарилган маҳсулот (буғдой, кртошка, қанд лавлаги, сут, гўшт ва ҳоказо)ни ҳам, техника ва моддий ресурслар (сўнглиғи, иссиқтлик-мойлаш материаллари, минерал ўғитлар)ни ҳам тапишишни қийинлаштиради.

Қишлоқ хұжалигининг энг мухим хусусиятларидан бирин шундаки, унда яратилган маҳсулот кейинчалик ишлаб чиқариши жараёнида иштирок этади. Қишлоқ хұжалигыда ишлаб чиқариши воситаси сифатида уруғлар ва экиш материаллари

(буғдой, картошка ва ҳоказо), ем-хашак ҳамда ҳайвонлар подасини қайта тиклаш ва кенгайтириш учун поданинг катта қисми күлланилади. Буларнинг барчаси иншоотлар ва ишлаб чиқариши вазифасидаги обьектлар (молхона), ем-хашак, уруғ ва экиш материаллари омборлари ва ҳоказоларни қуриш учун қўшимча моддий ресурсларни талаб қиласди.

Қишлоқ хўжалигининг энг муҳим хусусияти – ерда иш даври маҳсулот ишлаб чиқариш даври билан бир-бираига мос келмаслигидир. Қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариш даври инсон меҳнати остида амалга ошириладиган жараёни (ерни хайдаш, ишлов бериш, экиш, ўсимликларни парваришлаш, ҳосилни йиғиб олиш ва ҳоказо) вақтлари ва табиий омилларнинг бевосита таъсири остида амалга ошадиган (ўсимликларнинг униши, ўсиши, ҳосилга кириши ва ҳоказо) вақт тўпламидан изборат.

Ишлаб чиқариш даври ва иш даврининг мос келмаслиги қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг мавсумийлигини асослайди. Мавсумийлик ишлаб чиқариши ташкил этиш, техника, меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланиш ва охир-оқибатда бутун тармоқ самарадорлигига сезиларли таъсир кўрсатади.

Қишлоқ хўжалигида меҳнат тақсимоти, унинг тақозосига кўра, ишлаб чиқаришини ихтисослаштириш халқ хўжалигининг бошқа тармоқлари, хусусан, саноатдагига нисбатан бошқача тарзда юз беради. Ер, меҳнат ва моддий ресурслардан оқилона фойдаланиш мақсадида бу ерда ўсимликшунослик тармоғини чорвачилик тармоғи билан ҳамда ёрдамчи ишлаб чиқариш ва хунармандчилликни ривожлантиришининг оқилона мувофиқлигига эришиш лозим. Ихтимоий меҳнат тақсимотини тақомиллаштиришда алоҳида ҳудудларнинг ўзига хос шароитларини ҳисобга олиш зарур.

Қишлоқ хўжалигининг энг асосий хусусиятларидан бири, шубҳасиз, техникадан фойдаланиш даражаси ва шароити ҳисобланади. Одатда, ишлаб чиқариш воситалари (машиналар, комбайнлар, қишлоқ хўжалиги техникиаси) ҳаракат қилиши, меҳнат предметлари эса (ўсимликлар) бир жойда туришидан келиб чиқиб, қишлоқ хўжалигининг техник таъминланганлиги саноат тармоғидагидан кескин фарқ қиласди. Саноат тармоғига нисбатан энергетик ресурсларга бўлган умумий эҳтиёж бу соҳада жуда юкори. Қишлоқ хўжалигининг ҳудудий тарқоқлиги ва мавсумий характеристидаги техника ва асосий ишлаб чиқариш воситаларига бўлган эҳтиёжни оширади.

Қишлоқ хўжалигининг ўсимликчиллик ва чорвачилик тармоқларида меҳнат жараёнини ташкил қилиш турлича амалга

оширилади. Бу ерда ижрочи саноатдаги каби доимий иш ўрнига эга бўлмайди. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотини етиштириш жа-раёнида йил фасли ва ўсимликнинг ўзига хос хусусиятларига қараб дала ишчиси ва механизаторлар турли хил ишларни ба-жаришади. Механизатор барча машина ва агрегатларда ишлай олиши керак, дехқон эса уруғлар ва экиш материалларини тай-ёрлаш, ўсимликларни парвариш қилиш, тайёрлаш, ҳосилни йи-ғиб олиш жараёнидаги барча ишларни бажара олиши лозим. Бунда ишнинг тури ҳар куни эмас, балки шароитдан келиб чи-қиб, муайян бир иш куни давомида ўзгариши ҳам мумкин.

Қишлоқ хўжалигининг саноат тармоқларидан ажralиб туurvchi бу каби хусусиятлари моддий-техника базасини шакл-лантириш, ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва бошқариш, иш-лаб чиқариш ресурсларидан фойдаланишининг иқтисодий сама-радорлигини аниқлашда ҳисобга олиниши зарур.

1.3. Қишлоқ хўжалиги иқтисодий самарадорлигининг асосий кўрсаткичлари

Ҳозирги шароитда қишлоқ хўжалиги ривожланишини янада жадаллаштиришнинг энг долзарб муаммоларидан бири тармоқ самарадорлигини оширишdir. Ишлаб чиқариш самарадорлиги мураккаб иқтисодий категория бўлиб, унда иқтисодий қонун-ларнинг ҳаракатлари ўз ифодасини топади ва корхона фаолиятининг муҳим томони – натижавийлиги юзага келади.

Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши иқтисодий самарадор-лигини характерлашда натурал ва қиймат кўрсаткичлари тизи-мидан фойдаланилади. Самарадорликнинг натурал кўрсаткич-лари қишлоқ хўжалиги ўсимликлари ҳосилдорлиги ва ҳайвон-лар маҳсулдорлиги ҳисобланади. Натурал кўрсаткичлар қий-мат кўрсаткичларни: ялпи ва товар маҳсулот, ялпи ва соф да-ромад, фойда ва ишлаб чиқариш рентабеллигини (1-чизма) ҳисоблашда асос саналади.

Ялпи маҳсулот – маълум давр мобайнида яратилган бар-ча қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг пулдаги ифодаси, товар маҳсулот эса, сотилган маҳсулотdir.

Ялпи даромад (ЯД) – ялпи маҳсулот (ЯМ) қиймати би-лан ундаги моддий сарфлар (Мс) орасидаги фарқdir:

$$ЯД = ЯМ - Мс$$

Соф даромад (СД) ялпи маҳсулот қийматидан ишлаб чиқариш харжатлари ёки унинг таниархини айириб ташлапи йўли билан аниқланади:

$$СД = ЯМ - Тм$$

Соф даромад ҳажмини ялпи даромад кийматининг иш ҳақига тўловини (X_i) айириб ҳам ҳисоблаш мумкин:

$$СД = ЯД - X_i$$

Иқтисодий адабиётларда яратилган (T) ва реализация қилинган (T'') соф даромад фарқланади. Соф даромаднинг реализация қилинган қисми корхона фойдаси ҳажмнга тўғри келади. Демак, агар соф даромадни ялпи маҳсулотни тақсимлаш орқали топадиган бўлсак, унда фойда (Φ) маҳсулотни сотишдан келадиган тушум (T_c) билан унинг тўлиқ таннархи ($T_{c'}$) айирмаси сифатида ҳисобланади.

$$\Phi = T_c - T_{c'}$$

Кишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг иқтисодий самарадорлигини умумлаштирувчи натижка рентабелликдир. Рентабеллик даражаси (P) фойданинг маҳсулотнинг тўлиқ (тижорат) таннархига нисбатан %даги қиймати сифатида ҳисобланади. Бу кўрсаткичлар бутун қишлоқ хўжалигининг самарадорлигини характерлашда ҳам, тармоқ самарадорлигини ифодалашда алоҳида маҳсулот бўйича ҳам кўпланилади.



1-чизма. Ишлаб чиқаришининг иқтисодий самарадорлиги кўрсаткичлари.

1.4. АСМда самарадорликни ошириш муаммолари

АСМ моддий-техника базаси соҳага старли аҳамият берилмаганлиғи, техника, ўғит, капитал маблағлар кам ажратилғанлиги туфайли ҳозирги ҳолатга тушди. Чунончи, кейинги йилларда АСМга халқ хўжалигига сарф этилган капитал маблағларнинг 30-32%и ажратилган.

Агросаноат ишлаб чиқариши самарадорлиги пастлиги, ривожланмаганлигига асосий сабаблардан бири АСМнинг алоҳида соҳаларини моддий-техника билан таъминлаш жараёнидаги номутаносиблик, соҳа тармоқларининг алоҳида маҳкамава вазирликларга бўйисуниши, улар ўртасидаги ўзаро номувофиқ алоқани бартараф этиш учун тармоқлараро ягона тақорор ишлаб чиқариши ривожлантириш занжирининг йўқлигидир. Масалан, сақлаш ва қайта ишлаш саноати ривожланмаганлиги, қуввати пастлиги натижасида ҳар йили ўртacha стиштирилган гўштнинг-15, сутнинг-20, мева, сабзавот ва картошканинг 40%га яқини, дон ва пахтанинг 10%дан ортиги ироф бўлмокда.

Бунинг асосий сабаби шундаки, соҳа тармоқлари ўртасидаги алоқалар ўзаро иқтисодий манфаатдорлик асосида йўлга кўйилмаган, моддий-техника базаси старли даражада ривожлантирилмаган. Чунончи, қишлоқ хўжалигига корхоналари билан қайта ишлаш саноат корхоналари моддий-техника базаси ўртасидаги нисбат 1970 йилда 5:1 бўлган бўлса, 1993 йилга келиб 10:1ни ташкил этди. Бундан ташқари қишлоқ хўжалигига стқазиб берилаётган машина, трактор ва бошқа техника воситаларининг, минерал ўғитларнинг сифати паст. Шу сабабли ўз миқдорига нисбатан кутилган самарани бермаяпти. Уларнинг самарадорлиги пастлигига трактор ва техникаларга техник хизмат кўрсатиш, уларга эҳтиёт қисмларни стқазиб бериш, жорий таъмирлаш ишларини амалга оширувчи корхоналар старли даражада ривожланмаганлиги ҳам сабаб бўлмокда.

АСМ хўжалик механизми тақорор ишлаб чиқариши жараёнида экологик жиҳатдан зарарли техника ва материаллар ишлаб чиқариши ҳамда ишлатишга қарши маъмурий ва иқтисодий тўсик йўқлиги сабабли, тупроқ таркибиға салбий таъсири қиласидиган оғир ва зарарли трактор ва техника воситаларини стқазиб бериш тўхтатилган.

Юқорида таъкидлаб ўтилганидек, қишлоқ хўжалигига ишлаб чиқариши натижалари об-ҳаво ва иқлим шароитларига қараб, йиллар бўйича ўзгариб туради. Шу сабабли, бу соҳада тақорор ишлаб чиқаришининг бир маромда кечишини таъминлаш кўпинчча фонdlарни барпо этиш ва сақлаб туришин талаб этади. Шунинг учун фавқулодда ҳолларда ишлатиш учун озиқа, уруғлик ва иш ҳаки

захира фондларини ташкил этиш лозим. Кейинги 30-40 йиллар ичида ривожланган мамалакатлар қишлоқ хўжалигида кўплаб ижтимоий ва иқтисодий ўзгаришлар рўй берган. Қишлоқ хўжалиги ҳозирги замонавий техникаси ва биология фани ютуғларини қўллашга асосланган индустриал товар ишлаб чиқариш воситалари стказиб берувчи ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишловчи саноат тармоқларини тегишли савдо бўғимларини бирлаштирувчи ягона агробизнес - агросаноат мажмуи тизимига бирлашиб, интеграциялашди.

Бозорни бошқариш, дастлаб бевосита юқори пировард натижаларга эришиш – қишлоқ хўжалиги ва агросаноат мажмуи таркибидаги бошқа тармоқлар ўртасида баланслашган мутаносибликни ўрнатишdir. Шу муносабат билан давлат бошқарув идоралари ва агросаноат таркибидаги хўжалик (корхона, ташкилот)лар ишчи аппарати ходимларининг барча бошқарув босқичларидаги ўрни ортиб борди. Бозор муносабатларини тартибга солиш режали тақсимот тизими шароитида ишлаб чиқарishни бошқарувга нисбатан мураккаб. Шунинг учун бошқарув идоралари замонавий вазифа ва талабларга мос келадиган ташкилий тузилма ва мутахassislar таркиби бўйича жавоб бермоғи, раҳбар ходимлар ишчанлик ва малакавий қобилияtlари туфайли иқтисодий субъектлар фаолиятини мувофиқлаштириш муаммоларини счиш санъатига эга бўлмоғи лозим.

Давлат бошқарув идораларининг агросаноат мажмуида хўжалик механизмини тартибга солишдаги роли бевосита иқтисодий дастаклар ва моддий рағбатлантириш орқали ўсиб боради. Таъкидлаш жоизки, давлат томонидан бошқарувни тартибга солиш, назаримизда, маълум вазифадан ташкил топмоғи лозим. Улар қўйидагиларда иборат:

- бюджет, кредит ресурсларидан ва давлат томонидан хўжаликларга бериладиган ёрдам маблағларидан оқилона фойдаланиши;

- қишлоқ хўжалиги ва бошқа тармоқлар ўртасидаги баҳолар мутаносиблигини сақлашга қаратилган чора-тадбирларни амалга ошириш;

- республика ва унинг минтақалари бўйича озиқ-овқат фондини яратиш, қишлоқ товар ишлаб чиқарувчилари учун маркетинг хизматини ташкил этиш;

- самарали инвестиция, инновация ва институционал сиёсатни олиб бориш.

Ҳозирги пайтда агросаноат мажмуини бошқаришда қатор камчиликлар мавжуд, Ҳусусан:

- агросаноат ишлаб чиқарishини тартибга солишида айниқса, тармоқлараро муносабатларга таъсир этишида ва қишлоқ хўжали-

ги ҳамда саноат тармоқлари ўртасидаги эквивалент алмашувида давлатнинг иштирок этмасётганлиги;

- ислоҳотларни жорий этишда минтақавий хусусиятлар ва мавжуд қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш тузилмаси ҳисобга олин-масётганлиги;

- аграр соҳани қайта ташкил этишда ижтимоий омилларни, хусусан, меҳнатта қобилиятли ходимларни иш билан таъминлашга қаратилган тадбирларнинг ҳаётга сескин жорий этилаётганлиги.

Хориж ва мамлакатимизда тўплланган тажрибалар шунни кўрсатмоқдаки, бозорнинг шаклланиш жараёни ўсиб бориши билан хўжалик субъектлари томонидан иқтисодиётни бошқариш омилларининг аҳамияти ҳам ортиб боради. Кўпгина мамлакатлар тажрибаси шундан далолат берадики, бозор муносабатлари ривожланиши билан давлатнинг агросаноат тизими ва унинг алоҳида тармоқларига мақсадга мувофиқ равишда таъсир этиш зарурати сақланиб қолади.

Бозор иқтисодига ўтишнинг ҳозирги босқичида республикамиз аграр соҳасини бошқаришда давлат бошқарувининг аҳамияти катта. Шунинг учун давлат идоралари хўжалик ишларига аралашмаслик сиёсатидан ческиниб, аграр соҳани ва агросаноат мажмуи бошқа тармоқларини ривожлантиришнинг асосий йўналишиларини белгилаб бермоғи лозим.

Таъкидлаш жоизки, қўшимча моддий, меҳнат ва молия ресурсларини жалб қўймасдан, фақат бошқариш тизимини ташкил этишини тартибга солиш орқали катта самарага эришиш мумкин. Агросаноат мажмуи тизимини ташкил этишнинг муҳим шарти, бу жараённи мақсадга мувофиқ режали ва изчил давом эттиришdir.

1.5. «Қишлоқ хўжалиги инфратузилмаси иқтисодиётни» фанининг предмет ва вазифалари, тадқиқот усуллари

Қишлоқ хўжалигининг муҳим вазифаларидан бири мамлакат ахолисини озиқ-овқат, қайта ишлаш саноатини эса зарур қишлоқ хўжалиги хомашёси билан таъминлаштириш. Ушбу масалани ҳал этиш келажакда тармоқни интенсивлаштириш, фан-техника тараққистини жадаллаштириш, иқтисодий муносабатларни таомиллаштириш, турли хил мулкчилик ва хўжалик юритишининг турли шаклларини ривожлантириш билан боғлиkdir. Хўжалик юритишининг илмий асосланганлик даражасини юксалтириш, ишлаб чиқаришни бошқаришда ташаббускорлик ва фаолликни кучайтиришнинг асосий шарти қишлоқ хўжалиги мутахассисларини иқтисодий жиҳатдан тайёрлаш ҳисобланади.

Шу сабабдан, «Қишлоқ хўжалиги инфратузилмаси иқтисоди учёти» фанининг асосий мақсади объектив иқтисодий концепция

NA 17
AT
20683/1

шынг фаолият күреатиниң ҳамда қишлоқ хұжалигидан амал қылыш шакллариниң үрганиниңдир. Бунда у иктисадий ийнендиштегі борчға фанлар кабі қишлоқ хұжалигигі тармоғидагы ишлаб чиқарыш мұносабатларынға моддий ишлаб чиқарышыннан өзаро соҳалари билан үзаро боғлиқтыңда қарайды, табиши, техник ва өшкә аралаш фанлардагы тадқиқтот нағизжаларынға әзтибор қаратади.

Иктисадиест деганды, кенг маънода, қишиларнинг ишлаб чиқарыш жарайсина қиришадынан ижтимоий мұносабатлари үйгіндесін түшүннілади. Тармоқ иктисадий фанлари (саноат иктисади, транспорт, қурилиш, савдо, қишлоқ хұжалигы ва өшкәлар) умумий иктисадий қонуниятларнинг халқ хұжалигы тармоғида амал қылыш хуесүсіятларини үрганади.

«Қишлоқ хұжалиги инфратузилмаси иктисадиети» фан сифатида объектив иктисадий қонунларни ҳамда уларнинг қишлоқ хұжалигы ишлаб чиқарышында амал қылыш шаклларини үрганади. Қишлоқ хұжалигы бүйісунадынан иктисадий қонунлар объектив характерга зерттеу ва инсон онғига боғлиқ бүлмаган ҳолда амал қылади. Умумий иктисадий қонунлар томонидан өшкәрилген ҳолда қишлоқ хұжалигы иктисади ушбу қонунларнинг анық бир шароиттарда амал қылыш хуесүсіятларини очиб беради, улардан хұжаликтар амалистыда фойдаланыш услугаларини ишлаб чиқади.

Қишлоқ хұжалигидан иктисадий қонунлар тизими - қиймат қонуни, меңнат унумдорлығиниң үсіш қонуни, кенгайтирилған тақрор ишлаб чиқарыш қонуни, жамғарыш қонуни амал қылади. Улардан бүні ғана ғана ғойдаланыш ахолининг үсіб бораётганды талабын қондиришга, жамияттегі барча аязларини ҳар төмөнлама әркін ривожлантиришга үйнәлтириледи.

«Қишлоқ хұжалиги инфратузилмаси иктисадиети» фаны бу жарайснга фаол аралашып, амалий хulosалар чиқаради ва асосий иктисадий қонунлардан АСМНН ривожлантиришта фойдаланыш үсуулларини ишлаб чиқади. Ишлаб чиқарыш күчларининг ривожланиш жарайснадығы қарқатында ишлаб чиқарыш билан үзаро мұносабатларни үрганади, қишлоқ хұжалигы иктисадининг мухым вазиғасын ғана қишлоқ хұжалигы машина ва үскуналары, агротехник тадбирлар самараадорлығини анықлаш жарайснларини ташкил этади.

Бозор мұносабатлариниң ривожлантириш шароитида иктисадий фанларда «тармоқ иктисади» түшүнчеси билан бирга «экономике» түшүнчеси ҳам кенг ишлатылмокда. Иктисадий қонунларни үрганын нүктап назаридан, «моддий ресурслардан фойдаланыш» ва «ахоли әхтиєжіларини қондириш» түшүнчелары бир-биригі яқын, лекин айнаң бир хил әмас. Иктисадиест халқ хұжалигы тармоқлашынан (шу жумладан, қишлоқ хұжалигинин ҳам) моддий ишлаб чиқарышындағы өшкә соҳалар билан үзаро ишлаб чиқарыш мұносаба-

батларини ўрганади. Экономике, К.Макконелл ва С.Брюларининг ифодалашича, инсонларнинг чекланган ресурслар оламида моддий бойлик ва хизматларни ишлаб чиқариш, тақсимлаш ва истесъмол қилиши жарабасидаги хулқ-авторини ўрганади. Экономикснинг асосини қуийдаги иккни фундаментал ҳақиқат ташкил этади:

- жамиятнинг моддий эҳтиёжлари чекенуз ва қондирилмайдиган;

- иқтисодий ресурслар, яъни товар ва хизматлар учун восита-лар чекланган.

Шу жиҳатдан мутлақ моддий фаровонликка эришиб бўлмайди. Йинсоннинг моддий эҳтиёжларини максимал даражада қондиришга эришиш мақсадида чекланган ишлаб чиқариш ресурсларидан самарали фойдаланиш вариантларини қидириши «Экономике» фанининг предметига киради.

«Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти» курсини ўрганишда технологик («Ершунослик», «Ўсимлиқшунослик», «Агрокимё», «Мелиорация», «Механизация ва электрлаштириш», «Чорвачиллик», «Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сақлаш ва қайта ишлаш», «Сабзавотчилик», «Боғдорчиллик» ва бошқалар) ҳамда иқтисодий («Математика», «Сиёсатшунослик», «Иқтисодиёт назарияси», «Қишлоқ хўжалигидаги режалаштириш ва истиқболлаш», «Ишлаб чиқариш кучларини жойлаштириш», «Ҳисоблаш техникаси ва компютер технологиялари», «Информатика», «Статистика», «Мехнатни муҳофаза қилиши ва нормалаштириш», «Бухгалтерия ҳисоби») фанлар бўйича билимларни чукур ўзлаштириши мухим роль ўйнайди. Айни вақтда «Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти» тармоқ фани сифатида иқтисодий ўйналишдаги қуийдаги фанларни ўрганиш учун асос яратади: «Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини ташкил этиш», «Хўжалик фаолияти таҳдилш», «Иқтисодий-математик усувлар», «Молиялаштириш ва кредитлаштириш», «Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини бошқариш», «Халқаро иқтисодий муносабатлар», «Тадбиркорлик», «Қишлоқ хўжалиги бозорлари» ва ҳоказо.

Ҳақиқатни билиш усувлари фанининг усувларини ташкил этади. «Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти» фани асосини диалектик усул ташкил этиб, бунда узлуксиз ҳаракат ва ўзгаришлар шароитида жарабасининг ривожланишини ўрганилади ва ҳар бир ҳодиса ягоналлик ва қарама-қаршиликлар (эски ва янги) ўртасидаги курашни ифодалайди. Катта ҳажмдаги иқтисодий материалларни таҳдил қилишда иқтисодий тадқиқот усувларидан, чунончи, статистик (корреляция, дисперсия, индекс, регрессия), монографик, иқтисодий-математик, график, ўлчов-конструктив, таҳрибавий, абстракт-мантиқий ва бошқа усувлардан фойдаланилади.

Кисқача хуросалар

Агросаноат интеграцияси, яъни қишлоқ хўжалигига хизмат кўрсатувчи корхоналар, маҳсулотни қайта ишловчи, истеъмолчига етказиб берувчи туташ тармоқларнинг ўзаро ҳамкорликда, боғлиқ ҳолда ишлаб чиқаришни ривожлантириш – АСМ вужудга келиши ва ривожланишининг асосий негизи ҳисобланади. Аграр секторнинг ҳиссаси эса 1995 йил 1 январида мамлакатимизда ишлаб чиқарилган (умумий овқатланиш ва шунга ўхшашлардан) ялпи ички маҳсулотнинг ортиқроғи, ҳалқ хўжалигига банд бўлган аҳолининг 37 % и тўғри келади.

Қишлоқ хўжалигининг кўпгина тармоқларида, айниқса, дехқончиликда меҳнат сарфи билан маҳсулот олиш ўртасида вақт жиҳатидан узилиш мавжуд, яъни маҳсулот деярли бутун йил давомида сарфланади, маҳсулот эса маълум даврдагина олинади.

Назорат ва муҳокама учун саволлари

1. АСМ соҳалари қандай ташкил этилади?
2. АСМ ишлаб чиқаришининг ўзига хос хусусиятлари нималарда намоён бўлади?
3. АСМ инфратузилмасининг турлари ва моҳияти нималардан иборат?
4. АСМда хўжалик юритишнинг қандай янги шакллари мавжуд?

Асосий адабиётлар

1. Абдувоҳидов А. Ахборотлаштириш инфратузилмаси ва тараққиёт. «Иқтисод ва ҳисобот», 10-сон. - Т., 1997.
2. Ваҳобов А., Исмоилова Б. Қишлоқда бозор инфратузилмаси. «Иқтисод ва ҳисобот», 5-сон. - Т., 1997.
3. Отабоев О. Инфратузилма ва самарадорлик. «Иқтисод ва ҳисобот», 10-12-сонлари. - Т., 1995.

ИНФРАТУЗИЛМАНИНГ МОҲИЯТИ, ТАРКИБИ ВА ТУРҚУМЛАШТИРИЛИШИ

2.1. Қишлоқ хўжалигидаги инфратузилманинг мөҳияти ва аҳамияти

Агросаноат ишлаб чиқаришининг пировард натижалари фақат қишлоқ хўжалиги ривожланиши даражасига эмас, балки унинг хизмат кўрсатиш тармоқларига ҳам боғлиқдир. Ишлаб чиқариш ҳажми ўсиши билан қишлоқ хўжалигига моддий-техника ресурслари, керакли хомашё ва ёрдамчи материаллардан фойдаланиши ҳажми ҳам ошади. Хўжаликларнинг электроэнергияси, транспорт, алоқа воситаларига, маҳсулотни сақлаш жойларига талаб ошади. Қишлоқ хўжалигининг таъминлаш-техник хизматига, моддий-техника таъминоти ташкилотларига, муҳандислик, зооветеринария, агрокимё хизмати ва бошқа хизматларга боғлиқлик даражаси ўсади. Бу жараёнда самарали фойдаланиши ва истеъмолчига етказиб беришни таъминлашдириган ташкилот ва тармоқларнинг ривожланиши ҳам мухум аҳамият қасб этади. Бундай тармоқлар ва хизматларни иктиносидётда инфратузилма дейилади.

Инфратузилма – ижтимоий ва иктиносидий ишлаб чиқариш учун нормал шарт-шароитларни таъминловчи тармоқ ва саноат мажмуудир. У ишлаб чиқариш, технологик, иктиносидий ва ташкилий алоқалар жараёнда вужудга келадиган реализация орқали АСМнинг самарали ишлашини таъминлайди. Инфратузилма жамият ишлаб чиқариш кучларининг бўлинмас қисми ҳисобланади. У корхонанинг самарали фаолиятини таъминлайди ва АСМнинг пировард маҳсулоти миқдоран кўп ва спфатан юқори бўлишига йўналтирилган. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотининг ялпи ишлаб чиқарилиши пировард натижада тармоқнинг ишлаб чиқариш фондлари, айланма маблағлари, меҳнат ресурслари билан таъминланганлик даражаси билан бирга хизмат қиливчи ишлаб чиқаришининг ривожланганлик даражасига боғлиқ. Улар орасида агрокимё, зооветеринария, консультация хизматларига катта эътибор берилади.

Инфратузилма қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини интенсивлаштириш ва самарадорлиги ўсишининг мухум омили ҳисобланади. Хомашё, материал ва тайёр маҳсулотининг ўз вақтида олиб келинини хўжалик айланмасида бўлган ресурсларни белгилайди. Саноатлаштириш, кимёлаштириш, мелиорация ва ишлаб чиқаришининг бошқа асосий омиллари тез суръатда ўсишинга нафакат қишлоқ хўжалиги учун ишлаб чиқариши

маблағларининг микдоран ўсиши ҳисобига, балки маблағ ресурсларидан самарали фойдаланишин таъминлайдиган хизмат тизими ташкил этилиши ҳисобига ҳам эришилади. Бозор муносабатлари ривожланган шарт-шароитда инфратузилманинг тармоқ ва ишлаб чиқариш вазифалари ҳам ўзгаради. Бу ерда қышлоқ хўжалигининг материал, ресурслар, техника билан таъминоти йўқ. Мавжуд бўтган хизматлар базасида АСМ корхоналарига моддий ресурсларни реализация қиласидиган ҳиссадорлик жамиятлари ва ширкатлар вужудга келмоқда.

Моддий ишлаб чиқариш инфратузилмасининг асосий мақсади қышлоқ хўжалиги корхоналарни ишлаб чиқаришига хизмат қилиш вазифасидан босқичма-босқич озод этишдан иборат. Инфратузилма ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш ва қышлоқ хўжалигининг асосий маҳсулотлари сифатан юқори бўлиши учун шарт-шароитлар яратишга йўналтирилган. Мустакил равишда шировард маҳсулотни ишлаб чиқармайдиган тармоқ ва хизматлар маълум микдорда бутун ишлаб чиқариш самарадорлигига таъсири этади. Инфратузилма АСМ учун кадрлар тайёрлаш, уни пиччи кучи билан таъминлашга ёрдам беради.

Инфратузилмага кирадиган тармоқлар ишлаб чиқариш жараёнига бир хилда таъсири кўрсатмайди ва жамият ишлаб чиқаришида ўзига хос ўрин эгаллайди. Шу туфайли инфратузилма тармоқларини асосий кўрсаткичлари бўйича туркумлаш мухим амалий аҳамиятга эга. Инфратузилма туркумланиши алоҳида элементлари билан бирга бутун тармоқлариниг жамият ишлаб чиқариш тизимидағи ўринларини белгилашга ёрдам беради. У тармоқлараро алоқаларни ўрганишга ва асосий ишлаб чиқариши билан хизмат кўрсатиш тармоқлари орасида оптимал мувозанатни белгилашда кўмаклашади.

Инфратузилма элементларининг характеристини кўп томонлама ҳисобга олган ҳолда уни конкрет хусусияти бўйича туркумлаш мумкин эмас. АСМ инфратузилмаси элементларини қўйидаги тўрт хусусияти орқали туркумлаштириш мумкин (2-чизма).

- ишлаб чиқариши жараёнига таъсири даражаси билан;
- ҳудудий;
- тармоқ;
- функционал йўналтирилганлиги бўйича.

АСМ инфратузилмасини ишлаб чиқариш жараёнига таъсири даражаси бўйигча қўйидаги иккى гурӯхга бўлиши мумкин:

- ишлаб чиқариши;
- ижтимоий.

Иккисодий самарадорлик. Ишлаб чиқариши инфратузил-

маси шектисодий самарадорлигининг асосий кўрсаткичи объектлар ишлаб чиқарниши харажатларининг ўз-ўзини қоплаши ҳисобланади. У қуйидаги формула орқали ҳисобланади:

$$Ku = \frac{K \text{ ёки } B}{Mi}$$

Бу серда: Ku – ишлаб чиқарниш инфратузилмасига кетган харажатларниң ўз-ўзини қоплаши;

K ёки B – қишлоқ хўжалиги маҳсулотининг қиймати;

Mi – ишлаб чиқарниш инфратузилмасининг ишлаб чиқаришга кетган моддий харажатлари.



2-чизма. ACM инфратузилмаси элементларининг туркумлашни

Худудий хусусияти ва ишлаб чиқаришга хизмат кўрсатни бўйича тармоқлар қўйидагиларга бўлинади:

- инфратузилманинг халқ хўжалиги тармоқлари;
- худудий тармоқлар;
- онкест корхонада маҳаллий ёки ишлаб чиқариш тармоқлари.

Халқ хўжалиги инфратузилмаси бутун халқ хўжалигининг самарали ишлашига хизмат қўладиган тармоқ ва хизматлардан иборат. Шундай қўлиб, у ягона энергетик, транспорт, алоқа тизимлари буюқ инфратузилма мажмуси ҳисобланади; халқ хўжалигининг электрэнергиясига, почта, телеграф ва транспорт алоқларига бўлган талабини қондиришга йўналтирилган.

Худудий инфратузилма алоҳида иқтисодий районларнинг ривожланиши ва худудий ишлаб чиқариш мажмулари шаклланисиши билан боғлиқ.

Локал ёки ишлаб чиқариш инфратузилмаси алоҳида корхоналарнинг фаолиятини таъминлайдиган элемент ва ишлаб чиқаришдан иборат. Локал инфратузилмага ички хўжалик ва хўжаликлараро йўл қурадиган ташкилот мисол бўла олади.

Тармоқ хусусиятларни бўйича инфратузилма тармоқлараро инфратузилма ва тармоқ ички инфратузилмасига бўлганади. Тармоқлараро инфратузилма халқ хўжалигининг кўнгина тармоқларига хизмат қилишга йўналтирилган. Тармоқ ички инфратузилмаси эса конкрет тармоқнинг ишлашига ёрдам беради.

Функционал йўналтирганлик бўйича АСМ инфратузилмасида ишкита соҳани кўриш мумкин: бевосита қишлоқ хўжалигига хизмат қилувчи соҳа ҳамда пировард маҳсулот истеъмолчига стиб боришини таъминлайдиган соҳа. Бринчи соҳа машина таъмир-таъминоти тармоғи, транспорт-мелиоратив, сув таъминоти ташкилотлари, агрономия, ветеринария, информация хизматлари, моддий-техника таъминоти ва электрлаштириш тизимларидан, иккинчи соҳа эса маҳсулотни тайёрлаш, ташиш, саклаш ташкилотларидан иборат. АСМ нормал ишлашини турли қадоқлаш материалларининг старли миқдорисиз таъминлаш мумкин эмас.

2.2. Ишлаб чиқариш инфратузилмасининг иқтисодий можияти

Ишлаб чиқариш инфратузилмаси ишлаб чиқариш маблағлари ҳамда уларнинг узоқ муддат ишлашини таъминлайдиган тармоқларни ўз ичига олади. Ишлаб чиқариш инфратузилмаси таркибиға бевосита қишлоқ хўжалигига хизмат қилувчи

тармоқлар киради; ишлаб чиқарышга йўналтирилган транспорт, таъмираш устахоналари, омбор хўжаликлари, коммуникация тизими ва телеграф, алоқа, элекtroэнергия узатиш линиялари, техник хизмат станциялари, илмий – ишлаб чиқариш лабораториялари, ҳисоб марказлари. Бундай хизматларга ўсимлик мухофазаси, агротехника, ветеринария, техник таъмир, юридик ва бошқа хизматлар киради (З-чиズма).


Ишлаб чиқариш инфратузилмасининг шаклланишига кўпгина омиллар таъсир этади. Уларнинг ичидаги тупроқ-иқлим шароити, худуд рельефи, сув билан таъминланиши, ер ҳудуди конфигурацияси, йўл ҳолати, корхонанинг жойлашиши, ишлаб чиқариш объектларининг жойлашиши, кўпланилаётган технологиялар, ишлаб чиқариш ихтисослашиши ва концентрациялашиш даражасига алоҳида эътибор берилади.

Кишлоқ хўжалиги корхоналарида собиқ иттифоқ давридагига қараганда ҳозирги вактда алоқанинг ўрии ва аҳамияти жуда муҳимдир. Чунки, хўжаликларнинг аксарият қисми ўзи стиштирган маҳсулотларнинг давлат буортмасидан ташқари қисмини хоҳлаган ташкилот, фирмага ёки бозорда сотиши мумкин. Шу боис уларнинг бозор конъюнктурасини ўрганиши ёки баҳо тизими ўзгариб туришидан хабардор бўлишида, алоқа тизимининг энг замонавий ускуналаридан фойдаланишда хўжаликлар стиштирган маҳсулотларни сотиш билан боғлиқ бўлган жараёнларни имкон даражасида ҳал қилишга кўмаклашади.

Алоқа тизимининг яна бир муҳим хусусияти шундаки, бунда хўжаликнинг ички тизимида бўлаётган барча жараёнлардан хабардорлик ҳамда уларнинг муаммоларини ҳал этиш имкони яратилади. Хўжалик ичидаги фаолият кўрсатаётган барча ускуналар ва механизмларга зарур ҳолатда техник ёки бошқа хизматларни кўрсатишида, алоқа тизимининг ўрии ва вазифаси қанчалик даражада аҳамиятли эканлигини кўриш мумкин.

Хўжаликларнинг сифатли маҳсулот етиштириши ва наслдор чорва моллари билан таъминланишида бозордаги ҳолатни ўрганиш ва бошқа жараёнларда илмий ва ахборот таъминоти ўзига хос ўрин тутади. Бу таъминот орқали янгиликлар қанча тез тарқатилса, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчилари бу янгиликларни шунча тез ўзлаштириши ва жорий этишлари, иккичидан, улардан фойдаланиб, ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишлари мумкин. Чунончи, пахтани плёнка остига экишининг жуда кенг ва тез тарқалиши, яъни Андижонда тажриба усулида ўтказилиб, унинг бошқа вилоятларга тарқатилиши ёки ривожланган чет эл мамлакатлари технологиясининг республикамизга келтирилиши, яъни «Марал-125», «Магнум-7240»,

«Кейс-2166» комбайнлари ва тракторларининг қишлоқ хўжалигига жорий этилиши ва уларнинг ишлаб чиқарниш жараёнидаги самаралти фаолияти шулар жумласидандир.



З-чизма. Ишлаб чиқарниш инфратузилмасининг шаклларини.

Асосий йўрүк хизмат кўрсатувчи тармоқлардан бирпи йўл хўжалигидир. Кишлоқ хўжалигига энг кўп тарқалган ва асосий тармоқ автомобиль йўллари ҳисобланади. Тармоқларaro характерга эга бўлган йўллар қишлоқ хўжалигига ишлаб чиқарилган маҳсулотларни истеъмолчиларгача стқазиш каби кенг кўламли ва салмоқли вазифаларни бажаришади, ички тармоқ характеристидаги йўллар эса хўжалик ичидаги барча ички муаммоларни ҳал этишида ўзига хос ўрин тутади. Хўжалик ичидаги йўллар маҳсулот ишлаб чиқарниш билан боғлиқ бўлган барча

фаолиятларга хизмат қылади. Қишлоқ хұжалиғыда йүлларнинг жоіллашыши, асосий обьектларга қулаі түршіши, асфалтланганлық даражаси ва текислилги ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишда ўз таъсирин күрсатади.

Маълумки, инфратузилманинг энг йирик тармоқларидан бири транспорт хұжалиғи ҳисобланади. Ишлаб чиқариш ҳаралати жараёнини транспортсиз тасаввур қылыш қийин. Бу борада қишлоқ хұжалиғига хизмат күрсатаётган транспортлар фаполияти узоқ даврни ўз ичига олади. Даставвал қишлоқ хұжалиғидан транспорт вазифасини ўтаб келган иш ҳайвонларидан фойдаланылған.

Қишлоқ хұжалиғи корхоналарида хизмат күрсатувчи техникаларнинг ҳолати ишлаб чиқариш самарадорлигини күп жиҳатдан белгилаб беради. Кейинги 5-6 йыл ичидә мавжуд техникаларнинг бир қисми хизмат муддатини ўтаб бўлган ва ишга яроқсиз ҳолга келиб қолган эди. Республикамиз бўйича 1990-1996 йиллар мобайнида ҳайдов тракторлари 67 %га, пахта терриш машиналари 62 %га, тиркамали юқ ташувчи транспортлар эса 83 %га камайган. Бу эса, ўз навбатида, ишлаб чиқариш жараёнинг салбні таъсир этади.

Етиштириладиган қишлоқ хұжалиги маҳсулотларини истеъмолчиларгача бўлган узлуксизлігини таъминлашга ишлаб чиқариш шифратузилмасиниң иккинчи йирик тармоғи хизмат қылади. Бу тармоқ маҳсулотларни саралаш, тайёрлаш, саклаш ва сотиш билан боғлиқ бўлган жараёнлар киради.

Хұжаликларда маҳсулот ишлаб чиқарилгандан сўнг уни саралаш ва тайёрлаш ишлари олиб борилади. Саралаща маҳсулот таркнибидаги озуқа моддалари кўринишига қараб иккى гурухга бўлинади. Бу эса, ўз навбатида, маҳсулотларни саклаш учун тайёргарлик кўришга имкон яратади. Чунки саралаш жараёнида маҳсулотнинг шишиш даражаси, нави ва турига қараб, саклаш дастури ишлаб чиқилади. Маҳсулотнинг қисмини қайта ишлашга топшириши, иккинчи бир қисмини эса саклаш масаласи ҳал этилади.

Маҳсулотларни саралаш ишлари олиб борилмаса, саралаш жараёнидаги эътиборсизлик ва камчиликлар туфайли истрофарчиликка йўл кўйилishi мумкин. Сараланган қишлоқ хұжалиғи маҳсулотларини тайёрлаш ишлари уларнинг спфатига катта таъсир кўрсатади. Республикамиз қишлоқ хұжалиғидан этиштирилаётган маҳсулотлар орасида асосий пул тушуми пахта, ғалла ва мева-сабзавот маҳсулотлари ҳисобига бўлади. Бу турдаги маҳсулотларга айниқса, мева ва сабзавотларга тез ва соғ хизмат кўрсатилса, иккинчи қисми тайёрлов ташкилотларига сотилса, нобуд-

гарчиликка йўл қўйилмайди. Қишлоқ хўжалиги корхоналарида стиштириладиган мева ва сабзавот ҳамда фалла маҳсулотларини сақлаш, биринчидан, хўжаликларнинг молиявий аҳволини яхшилашга имконият туғдирса, иккинчидан, истеъмолчиликнинг йил давомида доимий талаби қондирилиши мумкин.

Мева ва сабзавотларни сақлаш омборхоналари 2 турга бўлинади:

1. Муваққат (вақтинчалик омборлар);
2. Доимий омборлар.

Муваққат омборлар аҳоли ва чорвачилик мажмуасига яқин жойга курилади. Унда илдизмевалар ва картошкани сақлаш мумкин. Доимий омборлар сифими 100 тоннадан 30000 тоннагча бўлиши мумкин. Бундай омборларда фаол вентиляция бўлганда маҳсулот яхши сақланади.

Хозирги пайтда мева ва сабзавотларнинг газ муҳитини бошқариб сақлаш ривожланган Англия, Франция, Голландия, АҚШ, Германия ва бошқа мамлакатларда кенг қўлланилади. Бунда маҳсулотлар сифати 7-8 ойгача бузилмасдан сақланиси мумкин.

Маълумки, республикамиз қишлоқ хўжалигига фалла майдонлари ва ҳосилий йилдан-йилга ошиб бормоқда. Етиштирилган режадаги ҳосилнинг давлатга сотилганидан қолган қисми хўжалик ихтиёрида бўлади. Унинг бир қисми истеъмол ва уруғлик учун омборхоналарда маълум вақтгача сақланади.

Хозирги кунда дон ва дон маҳсулотларини сақлашда 10-15 %гача нобудгарчиликка йўл қўйилмоқда. Бу эса, ўз навбатида, хўжалик учун заарадир. Дунё миқёсида дон маҳсулотлари З тартибда сақланади:

- дон массасини қуруқ ҳолда сақлаш;
- дон массасини совутилган ҳолда сақлаш;
- ҳавосиз жойда сақлаш.

Умуман, қишлоқ хўжалигига етиштириладиган маҳсулотнинг турига караб, уларни сақлаш учун замонавий омборхоналар ва совутгичлар қурилишини ташкил этиш керак.

Қишлоқ хўжалиги корхоналарида ўзлари етиштирган маҳсулотларни сотиши, яъни истеъмолчига етказиши жуда муҳим аҳамиятга эга. Бу борада ҳозирги пайтда республикамизда тажриба йўқлиги ҳамда хўжаликлар бозор ҳолатини билмасликлари сабабли кўп ҳолларда касодга учрамоқда. Хўжаликларда маҳсулотни сотишдан аввал бозор конъюнктурасини билиш лозим. Бунда ўтган йил якунларини ҳисобга олиб, келгуси йилда қайси маҳсулотларга талабнинг ошиши ёки камайиши ҳамда қайси турдаги маҳсулотларни етиштирганда хўжалик йил якунида

юқори рентабелли күрсаткыч билан чиқиши мумкинлигини бозор конъюнктураси ойдинлаштиради.

Қишлоқ хұжалигыда ишлаб чиқариш инфратузилмасининг ҳар бир тармоғидаги нұқсанлар бартараф этилиши учун зарурый қолатларда капитал күйилмаларни жалб этиш керак. Мавжуд ишлаб чиқариш инфратузилмаси тармоқларини ривожланиши давр талабидир. Инфратузилманинг ҳар бир тармоғида, у агросервис тармоқлари бұладими ёки тайёр маҳсулотни истесмолтчига стказиб беришдеги хизмат күрсатувчи тармоқлар бұладими, бундан қатыназар, ҳар бир соҳа обьектларини энг самарали ва жақон талабларига жавоб берадиган техник жи-хөзлар билан таъминлаш ҳозирги күннинг долзарб муаммола-ридандир. Бу муаммоларни ўз вақтида ечиш, бириңчидан, қишлоқ хұжалиги корхоналары ишлаб чиқариш жараёнини ривожланирса, иккінчидан, ақолининг озиқ-овқат ва бошқа маҳсулот-ларга бўлган талабини тұла қондириш имкони яратилади.

2.3. Ижтимоий инфратузилманинг қишлоқ хұжалиги ривожланишидаги аҳамияти

Ижтимоий инфратузилма тушунчаси ва ижтимоий инфратузилманинг вазифалари.

Қишлоқ хұжалиги корхоналарининг самарали ишлаб чиқариш фаолияти ишчи-ходимларга меҳнат жараённанда бўлгани каби, ишчи кучини тақрор ишлаб чиқаришда ҳам зарур шарт-шароитлар яратишни талаб этади. Ижтимоий инфратузилма бўлимлари ва хизмат соҳалари, бу вазифани бажаришга йўналтирилган.

Ижтимоий инфратузилма ўзида меҳнат жараённанда ишчи-ларни самарали фаолият юритиши учун зарур шарт-шароитларни яратишга йўналтирилган жамият ишлаб чиқариш кучларининг бир қисмини акс эттиради. Ижтимоий инфратузилманинг асосий вазифаси қишлоқ ақолисининг ижтимоий-майший шароитларини келгусида яхшилаш ҳисобланади. Ижтимоий инфратузилма соҳалари яқуний маҳсулот яратишда бевосита иштирок этмайди, лекин улар ишлаб чиқариш жараённининг нормал ривожланиши учун шарт-шароитларни таъминлайдилар.

Ижтимоий инфратузилманинг аҳамияти шундаки, у ишлаб чиқаришнинг зарур малакадаги кадрларга бўлган талабини қондиришни тартибга солади, кадрларни тақрор ишлаб чиқариш ва қишлоқ хұжалигига боғланиб кетишига күмаклашади, меҳнат мухофазаси ва техника хавфесизligини таъминлайди. Ижтимоий инфратузилма бўлимлари нафақат корхона ишчилари, балки

уларнинг оила аъзолари коммунал-майший талабларини қондиришни учун ҳам шарт-шаронтларни яратишда қатнашади.

Ижтимоий инфратузилма қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг хусусиятларини акс эттирадиган ўзига хос жиҳатларга эга. Ижтимоий инфратузилма обьектлари қишлоқ хўжалиги корхоналари ресурслари ва қишлоқ аҳолисининг пул маблағлари ҳисобига ёки давлат инвестицияларини яшаш жойлари, болалар боғчалари, мактаблар, поликлиникалар, алоқа тармоқлари ва бошқалар куришлинига самарали сарфлаш орқали барпо этилади. Қишлоқ жойлардаги ижтимоий инфратузилма бўлимлари нафакат қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида банд пищиларга, балки қишлоқ хўжалиги корхонаси худудида яшовчи аҳолининг бонка қисмига ҳам хизмат кўрсатади.


Одатда, қишлоқдаги ижтимоий инфратузилма обьектлари хўжалик худуди бўйича бўлиб жойлаштирилган бўлади, бу эса улардан самарали фойдаланишини қийинлаштиради. Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг мавсумийлик хусусияти ижтимоий инфратузилма бўлимларни зарур моддий-пул ва меҳнат ресурсларини ажратадилар.

Ижтимоий инфратузилма обьектларини ташкил этиш ва максадга мувофиқ ишлаб туриши улар жойлашган қишлоқ хўжалиги корхонасининг иктиносидий ривожланганлик дарајасига боғлиқ бўлиб қолмоқда. Хўжаликлар ижтимоий ифратузилма бўлимларини шакллантиришга зарур маддий-пул ва меҳнат ресурсларини ажратадилар.

Ижтимоий инфратузилманинг таркиби ва тузилиши. Қишлоқ хўжалигидаги ижтимоий инфратузилма обьектларига коммунал ўй-жой хўжаликлари, медицина ва мактабгача тарбия муассасалари, умумий овқатланиши ташкилотлари, ўкув-ишлаб чиқариши комбинациялари, меҳнат муҳофазаси бўйича хизмат соҳалари, спорт-соғломлаштириш ташкилотлари, шиншилларга хизмат кўрсатувчи транспорт, алоқа ва ахборот хизмати бўлимлари киради. Максадли йўналиши, шаклланши манбани, худудий жойлашувни ва ишлаб чиқариши жараёнида қатнашишига кўра, ижтимоий инфратузилма обьектлари ва хизмат соҳаларини 2 гурӯхга бўлиши мумкин (4-чизма).

Биринчи гурӯхга корхоналар ҳисобидан барпо этилган, хўжалик бўлимларида жойлашган ва меҳнат шаронтлари, техника хавфсизлиги ва ишлаб чиқариши жараёнида ишчиларнинг ҳордиқ олиши, шарт-шаронтларини яхшилашга қаратилган обьектлар тегишилдири. Бу гурӯх таркибига бригадалар ва чорвачиллик фермаларидағи манийи шибоотлар, бўлимлардаги умумий овқатланиши пунктлари (буфетлар, ошхоналар, тамаддиҳо-

налар), соғлиқни сақлаш, маданият ва ҳордиқ объектлари (профилакторийлар, врач кабинетлари, ұкув заллари ва бошқалар), әсфинга қарши пунктлар киради. Улар өнерчилек мажмуаларда, фермаларидан, устахоналарда, трактор бригадаларыда, дала стансияларыда жойлаштирилади.



4-чизма. Ижтимоий инфраструктурма объектлари ва хизмат соқалари

Иккинчи гурұхға қишлоқ құжалиги корхоналарининг ахоли пунктларыда жойлашған, ахолининг коммунал үй-жой талабларини қондириси учун мүлжалланған ва қоюда бүйірча давлат ресурслари, катта корхоналар ва агросаноат үшіншіларининг маңсус воситалари үсісобига ташкил этилген ижтимоий инфраструктурма объектлари, машины хизмат корхоналари, соғлиқни сақлаш, спорт, мектеб ва мектебгача тарбия мұаессасалари, маданият үйлары ва клублар, савдо корхоналари тааллуклары.

Ижтимоий инфраструктурманың үшбү обьектлари қишлоқ жойларидаги ахолининг, меңнат соқасы ва ижтимоий ахволидан қатып назар, ҳаммасига хизмат күрсөткіштерінен шынайы ташкилоттағы мұаессасаларынан жасалып, қондириси учун мүлжалланған және маданият үйлерінде өткізу мүмкін болады.

Қисқача хуосалар

Инфратузилма – ижтимоий ва иқтисодий ишлаб чиқариш учун нормал шарт-шароитларни таъминловчи тармоқ ва саноат мажмуудир. Инфратузилма жамият ишлаб чиқариш кучларининг бўлинмас қисми ҳисобланади. Ишлаб чиқариш инфратузилмаси ишлаб чиқариш маблағларининг ишлаши ҳамда узоқ муддат ишлашини таъминлайдиган тармоқларни ўз ичига олади. Ижтимоий инфратузилманинг асосий вазифаси қишлоқ аҳолисининг ижтимоий-маишӣ шароитларини келгусида яхшилаш ҳисобланади. Ижтимоий инфратузилма объектларини ташкил этиш ва уларнинг мақсадга мувоғик ишлаб туриши улар жойлашган қишлоқ ҳўжалиги корхонасининг иқтисодий ривожланганлик даражасига боғлиқ.

Назорат ва муҳокама учун саволлар

1. Агросаноат мажмуида инфратузилма қандай аҳамиятга эга?
2. Агросаноат мажмуида инфратузилма қандай хусусиятларига кўра туркумлаштирилади?
3. Агросаноат мажмуида инфратузилма қандай турларга бўлинади?
4. Ишлаб чиқариш инфратузилмасининг вазифалари нималардан иборат?
5. Ижтимоий инфратузилманинг вазифалари нималардан иборат?

Асосий адабиётлар

1. Абдувоҳидов А. Ахборотлаштириш инфратузилмаси ва таракқиёт. «Иқтисод ва ҳисобот», 10-сон. - Т., 1997.
2. Ваҳобов А, Исмоилова Б. Қишлоқда бозор инфратузилмаси. «Иқтисод ва ҳисобот», 5-сон. - Т., 1997.
3. Отабоев О. Инфратузилма ва самараадорлик. «Иқтисод ва ҳисобот», №10-12-сонлар. - Т., 1995.

III боб

КИШЛОҚ ХҮЖАЛИГИ КОРХОНАЛARI ВА ХИЗМАТ КҮРСАТУВЧИ КОРХОНАЛАР ҮРТАСИДАГИ АЛОҚАЛАРНИНГ ХУҚУҚИЙ ВА ИҚТИСОДИЙ ШАРОЙТЛАРИ

3.1. Қишлоқ хұжалиги корхоналари фаолиятнинг таҳлили

Қишлоқ хұжалиги фаолиятни ўрганишда унинг асоси қилиб олинған услуга күра, таққослаш, текшириш, маълумотларни ишлаб чиқиш ва ҳоказоларнинг махсус усууларидан фойдаланилади. Корхоналарнинг ишлаб чиқариш - моливий фаолиятларини ҳар томонлама ўрганиб чиқиш жараёнида қўлланиладиган асосий вазифалар қўйидагилардир: таққослаш, статистик гурухлаш, ўртача ва нисбий кўрсаткичлар, занжирили боғланиш усуулари, математик усууларни қўллаш ва ҳоказолар.

Қишлоқ хұжалиги фаолиятини юқорида қайд этилган усуулар ёрдамида ўрганиш хұжаликдаги фойдаланилмаётган имкониятларни аниқлаш, уларни ишлаб чиқариш жорий этиш, иш фаолияти самарадорлигини ошириш имконини яратади. Бундан энг кўп қўлланиладиган усуулардан бири таққосланадир. Бу усулда бир неча иқтисодий кўрсаткичлардан фойдаланилади. Йўмладан:

- ҳисобот курсаткичлари режада келтирилган маълумотлар билан таққосланади;

- ҳисобот йилда эришилган натижалар кўрсаткичи бу борадаги ижроининг ўтган йилги маълумотлари билан солиштирилади;

- ишлаб чиқариш йўналишида бир неча йил давомида ўзгаришлар динамикаси аниқланади;

- қишлоқ хұжалиги бўлинмаларининг ишлаб чиқариш натижалари туман, вилоят ва республика бўйича эришилган кўрсаткичлар ҳамда деҳқон ва фермер хўжаликлари иш натижалари билан солиштирилади. Бу орқали ишлаб чиқариш имкониятларини аниқлаш ва уларни жорий этиш чораларини белтилаш имконияти аёналашади.

Таққослаш усули ёрдамида қишлоқ хұжалиги ишлаб чиқаришида ўзаро узвий боғлиқ кўп кўрсаткичлар бир-бираига солиштирилади. Ҳусусан, ҳар гектар қишлоқ хұжалиги ери ҳисобига қангчадан даромад олиш, ҳар 100га ер ҳисобига чорва маҳсулотлари етиштириши, меҳнат унумдорлигини, маҳсулот таннархини, маҳсулот сотиши, қишлоқ хұжалигига товар маҳсулотлари ҳажми ўсишини, хўжаликларнинг даромадлари ва уларнинг тақ-

символиши, техникадан фойдаланиш, меңнат, ем-хашак балансиши, хұжалик иқтисодиётининг ривожлапиши ва бошқа күрсаткічларни таққослаш мүмкін.

Хар бир таққослаш үзиге хос ахамиятта эга бўлиб, корхоналарининг ишлаб чиқариш күрсаткічларини яхшилаш йўналиши учун зарур муаммоларни топишга имкон беради.

Айни таққослаш усулида фойдаланишда таққослаш учун солиштириши мүмкін бўлган күрсаткічлардан фойдаланиш керак. Масалан, бир неча йил давомида этиштирилган қишлоқ хұжалиги маҳсулотларининг умумий ҳажмидағи үзгаришларни белгилаш учун ҳақиқий сотиш шархларини олиш керак эмас, балки бир бирликка келтирилган нархларда таққослаш зарур.

Гурухларга ажратилган услуг гурухлаш маълумотларини маълум белгиларга кўра, гурухларга бўлиш, демакдир. У статистик текширишининг мухим усули ҳисобланади. Унинг ёрдамида хұжалик тармоқлари, ҳосилдорлик, маҳсулот ҳажми, чорва моллари, маҳсулдорлиги ва бошқалар аниқланади.

Иқтисодий күрсаткічлар сифат жиҳатдан бир хил бўлган гурухларга бўлишади. Күрсаткічлар ўртасида бир-бираига боғланышлар борлиги, ўрганилаётган ҳодисаларининг эиг мухими қайси бири эканлиги аниқланади. Хар хил омилларининг ишлаб чиқариш натижаларига қай даражада, қандай таъсир қилиши белгиланади.

Статистик гурухлаш услуги қишлоқ хұжалигини ривожлаптириш имконостарини аниқлаб беришнинг мухим воситасидир. Унинг ёрдамида сифати бир хил бўлган күрсаткічлар бир гурухга бирлаштирилади. Масалан, пахтачилик ишлаб чиқариш гурухлари ҳосилдорлик күрсаткічига қараб гурухларга ажратилади. Гурухлар күрсаткічига қараб, бригадаларда юқори ёки паст ҳосил омилларини аниқлаш мүмкін.

Қишлоқ хұжалиги фаолиятига тўғри баҳо бериш ва тармоқни такомиллаштиришга оид тадбирларни ишлаб чиқиш, маблағлардан самарали фойдаланиши йўлга қўйишда таҳлил ишларининг ахамияти катта.

Таҳлилини тўғри уюштириш учун таҳлил режасини ишлаб, мавжуд маълумотларни ўрганиш, олдицдан текшириш зарур.

Корхоналарда эса таҳлил ишларини ташкил этишин режа тузини билан якунлаб бўлмайди. Пухта тузилган режа ҳам имконостардан фойдаланиш ва ишчиларни режа бажарилшига йўллашин аниқлайдиган ташкилотчилик ишлари режа (бажарилишига) билан боғланмаса, мўлжалланган натижани бермайди. Шу сабабли, унинг бажарилиши назорат қилиб турилади. Назорат хұжалик иқтисодиётини ривожлантеришда имконостар-

даш түлиқ фойдаланышга ёрдам беради. Статистика соҳаси ходимлари ҳам иқтисодий таҳлил билан шуғулланади. Улар қабул қылышынан ҳисобот маълумотларини статистика усуслари билан қайта ишлаб, вазирликлар, бошқармалар ва корхоналарни йиғма ахборот маълумотлари билан таъминлади. Комплекс таҳлилдә корхона ва ташкилотларниң хўжалик фаолияти чукур ва ҳар томонлама ўрганишиди. Унинг натижаси билан хўжалик фаолиятига иқтисодий баҳо берилади.

Қишлоқ хўжалиги корхоналарида таҳлил қылыш ишларини ташкил этишининг асосий шакли иқтисодий таҳлил билан шуғулланувчи иқтисодий кенгашидир. Унинг асосий вазифаси хўжалик ва ишлаб чиқариш бўлшинмаларининг маълум давр ичидаги иш натижаларини ҳар томонлама ўрганиш, ижтимоий ва иқтисодий ривожланишининг жорий истиқболли режаларини ишлаб чиқиша қатнашиш, имкониятларни аниқлаш ва ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш йўлларини белгилашдан иборат.

3.2. Қишлоқ хўжалиги тармоқлари ривожланишининг табиий ва иқтисодий шароитлари

Қишлоқ хўжалигининг иқтисодий шароити таҳлил этилаёттанида унинг жойлашган ери, туман ва вилоят марказига, темпир йўл стансиясига, маҳсулот топшириладиган ва сотадиган омборга яқинизузоқлиги эътиборга олиниди. Ер-сув, меҳнат ва моддий-техника ресурслари, тураржой, маданий-майишӣ билан таъминланганини, уларниң газлаштирилганлик ва телефонлаштирилганлик даражаси ўрганишиди. Чунки айни шу оминалар кўп ва арzon қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш имконини беради; шахар аҳолисининг қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини қондиришга, жамоа, давлат, ширкат хўжаликларида сутчилик, мевачилик, узумчилик ва сабзавот етиштириш тармоқларини ривожлантиришга шароит яратади.

Қишлоқ хўжалиги тармоқларини жойлаштиришда юк ташиниш шароитлари ҳам ҳисобга олиниши керак. Улов воситалари талаб доирасида бўлмаса, сут, сабзавот, картошка ва сифати тез бузиладиган бошқа маҳсулотларни ўз вактида маизилга етказиб берини ва сотини қийинлашади. Маҳсулот сифати бузилишиг натижасида корхона иқтисодий зарар кўради.

Дунёдаги индустрисал мамлакатлардаги иқтисодий тараққиёт заминида, аввало, меҳнатни ташкил этиш, уни корхоналарга фойда келтирадиган соҳаларга йўналтириш натижасида ҳар бир корхона ва фирма катта даромад олмоқда. Бир-бирига ҳар томонлама ёрдамлашадиган, психологияк, астрологик жиҳатлардан

бир-бирига мос келадиган кишиларни танлаб олиш натижасида ташкил этилган жамоа доимо тараққиёт сари интилади, жамоа аъзолари тадбиркорни янги ғояларни ишлаб чиқаришга жорий этиш учун яқиндан ёрдам беради.

Ҳар бир корхона әгаси корхонасининг иқтисодий фаолияти ривожини таъминлаш учун ишловчиларни танлаб олиш орқали уларнинг ҳар бирига бажариши лозим бўлган вазифаларни белгилаб беради, ўз навбатида, бажарилган ишни қабул қилиш тадбиркор зиммасига тушади.

Бозор муносабатларини шакллантириш шароитида меҳнат унумдорлиги юқори бўлишини таъминлаш қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг муҳим шартларидан биридир. Бусиз тармоқда маҳсулот етиштиришни қўпайтиришга, таниархини арzonлаштиришга эришиб бўлмайди. Меҳнат унумдорлигини ошириш учун, аввало, ички хўжалик ишлаб чиқариш муносабатларини такомиллаштириш лозим. Ўз харажатларини ўзи қоплаш бирламчи ишлаб чиқариш бўлимлари даражасида амалга оширилиши зарур.

Кейинги йилларда, соҳада меҳнат интизомини мустаҳкамлаш эвазига меҳнатни турлича ташкил этиш, иш вақтини беҳуда сарфламаслик, режалаштиришни такомиллаштириш, малака ошириш каби, умуман, меҳнат ва ишлаб чиқаришга ижобий таъсир қиливчи қўплаб самарали шакл ва услублар юзага келди. Меҳнатни самарали ташкил қилишга, табиийки, техника ва технологик жараёнларни такомиллаштирумасдан туриб эриша олмаймиз. Ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишга фақат меҳнатни ташкил қилишни илмий ва амалий натижалар асосида такомиллаштириш эвазига эришамиз, дейдиган олим ва амалиётчилар фикрига тўла қўшиламиз.

Маълумки, тоталитар, маъмурий-буйруқбозлик даври бошқарув тизими бир хўжаликда меҳнатни ташкил қилишнинг турли шаклларини жорий қилишни тақозо этди. Корхоналар учун меҳнатни ташкил этишнинг илфор усуслари, аввало, уларнинг ихтинослашиши, марказлашиши, ривожланиш йўналишлари, аҳоли пунктларининг жойлашиши, ҳудуднинг хусусиятлари ва техника билан қуролланганлиги, қисқаси, механизациялаш даражаси бўйича танланади. Буларнинг барчаси ишлаб чиқариш шаклларини такомиллаштиришга бевосита боғлиқ.

Республикамида бозор иқтисодиётининг шаклланиши ва АСМнинг унга ўтиши соҳада ишлаб чиқаришни такомиллаштиришни тақозо этди. Маъмурий-буйруқбозликка асосланган бошқарув тизими ўзини оқламади, аксигча, бозор иқтисодиёти қишлоқ хўжалигида меҳнатнинг ижара шаклини юзага келтирди. Амал-

даги ишлаб чиқариш шакллари меңнаткашларин ер ва ишлаб чиқаришдан четлаштирган эди. Негаки, шұро даврида соҳада иқтисодий мунисабатлар уларнанға фаол, тадбиркорона фаолиятларини рағбатлағтира олмади. Меншитин ташкил қилишининг ижара шакли ҳозирги күнде республикада меңнат ахъдининг эркін фаолият юритиши учун барча имкониятларни яратди. Деконопларнанға ер билан тиллашиб ишлашини тиклай бошлади. Бу ижара мунисабатлари моҳиятишпен асосидир.

Ижара шаклидаги ишлаб чиқариш ва бошқарув тизими қишлоқ хұжалиғи ходимларининг ижтимоий шароитларини яхшилайды, шуннандақ, әрқиытлық, тадбиркорлық ва мулкка әгалик туйғулатарнан шаклланғтиради. Ишлаб чиқариш самарадорлығи корхоналарнанға үз-үзини маблағ билап таъмишлазы, ижтимоий-иқтисодий ривожланиши, ишчи ўриниларининг таркиби ва хусусиятини белгилаш, қишлоқтарда яшовчилар муаммосини ҳал қилишга ёрдам беради, бир сұз билап айттаңда, ижара шакли аграр секторининг ижтимоий-иқтисодий йұналишыга ижобий таъсир күрсатади.

Жамиятда қишлоқ хұжалиғи обьект сифатида қатор хусусиятларга эга. Хусусан, қишлоқ хұжалиғи меңнатида үзиге хос ишлаб чиқариш воситаси сифатида ердан фойдаланылади, меңнат сифатига алоқыда мунисабат талаб қилинади. Қишлоқ хұжалиғига ишчи иш тажрибасыга эга бўлиши ўта мухимдир. Аграр секторинанға иккита мухим хусусияти шундаки, уннан ижтимоий таркиби үзиге хос. Бу ерда бозор иқтисодиети шароитида турли иқтисодий мунисабатларга хос шакллардаги хұжаликтар фаолият юритади. Буидай шароитда, янын ишлаб чиқариш ва бошқарув шакллари ўртасидаги соғлом мұхит хұжаликнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишини таъминлайды. Собиқ маъмурий-буйруқбозлик тизими буидай хусусиятларини ишобатта олмади.

Бозор иқтисодиёттеги ўтиш жараёнидаги хұжалик юритиши амалиёттіда жамоа мулкчилігінанға ялғи шакллари юзага келади. Хусусан, мулк давлат тасарруфидан чиқарылыши туфайли мулкчилікнинг турли шакллари шаклланып, самаралы фаолият юритмоқда. Ижара меңнатин ташкил қилишининг илғор шаклларидан бири эканлығы амалда тасдиқланади. Бозор иқтисодиёті даврида турли шаклдаги мулкпен бўлиши туфайли жамиятда ижтимоий адолат тикланади, «ҳар кимнинг қобилияттега яраша, ҳар кимнинг меңнаттега яраша» тамоилии үз қадрига эга бўлади.

Президент И.А.Каримов реснубликамизни сифат жиҳатдан ялғи погонага күттарувчи ижтимоий-иқтисодий ривожланишинанға устувор йұналишлари зарурлігини, чунопчы, қишлоқ хұжалиғи ва унга боелиқ тармоктарини устувор ривожланағтириш, ҳозирғи босқычда ерни сотишга йўл қўймасдан, давлат мулкчи-

лигипин сақдаш керактыгыни таъкидлаганлар. Аграр истроҳотлар-иниң дастлабки босқычларида Президенттимиз қышлоқда ишлаб чиңарашының ҳақиқий кооператив шаклини ташкил қилиш масаласини олға сурмоқда.

Зарар күраётгап давлат хұжаликтери дастлаб жамоа хұжаликтерига айлантирилди. Ҳозирги күнде бұңдаи хұжаликтер деңқон ва фермер хұжаликтері, кичик корхоналар, ойлавай пудрат ва ижара жамоаларига асосланған йирик кооператив хұжаликтерге айлантирылғанда. Чунончи, 2000 йилда биргина Қашқадар ё вилоятидаги 221 та қышлоқ хұжалиги корхонасыдан 182 таси ширқат хұжаликтери ва 34 таси жамоа хұжаликтерига айлантирилди.

Ижара фақат маълум мулкисиң субъектлари орасыда хұжалик вазифаларини аниқлаш ва мустаҳкамлаш имконини берібінша қолмай, балки уларниң иқтисодий әркилиги ва ўзаро боғлиқлигипи таъминлады.

Бозор мунисабатлариниң ҳозирги босқычыда, аввало, барча мавжуд маданият-машни хизмат күрсатыш корхоналари инсоннан үй-фиркалары, фаолияти, унга бағтиёр ҳаётин инъом этишіга бүйісундірілгап бўлмоғи лозим. Қышлоқда хизмат күрсатыш маданиятига алоҳида эътибор бериш тақозо этилади. Биринчидан, қышлоқда ижтимоий инфратузилма ва унинг ажрајмас қисми – хизмат күрсатыш соҳасини ривожлантириши орқали аҳолининг турли хизматларга бўлган эҳтиёжи қоидирилса, иккигчидан, ортиқча меҳнат ресурсларини иш билан таъминлаш муаммоси ҳал қўлинишига ёрдам беради. Бундан ташқари, шу соҳада банд аҳоли даромадлари ҳамда давлат хазиаси маблағлариниң (солиқлар орқали) шаклланиш даражаси ортади.

Бутун ривожланған мамлакатлар, жумладан, Хитой тажрибаси шунинг күрсатаяптики, аҳолиниң 80 %дан күнгөренин дехқонлар ташкил қыладигап хитойдек катта давлатда халқиниң қорнини тўқ, устини бут қилиш анча меҳнат талаб қылади. Шунинг учун ҳам, дастлаб ерлар ҳар бир ойлага унинг жон сони ёки ишчи кучига қараб (пудратга) берилади. Дехқончилик солиги сифатида давлатга маълум миқдорда маҳсулот топширилгандан ташқари, давлат у белгилагап баҳо бўйича муайян миқдорда деқончилик маҳсулотини сотиб олиш вазифасини ҳам белгилади, қолган маҳсулотини истаган ерда, истаган субъектга, истаган пархда сотини дехқониниң ихтиёрида қолдирилди.

Кейинчалик сотиб бериш масаласини шартнома бўйича (қанча баҳода, қанча миқдорда сотиш ва сотиб олиш) давлат билан дехқон келишади. Умуман олғанда, давлатиниң сотиб олиш баҳоси шу вактдаги бозор баҳосидан наст бўлмади. Қарийб ўн

беш йиллик ислоҳотлар жараёнида дои нархи 1,5 марта, мойли экшилар хомашёси нархи 8,0 марта, пахтанинг нархи 1,7 марта, гўнитини 3,8 марта ошиди.

Ерлариниг ижарага берилши, ҳосиллиниг дехқон ихтиёрида бўлиши ва уни хоҳлаган жойда сотини эркинлиги, бўш ва ташландик ерларни ўзлаштиргашлардан солиқ олмаслик ёки уларга кам солиқ солиш, фоизсиз кредит бериш, маблағ билац таъминлаш каби эътиборли сиёсат ишбулармони дехқонлар учун ташландик ерлар, тоғ бағри, адирлар ва жарниклардаги бўш ерларни ўзлаштириши имкоинин яратди. Улар янги ўзлаштирилган сралрга турли зироатлар (доили ва бошқа) экшиди, боғлар барпо қилишиди, кейинчалик ўз хомашёларини ўзлари қайта ишлайдиган бўлишиди, шароит талабига кўра, бўрдоқичилик билан шуғулланишиди, ҳунарманацлар шогирд тайёрлашиди, ҳунарманацлик дўконлари очилди, бозорлар барпо қилишиди.

Қишлоқ тумаслари ҳокимиятлари бундай объектив шарондада оиласиий сулолалар асосида жойнинг аниқ аҳволига қараб, янги кичик корхоналар ташкил қилиди ва уларни моддий - маъниавий жиҳатдан кўллаб-кувватлади. Натижада, тегирмон ўринда уни заводи, тикувчилик шаҳобчаси ўринда тикувчилик фабрикаси, косиб дўқони ўринда пойабзал фабрикаси, ёғочсозлик тармоғи ўринда мебель заводи курила бошлади.

Ўзбекистон илгор мамлакатлар қаторига кириши учун ишлаб чиқариш, ҳусусан, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришнинг инфратузилмасини замонавий саноат асосига куриб, қайта ишлапсан саноатни шакллантириши лозим. Қишлоқда саноатлашган меҳнат кўришининг ўтиб, фақат дехқончилик билан боғланниб қолмаслик, қишлоқ ижтимоий-сиёсий ривожланишининг муҳим шарти эканлиги англаб этилмокда, меҳнат соҳаларига, қишлоқ ижтимоий муаммоларини ҳал этишга ишбатан янгича қарашлар шакллана бошлади.

Бугунги кунда қишлоқ хўжалигига меҳнат утумдорлиги даражасининг юқори эмаслигиги ижтимоий тараққиётта салбий таъсир кўрсатмоқда. Бозор муносабатлари шаҳар ва қишлоқлар ўргасидаги миграция жараёнига ҳам таъсир кўрсатади, чунки қишлоқда хизмат кўрсатни соҳасининг кам ривожланганини кўнгина киппиларни, ҳусусан, ёшлиарни иш ахтариб шаҳарга келиши ёки ишлаб қолишларига сабаб бўлиши мумкин. Иш билан таъминлаш соҳасида шаҳар маълум устулилкка эга, имкониятлари кўпроқ.

Қишлоқ жойларида эса бугунги бозор муносабатлари янги хўжалик юритишига ўтётганиниги бир томондан, ишчи ўринларининг қисқаришига олиб келмоқда, иккита чидаи (мулк шаклнинг ўзгариши, жумладан, ширкат хўжалигини айланниши, санацияга тушиши,

башкортта учраши) эса, янги меңнат тармоқлари ва хизмат күрсатиши йүтгә күйиш энг долзарб вазифага айланыпкда. Қышлоқла ижтимоий хизмат күрсатиши соҳаларини ривожлантиришининг турли шакллари ҳар хил ҳукуқий асосларда яратилиши мумкин:

- ҳұжаликлараро үзаро хизмат күрсатиши тармоқлари маълум соҳада ихтисослашиши;
- якка тартибда хизмат күрсатиши соҳалари вужудга келиши;
- шаҳар билан қышлоқ ўртасида үзаро келишув асосида маълум субъектлар ўртасида хизмат күрсатиши соҳаларини яратиш кабиллар одамларни иш билан таъминлашпининг қўшимча имкониятларини вужудга келтиради.

Бу, ишлаб чиқариш соҳасида ва ишлаб чиқаришдан ташқаридаги соҳалар – фан, маданият, соғлиқни сақлашда ҳам татбиқ этилиши мумкин. Мавжуд имкониятлардан биргаликла фойдаланиш, уларни инсонга хизмат күрсатиши соҳасига қаратиш кутилган ижтимоий-сиёсий натижани беради.

Агар Тошкент вилоятида 1999 йилда мулкчиликнинг барча шаклида 31,1 мингдан ортиқ янги иш жойлари яратилган бўлса, шунинг 5671 таси қышлоқ ҳұжалишида, 1500 таси саноатда, 588 таси транспорт ва алоқада, 7383 таси савдо ва умумий овқатланишда, қолпандарни бошқа соҳаларда эди. Шуниси эътиборга лойиқки, яратилган иш жойларининг 15,4 минги ёки ҳамма иш жойларининг ярми якка тартибдаги меңнат фаолияти билан шуғулланувчилар томонидан яратилган, 7 мингта яқин иш жойлари эса хизмат күрсатиши, янын савдо ва умумий овқатланиш соҳаларида ташкил этилган.

Янги иш жойларининг мулк шакли, тармоқлар ва молиявий малбалари бўйича таҳлили шундан далолат бермоқдаки, уларни яратишда устуворлик кичик ва ўрта бизнес, якка тартибда меңнат фаолияти олиб борувчилар ҳамда дехқон ҳұжалигини ташкил этувчилар ҳиссасига тўғри келмоқда ва улар асосан аҳолининг пул маблағи ва берилаётган кредитлар ҳисобига ташкил этилмоқда. Лекин уларниң фаолиятида савдо воситачилиги устуворлик қилмоқда. Албатта, бунга ёшлиар тажрибаси, малакаси камлиги учун шига жойлаша олмаётгани сабаб бўлмоқда. Жамғармаси йўқлиги (қышлоқ жойларда), айрим касблар унча аҳамиятли эмаслиги, ишда қисқариш қўплиги, зарур имкониятларни яратишга бошланғич старт капитали ва малака етишмаслиги буидай ишни бошлашга тўсиқ бўляяпти.

3.3. Корхоналарда меңнатни ташкил этиши ва бошқариш

Корхоналарда меңнатни ташкил этишида ўта муҳим ишларни малакали мутахассислар, иккиси чи даражали юмушларни ўта малакали ишловчиларга топшириш, корхона ишловчилари ора-

сидан шиҳоятда иқтидорларини таиплаб олиб, келажакда амалга ошириладиган яиги фаолиятлар учун тайёрлаш зарурат хисобланади. Ишловчиларга уларниң фаолияти характери, қобилиятының ҳисобага олиб, иш участкаларини тақсимлаш лозим.

Мехнатни бошқаришда кичик корхоналарниң шиҳоятда күлайлуги, жамоа аъзолари бир-бирининг малака дарајасидан яхши хабардорлиги, ишловчилар меҳнатидан корхонада ишлаб чиқариш самарадорлигини юксалтириб боришида фойдаланиш айни муддао ҳисобланади. Ишловчига вазифа берилиши ва ўз павбатида, уйдан тұлық бажарылған ишни қабул қилиш, шунға қараб меҳнатта ҳақ тұлаш зарур.

Бозор иқтисодиети шароитида корхоналарда меҳнат жамоасини пазорат қилиш, улар меҳнатиппенг унумдорлигини техника ёрдамида ошириш учун көнг имкониятлар мавжуд. Шуннингдек, бозор талабидан келиб чиққан ҳолда яиги мутахассисликлар юзага келади, есқи мутахассисликларга эса улар – маънавий жиҳатдан ҳәётдан орқада қолғанлиги туфайли талаб камайиб боради, замонавий техника, технология тараққиёти ишлаб чиқариш корхоналаридан ишловчиларни яиги соҳаларни әгаллаштыра ҳар томонлама сафарбар этади.

Корхоналарни бошқариш ўзига хос муҳим хусусиятларга зәг бўлиб, аслида ишлаб чиқаришта ташкилотчилик қобилияти бўлғанларни, юқори меҳнат унумдорлиги асосида ишлашга сафарбар қила оладиганларни корхонада раҳбарлик лавозимиға кўйиш яхши натижалар беради. Бу корхоналарда меҳнат жараёнини тўғри ташкил этиш, аввало, корхонанинг нормал фаолият кўрсатиши учун қаінча микдорда меҳнат сарфлаш талаб килишини билдиш керак. Бунинг учун у ёки бу ишни бажарышта ҳар бир ишчи сарфлайдиган меҳнат микдорини аниқлаб олиш лозим. Бу ўз-ўзидан корхоналарда ишлаб чиқаришни ривожлантириш учун ҳам, ишловчиларга меҳнат нормаларини белгилашга ҳам эътиборни кучайтиришиң тақозо этади.

Мехнатни замонавий усулларини қўллаш, ишлаб чиқариш жараёнини таҳлил этиб, элементлари бўйича тақсимлаш, технологик жараёнларни бажариш, яиги лойиҳаларни ишлаб чиқаришта жорий этиш учун нормалар белгилаш, меҳнат шароити, иш жойларини таъминлаш, иш режими, дам олиш каби масалаларга эътибор кучайтириб борилган корхонада юқори меҳнат унумдорлигига эришилади.

Бозор иқтисодига ўтиш муносабати билан аграр соҳада ва агросаноат мажмуининг бошқа тармоқларида иқтисодий ислоҳотларин амалга ошириш натижасида хўжалик юритишнинг турли шакллари пайдо бўлди, кўп укладли иқтисодиёт шаклланиб, эр-

кишлапшириши ва иқтисодий испоҳотларни чукурлаштириш боск-иичига кирди. Мана шу ўзгаришлар мос равишда агросаноат мажмуни тармоқларини бошқаришида (айниқса, унинг муҳим тармоғи бўлган қишлоқ хўжалигидан) давр талабига жавоб берадиган бошқариши услублари, усуллари ва шаклларидан кенгроқ фойдаланишига объектив зарурат борлигини кўрсатмокда. Бу жараёнда, айниқса, бошқариши усулларидан (иқтисодий, ташкилий, ижтимоий-психологик) фойдаланишиниг оқилона биринчмасини топиш муҳим аҳамиятта эга.

Агросаноат мажмунини бошқаришиниг замонавий усулларидан (тизимли ва вазиятли бошқарув) фойдаланиб, узоқини кўра билин ва хавф-хатарининг олдини олиш дастурларини ишлаб чиқинига йўналтирилган бошқариши аҳамияти ошиб бормоқда. Моддий, молия ва меҳнат ресурсларида оқилона фойдаланишини таъминлаш мақсадида бошқаришиниг барча босқичларида индекатив режалаштириши усулидан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Бу усул истиқболини аниқлаш, турли мақсадларга мўжалланган ҳар хил дастурларини ишлаб чиқини, агросаноат мажмуни корхоналариниң маркетингта мўжжалланган фаолиятини аниқлашга ёрдам беради.

Хавф-хатарини чукур таҳлил қилини, бошқарипи ходимлари маъсуллиятини ошириши ва унга мос равишда бошқарипи объекти ва субъекти ўртасидаги муносабатларга оид санкциялар ва чора-лар мажмунини бошқаришиниг барча йўналишиларида, хусусан, ишлаб чиқарипи, иқтисодиёт, инновация жараёнини бошқаришида давлат бошқарув идоралариниң аралашуви ёки аралашмаслиги тўғрисида аниқ ва тўла маълумотга асосланган қарорга эга бўлмоқ лозим. Агросаноат мажмунини бошқаришиниг барча босқичларида маркетинг тизимини ташкил этиш, ахборот-маслаҳат хизмати бўлимлари фаолиятини жадаллаштириш зарур.

Бошқарипи ўзига хос хусусияти шундаки, у бевосита кишилар меҳнатини ташкил этиш ва улар фаолиятини мақсадга мувофиқ амалга оширишга йўналтирилган кўп укладли иқтисодиётниң шаклларини ва ривож тошини билан раҳбар ходимлар вазифаси, масульият даражаси ўзгариб, вазиятли ёғданишниг бўлгани талаб ўсиб бормоқда. Корхона эришадиган ютуқлар дастлаб унинг фаолиятига таъсир этувчи ташкил иқтисодий, ижтимоий-техник, демографик омиллар ва ижтимоий муҳитга мосланувига боғлиқдир. Энг керакли воситаларни сотиб олишга, ресурсларни таҳсиллашга оқилона ёндашини лозим. Буниг учун хўжалик раҳбарига тажрибали технологлар (агроном, муҳандис, зоотехник ва бошқалар) керак.

Корхона кўлга киритадиган муваффақият кўп жиҳатдан ишон омилига боғлиқ. Бозор иқтисоди шароитида агросаноат мажмунини бошқаришиниг ўзига хос муҳим хусусияти унинг очиқ

ижтимоий тизим сиғатида намоён бўлишидадир. Бошқариш ва-
зифалари шакли, усули ва уларни қўллаш жараёни объектив ша-
роитга мос келмоги ва доимо ишлаб чиқариш мунисабатлари-
нинг ўзгаришига мослашиб бормоги лозим. У ёки бу бошқарув
тузилмасини қабул қилинча корхонанинг ташкилий тузилиши,
ишлаб чиқариш ҳажми ва йириклиштириш даражаси, ўзига хос
хусусиятлари, тармоқларининг жойлашиши, аҳоли пунктлари сони
ва катталик даражаси, хўжалик юритиш усуллари, кадрлар ма-
лакасини ҳисобга олиш керак. Хўжаликининг бошқарув босқич-
лари сони, минимал бошқариш ходимлари сони иқтисодий жи-
ҳатдан мақсадга мувофиқ, оператив бошқариш учун эса қулай
бўлмоғи лозим.

Малакали ва фаол бошқарув тизимисиз агросаноаг ишлаб
чиқаришини нафакат самарали бошқариш, балки унинг маҳсу-
лотларини сотиш ва истеъмол қилиш ҳам мумкин бўлмай қолади.
Агросаноат бошқаруви ходимларида бозор талабларига мос кела-
диган бошқариш тажрибаси ва малакаси етишмайди.

Улар ишлаб чиқариши маркетингига қаратилган бозор ша-
роитида ишлашга ўрганимаган. Шунинг учун агросаноат мажму-
ини бошқаришининг барча босқичларида мутахассис ва раҳбар хо-
димлар заҳирасини тайёрлаш ва уларни замонавий бошқариш усул
ва услубларига ўргатиш, бунда ўқитишиниг истиқболли техноло-
гиялари, усуллари ва самарали шаклларидан кенг миқёсда фойда-
ланишини ташкил этиш давр талаби бўлиб қолмоқда.

3.4. Бозор мунисабатлари шароитида корхоналарининг хуқуқий-иқтисодий имкониятлари

Хозирги бозор шароитида кичик корхоналар ўз фаолиятини
амалга ошириш учун зарур бўлган хомашё баҳолари шиҳоятда
қиммат бўліб, бу хол корхона ишлаб чиқарган маҳсулот таишар-
хига ҳам таъсир этаятти. Корхоналарни қишлоқ жойларда таш-
кил этиш, аввало, меҳнат ресурсларини жалб этишга қулай имко-
ниятлар мавжудлиги билан алоҳида аҳамиятга эга, чунки қишлоқ-
лarda ишчи кучининг ортиқлик даражаси шаҳарлардагига нисба-
тлан алға юкори. Корхона учун муҳим бўлган иккигачи омил, қишлоқ
хўжалигида этиштирилаётган қимматли хомашё ҳисобланади.

Давлат ўз навбатида турли корхоналар билан тенг иқтисодий
шароит яратиш орқали ишлаб чиқаришини жойлаштиришга эри-
шиди. Иқтисодиёт эгаларидан уқувли, инбилармон бўлини билан
кифориялапиб қолмай, балки истеъмолчилар ва бозор талабини ўрга-
шиб, япиги техника ва технология асосида арзои, сиғатли товарлар
ишлаб чиқариб, бозорни турли маҳсулотлар билан тўғдирини талаб

етилади. Ислом Каримов таъкидлаганидек, «Мулкчилик шакллари турлича бўлган корхоналар ўргасидаги рақобатчилик кураши уларни ишлаб чиқаришни бошқаришинг ички ташкилий тизимларини такомиллаштиришга, техника билан қайта қуроллантиришга, фан ва техника соҳасидаги янги ютуқларни қўллашга мослашишга, кам сарф-харажат қўлган ҳолда япада юқори сифатли ва энг арzon парҳда маҳсулот ишлаб чиқаришга уйдайди».

Ўзбекистон шароитида кичик корхоналарни барпо этиш орқали мустақил хўжалик юритувчи мулк эгалари шаклланади. Бу кичик корхоналарни ташаббускор, ишбильармон шахслар бошқариб, турли бюрократик элементларни хўжалик фаолиятига аралашишдан халос этади. Корхона ҳақиқатда ҳам маҳаллий шарт-шароитларга тез кўпикib, маҳаллий бозор шарт-шароитларига ва талабларига мослашиш билан бирга бозоринг ўзига хос томонларини ўрганади. Кичик корхоналарнинг олаётган фойдалари ва шировард иатижаларидан жамоатчилик тезда хабардор бўлиб, ўзлари ҳам шундай фаолият олиб бориши учун ҳаракат қиласидилар. Кичик корхоналар ҳам иқтисодий жиҳатдан мустақил бўлиб, ўз-ўзини бошкаради, ўзининг харажатларини ўзи қоплаиди. Корхона давлат мулки шаклида барпо этилгани билан ушиг вазифалари, масъуллити учун давлат идоралари ва ташкилотлари жавоб бермайди, балки корхона ўз низомида, таъсис шартиномасида кўрсатилган йўналишлар бўйича ўзи фаолияти учун ўзи жавоб беради. Бундай корхоналар қонунида кўрсатилган талаблар асосида фаолият кўрсатиб, ўз павбатида, мустақил равишда турли ассоциациялар фаолиятида катниаша олади.

Қонунида кўрсатилишича, жавобгарлиги чекланган кичик корхоналар акциялар чиқариши, сотиб олиши мумкин. Бошқа қимматли қофозлар бўйича мамлакатда амал қилаётган қонунилар доирасида муомала қила олади. Бу корхоналар мустақил экспорт, импорт операцияларини амалга ошира олади, халқаро ярмаркаларда, кўргазмаларда иштирок этиши, ўзи ҳам мухусус ихтинослашган кўргазмалар ташкил қилиши, реклама фаолияти билан шуғулланиши, китоблар чиқариши мумкин. Корхоналар республикада бозор иқтисодиётининг ривожланишига таъсир этувчи асосий омиллардан бирига айтаниши лозим.

Янгидан шаклланган бозор мунисабатлари, ўз павбатида, ишлаб чиқариш, тақсимот, айрибошлаш, истеъмол мунисабатларига ҳар томонлама таъсир этиб, жамиятда иқтисодий эркин ишлаб чиқаришини йўлга кўяди ва буниг эвазига юқори даромадни кўлга киритиши учун турли корхоналар ўргасида иқтисодий рақобат кучайиб боради. Ўз павбатида, бозор мунисабатлари талаб ва таклиф қонуни таъсири остида ривожланишиб, бозор ишлаб чиқарувчи билан истеъмолчи орасидаги боғловчи, ҳаракатта

келтирувчи, бошқарувчи сифатида ҳар бир шахсни фаол иқтисодий фаолият күрсатишига сафарбар этади.

Жаҳондаги ривожланган мамлакатлар тажрибаси шундан далолат бермокдаки, бозор иқтисодиёти шароитидаги мамлакатларнинг барчасида турли корхоналарни давлат кооператив, жамоа ҳамкорлигига, хусусий ҳамда кичик корхоналар кўринишида иқтисодий фаолият кўрсатиб келмоқда. Бу мамлакатларда қишлоқ хўжалиги миқёсида турли корхоналарни ривожлантириш билан бирга уларининг фаолиятига алоҳида эътибор қаратилган. Ривожланган индустриал мамлакатларда қишлоқ хўжалиги секторининг 80-90 %ини турли шаклдаги бизнес корхоналари ташкил этади.

Ўзбекистонда ҳам жаҳондаги ривожланган мамлакатларнинг кичик корхоналар бўйича қўлга киритган ютуқларидан тажриба сифатида фойдаланиш ҳамда мамлакатимизда бир неча асрлар давомида турли соҳада фаолият кўрсатиб келган хунарманандчилик корхоналари фаолиятини мустақиллик қўлга киритилганлиги натижасида қайта тиклаш учун хукуқий имкониятлар яратилмоқда. Бу Ўзбекистон Республикасида «Корхоналар тўғрисида»ги (1991 йил 15 февралда қабул қилинган) Конунда ҳам алоҳида таъкидлаб ўтилган.

Аслида давлат манфаати билан турли шаклдаги мулк эгалиришинг ўзаро манфаатларини бир-бирига кичик корхоналар бўйайди. Корхоналар аҳолининг пул маблағлари ва бошқа жамғармаларини ишлаб чиқаришига йўналтиради, шу билан бирга давлатнинг инвестиция сиёсатини амалга оширишда иштирок этади.

Ҳозирги кунда мамлакатимизда 35 минг кичик бизнес корхоналари фаолият кўрсатмоқда. Республикамизда бизнес корхоналари эркин иқтисодий фаолият олиб бориши учун ҳамма хукуқий асослар мавжуд. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Конститутциясинг 58-моддасида кўрсатидадики, Бозор муносабатларини ривожлантиришига қаратилган Ўзбекистон иқтисодиётининг негизини хилма-хил шакллардаги мулк ташкил этади. Давлат иштеймолчиларнинг хукуқи устунлигини ҳисобга олиб, иқтисодий фаолият, тадбиркорлик ва меҳнат қилиш эркинлигини, барча мулк шаклларининг тенг хукуқлиги ва хукуқий жиҳатдан баб-баробар муҳофаза этилишини кафолатлайди.

Конуний жаҳатдан корхоналарни республикамиз халқ хўжалигининг барча соҳаларида барпо этиш мумкин.

Қисқача хуносалар

Қишлоқ хўжалиги фаолиятини ўрганишда унинг асоси қилиб олинган услубга кўра, тақдослаш, тескириш, маълумотларни ишлаб чиқиш ва ҳоказоларнинг махсус усулларидан фойдаланилади. Ҳар бир корхона эгаси ўз корхонасининг иқтисодий фаолияти ривожини таъминлаш учун ишловчиларни танлаб олиш орқали уларнинг ҳар бирiga бажарилиши лозим бўлган вазифаларни белгилаб беради. Мехнатни бошқаришда кичик корхоналарнинг ниҳоятда қулайлиги, жамоа аъзолари бир-бирининг малака даражасидан яхши хабардорлиги, ишловчилар меҳнатидан корхонада ишлаб чиқариш самарадорлигини юксалтириб боришда фойдаланишда айни муддао ҳисобланади.

Назорат ва муҳокама учун саволлари

1. Қишлоқ хўжалиги корхоналари фаолияти қандай таҳлил этилади?
2. Корхоналарда меҳнатни ташкил этиш қандай амалга оширилади?
3. Бозор муносабатлари шароитида корхоналарнинг турлари ва уларнинг ўрни, фаолияти нималардан иборат?

Асосий адабиётлар

1. Вахобова У. Қишлоқда бозор инфратузилмаси. «Иқтисод ва ҳисобот» журнали, №5 - Т., 1997.
2. Каюмов Ф.К. Эффективность АПК - в условиях перехода к рынку. - М., 1992.

АСМ ДА МОДДИЙ-ТЕХНИКА ТАЪМИНОТИНИНГ ТАШКИЛИЙ ВА ИҚТИСОДИЙ ОМИЛЛАРИ

4.1. «Қишлоқ хўжалигининг моддий-техника базаси» тушунчаси

Қишлоқ хўжалигининг моддий-техника базаси дейилганда, моддий бойлик ишлаб чиқариш шароитида бевосита банд бўлган меҳнат воситалари ва меҳнат буюмлари йигиндиси тушунилади. Қишлоқ хўжалигининг моддий-техника базаси – фан-техника янгилкларидан кенг кўламдан фойдаланиладиган, электрлашган йирик машина ишлаб чиқаришидир. Масалан, дехқончиликнинг моддий-техника базасини тавсифласак, уни моддий асосда, техника асосида, тракторлар ва машиналарни дехқончиликда кўплаб ишлатиш, электрлаштиришни оммавий миқёсса амалга ошириш асосидагина ҳал қилиш мумкин.

Қишлоқ хўжалигининг моддий базаси таркибига ср ресурслари, тракторлар, машиналар, меҳнат қуроллари ва буюмлари; электр жиҳозлари; ёнилғи ва мойлаш материаллари, таъмир техникаси, ишлаб чиқариш бинолари, моторация ва йўл иншотлари; алоқа воситалари; маҳсулдор ва ишчи ҳайвонлар; кўп йиллик дарахтлар; уруғлик; озиқ ва ҳоказолар киради.

Қишлоқ хўжалиги моддий-техника базаси ҳалқ хўжалигининг бошқа соҳалари моддий-техника базасига нисбатан ўзига хос бир қатор хусусиятларга эга. Юқорида айтганимиздек, айниқса, қишлоқ хўжалиги моддий-техника базасида энергетика ресурслари катта роль ўйнаиди. Қишлоқ хўжалиги корхоналари ихтиёридаги барча двигателлар, куч берувчи механизmlар ва ишчи ҳайвонлар куввати йигиндиси уларнинг энергетика ресурсларини ташкил этади.

Қишлоқ хўжалигининг энергетика ресурсларига хўжалик ихтиёридаги тракторлар, комбайнлар, пахта териш машиналари, стационар двигателлар, автомашиналар, электр генераторлар, пасайтирувчи трансформаторлар, ишчи ҳайвонлар ва бошқа турдаги механизmlар киради.

Қишлоқ хўжалигининг энергетика ресурслари доимо ривожланиб, такомиллашиб бормоқда. Кам қувватли ва тезлиги кам тракторлар кучли, тезюарар ва иқтисодий жиҳатдан қулай тракторлар билан алмаштирилмоқда. Бунга мисол қилиб, республикамиз сотиб олаётган «Кейс» ва «Магнум» тракторларини кўрсатишмиз мумкин. Бу эса қишлоқ хўжалиги корхоналарини юқори сифатли энсия қувватлари билан таъминламоқда.

4.2. Қишлоқ хўжалиги корхоналари моддий-техника таъминотининг ташкилий омиллари

Қишлоқ хўжалиги корхоналари моддий таъминотининг ташкилий асослари асосан «Корхоналар тўғрисида»ги қонунга мувофиқ олиб борилади. Қишлоқ хўжалиги корхоналари моддий-техника таъминотининг ташкилий омиллари қишлоқ хўжалигининг бир қатор хусусиятларига борлиқ.

Биринчидан, хўжалик моддий-техника базасида асосий ролни ер ўйнайди. Ер – қишлоқ хўжалигига асосий ишлаб чиқариш воситасидир. Бошқа ишлаб чиқариш воситаларининг ривожланиши бевосита ундан фойдаланишга bogлиқ. Ер унумдорлиги ҳар хил бўлиб, маҳсулот бирлигини стиштириш учун ҳар хил миқдорда харажат қилиш талаб этилади. Бу эса ҳар хил унумдорликка эга бўлган ердан бир хил миқдорда ҳосил стиштириш учун ҳар хил миқдорда асосий ва айланма фондларга эга бўлиш заруратини келтириб чиқаради.

Иккинчидан, қишлоқ хўжалигининг моддий-техника базаси табиий шароитлар таъсирига учраб туради. Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши зонал характерга эга бўлиб, ҳар бир зона тупроқ-иқлим шароити ҳар хил бўлиши туфайли уларда ҳар хил тизимдаги машиналардан фойдаланишга тўғри келади. Шунинг учун зоналарда ва улар ичидағи хўжаликларда моддий-техника базаси тузилмаси ҳамда ишлаб чиқаришни интенсивлаштириш даражаси ҳар хил бўлади.

Учинчидан, қишлоқ хўжалигига иш даври билан ишлаб чиқариш вақти бир-бирига мос келмаслиги туфайли ишлаб чиқариш мавсумий характерга эга. Бу моддий-техника воситаларидан унумли фойдаланишга салбий таъсир этади. Хўжалик машиналардан ўсимликчиликда йил мобайнида бир неча ой фойдаланилади. Ишлаб чиқаришнинг мавсумий бўлиши уруғлик, озиқ, ёқилғи ва мойлаш материаллари ва бошқа меҳнат буюмлари заҳирасига эга бўлиш заруратини вужудга келтиради.

Тўртинчидан, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши биологик жараёнлар билан чатишиб кетади, қишлоқ хўжалиги моддий-техника базасининг бир қисми жонли идораизмлардан (ишчи ва маҳсулдор ҳайвонлар, парандалар билан ҳайвонлар, бокувга қўйилган ҳайвонлар, кўп йиллик дарахтлар ва бошқалар) иборат. Улардан самарали фойдаланишга эришмоқ учун тегишли ишлаб чиқариш воситаларига эга бўлмоқ керак. Қишлоқ хўжалиги моддий-техника базасининг ўсиши жамоа хўжаликлари ва бошқа қишлоқ хўжалиги корхоналари ишлаб чиқариш фондларининг ўсишига олиб келади.

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги мутахассисларининг ҳисоб-китобларига кўра, агросаноат мажмуми учун бугунги кунларда 6275 бирлик ҳайдов тракторлари (юқори

унумдорликка айлантириб ҳисобланганда), шу жумладан, 2872 та «Магнум» ва «Маоси Ферпосон» русумли гилдиракли, 3403 та «Т-4А» занжирилди хиллари, 39297 та ихтисослаштирилган уч гилдиракли чопиқ трактори, 40840 та 4 гилдиракли универсал-чопиқ трактори, 2636 та юқори унумли галла ва шоли комбайнлари, 2642 та пахта териши машинаси, 1850 та озуқа йиғиши комбайнлари, 15687 та турли хилдаги плутлар, 311603 та культиваторлар ва бошқа техника воситалари зарур. 2001 йилнинг 1 январь ҳолатига ҳайдов тракторларига бўлган талаб 95, чопиқ тракторларига - 87, галла комбайнларига - 98, культиваторларга - 86, трактор тиркамаларига - 75, дори пуркагичларга - 74 %га қондирилди.

Техника сонини эҳтиёж даражасига стказиш, амортизация муддатларини ўтаб бўлганларини йилма-йил янгилари билан алмаштириб бориш маҳсулот стиштирувчилар (ширкат ва фермер хўжаликлари) учун ҳам, уларга ишлаб чиқариш ва техника хизмати кўрсатувчи сервис корхоналари (машинасозлик заводлари, давлат ва муқобил машина-трактор парклари) учун ҳам муҳим вазифа ҳисобланади. Зоро, машина саройлари технологик карталарда кўрсатилган микдордаги ва турдаги техника воситаларига эга бўлган тақдирдагина барча агротехник талаблар ўз муддатларида сифатли бажарилади, хўжалик ишлаб чиқаришини мханизациялантириш даражасининг ўсиши таъминланади.

Қишлоқ хўжалигини юқори самарали замонавий техника воситалари билан бутлашни рафоатлантириш, соҳа машинасозлик заводлари ва қўшима корхоналарини янада ривожлантириш учун зарур шарт-шароитларни шакллантириш, қишлоққа стказиб бериластган тракторлар ва ўрим-йиғим техникаси ҳажмларини ошириш ҳамда улар учун ҳисоб-китоб қилиши механизмини таомиллаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 2 ноябрдаги «Қишлоқни лизинг шартларида қишлоқ хўжалиги техникаси билан таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги П1 424-сонли қарорининг қабул қилинини айни муддао бўлди. Дарҳақиқат, мазкур хўжжатга асосан вазирлик мақомидаги «Узқишлоқхўжаликмашлизинг» компанияси ташкил этилди, унинг тузилмаси тасдиқланди, энг муҳими, 2001-2007 йиллар мобайнида, тажриба тариқасида «Узқишлоқхўжаликмашхолдинг» компанияси заводлари ва қўшима корхонлари томонидан ишлаб чиқарилаётган қишлоқ хўжалиги машиналарини (биринчи навбатда тракторлар ва ўрим-йиғим техникасини) машина-трактор паркларига, қишлоқ хўжалиги коопсративлари (ширкатлар) га ва фермер хўжаликларига 7 йил муддатга лизингга беришнинг ташкилий, иҷтисодий ҳамда техникавий мханизмлари аниқ ва равшан белгилаб кўйилди.

Лизинг операцияларда «Узқишлоқхўжаликмашлизинг» компанияси (лизинг берувчи), ТТП вилоят худудий бирлашмалари, муқобил машина-трактор парклари, қишлоқ хўжалиги коопсратив-

лари (ширкатлар), фермер хұжаликтери (лизингтә олувчилар), қишлоқ хұжалиги машинасозлигі заводлари ва құшма корхоналари (техника воситаларини ишлаб чықарувчилар) билан бир қаторда Молия вазирилги хузуридаги қишлоқ хұжалигини техника билан таъминдашни давлат томонидан құллаб-кувватлаш жамғармаси, «Пахтабанк» ва «Ұзагросуғурта» компанияси фаолият күрсатмоқда.

Мазкур субъектларнинг ҳар бирига лизинг операциялари мөхиятидан кеслиб чиқадиган күйидеги аниқ вазифалар юқлатылған (чиzmaga қаранг).

Лизинг компаниясыга:

- республикада қишлоқ хұжалиги техникаси лизинг сиёсатини олиб бориши ва уни такомиллаштириш бүйича асосланған тәлифлар ишлаб чиқыш;

- ұзининг минтақавий филиаллари орқали ижарачилар (машина-трактор парклари ҳудудий бирлашмаси, мұқобиң машина-трактор парки, ширкат хұжалиги, фермер хұжалиги) билан лизинг шартномаларини тузиш (чиzmадаги 5-тадбир; кейинги ўринларда бундай ифода чиzmадаги рақам орқали қайд этилади);

- Молия вазирилги хузуридаги маңсус жамғарма маблағларига бүлган ўз әхтиёжини аниклаш;

- жамғарма билан молиявий ресурслар ажратиши, «Пахтабанк» билан молия агенти вазифаларини, «Ұзагросуғурта» компанияси билан эса сұғурта агенти вазифаларини бажариш юзасидан тегишли шартномаларни тузиш;

- жамғарманинг кафолат хатлари асосида зарур техника воситаларини ишлаб чиқариш юзасидан машинасозлик корхоналарига буюртмалар беріши ва уларни етказиб беришге доир шартномаларни тузиш;

- ижарачилар томонидан шартномаларга илова қилинған лизинг тұловлари жадваллари асосида бундай тұловлар ўз вақтида бажарылышини назорат қилиш;

- «Пахтабанк» дагы операция ҳисоб рақамидан машинасозлик корхонасига навбатдаги чорак учун жойлаштырылған буюртма умумий ұажмисыннан 30 % и міндетті аванс пулини тұлаш (8);

- ижарачиларға техниканы суғурта полиси мавжуд бүлгандагина беріш;

- техника воситасини ижарачи томонидан олиб кетілгани тасдиқланғандан кейин машинасозлик корхонасига қолған 70 фонд маблағни ұтказиб, узил-кесил ҳисоб-китоб қилиш (10);

- ижарачилардан олинған суммадан компаниянынг хизмат ҳақдары үндіриб қолингандан кейин қолған қисмени уч күн муддатда жамғарманинг банкдаги ҳисоб рақамиға ұтказиши (12);

- жамғарма маблағларидан мақсадлы фойдаланыши, ҳисоб-китоблар тартибиға қатыый риоя этиш.

Молия вазирилги хузуридаги маңсус жамғармага:

- ишлаб чыкариладиган техникага ҳақ түлаш учун зарур бўлган ресурсларни шакллантириш ва уларнинг маибалариин аниқлаш (1);

- Лизинг компаниясига ажратилган молиявий ресурслар ҳажми учун кафолат хатларини бериш (3);

- маблагни Лизинг компаниясига 7 йил муддатга ссуда сифатида тақдим этиш (6);

- Лизинг компаниясининг «Пахтабанк»даги операция ҳисоб рақамига зарур пул маблағларини ўтказиш;

- маблағларни жамғармага қайтариш муддатлари бузилган тақдирда Лизинг компаниясига жарима тўловлари (пеня) ҳисоблаш (14);

- жамғарма томонидан Лизинг компаниясига ажратилган маблағларнинг мақсадли ишлатилиши устидан назорат ўринатиш.

I-жадвал

Кўрсаткичлар номи	Компания	1 - банк	2 - банк
Техника киймати (ТГЗ 80.11 трактори), минг сўм	5000	5000	5000
Маржа минқдори, %			
Лизинг муддати, йил	12	24	36
Бўйак минқдори, % минг сўм	7 15	7 15	7 15
Асосий карз минқдори, Минг сўм	750	750	
Маржа тўловлари минқдори, минг сўм	4250 1806,250	4250 3612,500	750 4250
Лизинг компаниясига қайтариладиган маблағ, минг сўм	6056,250	7862,500	5418,750
Лизинг олувчи учун техниканинг умумий нархи, минг сўм	6806,250	8612,500	9668,750
Мизозининг молиявий лизинг туфайли тежакаган маблағи, минг сўм			10418,750
1 - банкка караганда	1806,250		
2 - банкка караганда	3612,500		

«ПАХТАБАНК»ка:

(Лизинг компаниясининг молиявий агенти)

- Лизинг компаниясининг барча ҳисоб-китобларига молиявий хизмат кўрсатиши;

- ижарачилар билан тузилган лизинг шартномалари ва машинасозлик корхоналари билан техника воситаларини етказиб беришга доир тузилган шартномалар бўйича белгиланган тўловлар ва ўзаро молиявий мажбуриятларнинг ўз вақтида бажарилиши устидан назорат ўрнатиши;

- ижарачи томоидан лизинг тўловлари олдидан тузилган жадвал асосида амалга оширилмагандан унинг ҳисоб рақамига сўзиз бажарилиши лозим бўлган тўлов талабларини кўйиш (13) ва ундирилган пул маблағларини операция ҳисоб рақамига ўтказиши.

Лизингга олувчилар (ижарачилар)га:

- лизинг бўйича етказиб бериладиган техника воситаларига бўлган ўз эҳтиёжларини аниqlаш ва улар асосида тузилган буортмаларни Лизинг компаниясининг минтақавий филиалларига топшириши;

- техника воситаси қийматининг 15 %ини ўз маблағлари ҳисобидан Лизинг компаниясига аванс тариқасида тўлаш (5а);

- лизингга олинадиган техникани ўз маблаглари ҳисобидан сугурталаш (5б);

- техника қийматининг қолган 85 %ини ва лизинг бўйича %ларни 7 йил мобайнида тўлаш юзасидан лизинг шартномаларини тузиши (5);

- жадвалда белгилаб кўйилган лизинг тўловларини ўз вақтида амалга ошириш (11);

- лизингга олинган машина ва механизmlарни техник талабларга риоя қилган ҳолда ишлатиши ва уларни бузилишдан саклаш.

Лизинг компанияси ва унинг вилоятлардаги филиаллари юкорида келтирилган қоида ва тартибларга амал қилган ҳолда жорий йилнинг 1 август ҳолатига лизинг олувчиларга 2580 та техника воситаларини, шу жумладан, 2012 та «ТТЗ», 240 та «МТЗ», 76 та «МХ-135» русумли пахтачилик ва универсал-чопиқ тракторларини, 200 та «Кеcіс» пахта териш машинаси ҳамда 52 та турли хилдаги қишлоқ хўжалиги техникиасини етказиб бердилар. Буларнинг 226 таси давлат ва муҳобил машина-трактор паркларига, 702 таси ширкат, 1652 таси эса фермер хўжаликларига тегишилдири.

Хўш, лизинг тизими қандай хусусиятлари билан мижозларни ўзига тортоқда, унинг банк кредитларига нисбатан афзалликлари нимада? Бу саволларга тубандаги жадвалда келтирилган рақамлар ёрдамида жавоб топса бўлади (бу срда 1 - банк рақамлари - тижорат банки мижозга ўз маблағи ҳисобидан кредит берганда, 2- банк рақамлари - тижорат банки мижозга Марказий банкдан жалб қилинган маблағ ҳисобидан кредит берганда).

Кўриниб турибдики, мижоз молиявий лизинг туфайли мар-

жаси 24 % бўлган банк кредитига нисбатан 1,8 млн. сўм, маржаси 36 % бўлган банк кредитига нисбатан эса 3,6 млн. сўмдан ортиқ маблагини тежаб қолган. Нархи 5 млн. сўмдан баланд бўлган техникини лизингта олган мижознинг тежаб қолган маблағи миқдори янада катта бўлиши шубҳасиздир.

Кисқа вақт ичидаги тўплланган амалий тажрибаларнинг натижалари мижозларга техника воситаларини лизинг орқали етказиб бериш тизими муайян афзалликларга эга эканлигини кўрсатмоқда:

- машинасозлар, лизинг компанияси на техника ижаравачиличининг яхлит лизинг тизими ташкил этувчилари сифатида фаолият кўрсатишлари уларнинг манфаатлари ўзаро мос тушишини таъминламоқда;

- янги техника воситаларига бўлган талабнинг нафакат давлат машина-трактор парклари ва ширкат хўжаликлари каби йирик субъектлар, балки муқобил машина-трактор парклари ва фермер хўжаликлари сингари нисбатан кичик ташкилотлар томонидан ҳам ортиб бориши;

- лизинг тизими мижозларнинг икки мухим муаммосини, яъни, техникани сотиб олиш ва уни молиялаштиришни бараварига ечиб бермоқда. Бу, маблағ ресурслари тақчил бўлган мижозлар учун айниқса, аҳамиятидир;

- лизингта олувчилар бирданнiga катта маблағ сарфламасдан ўзларининг техника саройлари ва паркларини янги замонавий машина ва механизmlар билан бутлаб олиш имкониятига эга бўладилар.

4.3. Қишлоқ хўжалиги корхоналари моддий-техника таъминотининг иқтисодий омиллари ва уларни моддий-техника жиҳатдан ривожлантиришнинг асосий йўналишлари

Қишлоқ хўжалиги корхоналарининг моддий-техника таъминотида иқтисодий омиллар жуда мухим аҳамият касб этади. Масалан, қишлоқ хўжалиги корхоналарининг ишлаб чиқариш жараёнларини электрлаштириш корхона хўжалик фаолиятини кескин равишда ривожлантиради. Қишлоқ хўжалигига киловатт соат электр энергияси ёрдамида 120кг донни янчиш, 38 бош сигирни соғиш, 15 бош қўйнинг жунини кирқиши, 2,3 илдизмевани қирқиши, 88 кг. нонни ёпиш мумкин.

Электр станцияларини қуриш электр энергияси билан таъминлаш харажатларини қоплаш муддатини қисқартиради, қишлоқ аҳолисининг турмуш шароитини яхшилайди.

Илмий-техникии институтлари маълумотларига кўра, қишлоқ хўжалигига фойдаланилган ҳар бир млрд квтГсоат электр энергияси йилига 700 минг меҳнатга яроқли кишининг меҳнатини тежаб, маҳсулот этиштириш учун сарфланадиган харажатларни 200 млн. сўмга камайтиради.

Қишлоқ хұжалиги корхоналарининг моддий-техника таъминотини ривожлантиришнинг асосий йұналишлари қуидагиларді:

- ҳар бир қишлоқ хұжалиги зонасига мос келадиган ва иқтисодий жиҳатдан қулай бұлған техника ишлаб чиқариш ва шу асосда ишлаб чиқаришни комплекс механизациялаشتыриш;
- ишлаб чиқаришни автоматлаشتыриш воситаларидан кенг күламда фойдаланиш;

• қишлоқ хұжалиги ишлаб чиқаришини кимёлаш даражасини ошириш ва иқтисодий жиҳатдан қулай бұлған киме маҳсулотлари ишлаб чиқаришга уриниш;

- ишлаб чиқариш бинолари ва иншоотлари қуришни кенг күламда авж олдириш ва қурилишни такомиллаشتыриш;

• ерларнинг мелиорация ҳолатини яхшилаш ва қишлоқ хұжалигини сув билан тұла таъминлашга эришиш, яғни ерларга мағаллий ўғитлар солиши ҳамда сугоришнинг илғор технологияларини (масалан, Истроилнинг томчилатиб сугориш технологиясини) құллаш орқали;

• чорвачилик фермерларини маҳсулдор зотли ҳайвонлар билан таъминлаш ва электрлаشتыриш даражасини ошириш; әкинларнинг касалликларга бардош бера оладиган юқори ҳосили, тезпишар уруг навларини яратиш ва ишлаб чиқаришга жорий этиш;

• қишлоқ хұжалиги корхоналарига хизмат қылувчи корхоналарнинг (таъмир, қурилиш, илмий-текшириш институтлари ва хоказо) моддий-техника базасини мустаҳкамлаш.

Хозирги шароитда агротехсервис тизимини ривожлантириш катта ахамият қасб этмоқда. Қишлоқ хұжалигига техсервис хизмати күрсатиши корхоналарини тузиш мухим үрин тутади, бундай корхоналардан бири машина-трактор паркларидир. Лекин, таъкидлаб үтилганидек, иқтисодиёт соҳасини әркинлаشتыриш, яғни давлат бошқарув ролини чегаралаш, иқтисодий әркинликларнинг ва хұжалик юритиши субъектлари сонининг ортиши агротехсервис тизимида ҳам рақобат мұхити шакллантирилишини тақозо этади. Бундай шароитда, турли мулк шаклидаги, агротехник хизмат күрсатувчи мұқобил корхоналарни яратиш зарур. Буларга техник марказлар, дилерлик марказлари, лизинг компаниялари, техника хизмати бүйича фермерлар кооперативи, хұжалик негизидаги мұқобил машина трактор парклари, шахсий ва бошқа турдаги корхоналар киради.

Жұмладан, давлат ҳиссадорлық машина-трактор парклари томонидан хизмат күрсатиши нархларининг юқорилигига бириңидан, чет әл техникаларининг меъёр бүйича хизмат муддатлари 10-15 йил бўлишига карамасдан, лизинг муддати 5,6 йил белгиланиши, лизинг ҳаки (амортизация ажратмаси) миқдори жами тан-нархнинг 55-70 %ини ташқил этиши ва улар унумдорлигининг меъёрига нисбатан 25-30 %га кам белгиланиши оқибатида эса

бошқа харажатларнинг сунъий равищда ортиб кетишига сабаб бўлмоқда. Бизнинг фикримизча, хизмат кўрсатиш нархларини камайтириш йўли, лизинг муддатини ҳеч бўлмагандан техника хизмат муддатининг 80 %игача белгилаш ва бу лизинг ҳақини МТПлар тўлиқ хўжалик бўйнига қўймасликлари учун уларга давлат томонидан узоқ муддатли кредитлар берилиши масаласи ҳал этилишидир.

Умуман, агар тарихга назар ташлайдиган бўлсак 1928-1958 йилларда МТСлар ташкил этилиши, 1980 йилларда Наманганд вилояти, Мингбулоқ туманида тажриба тариқасидаги МТПлар фаолияти натижалари шуни кўрсатдик, техникани дехқондан ажратиб қўйиш, ўз фойдаси орқасидан кувиши оқибатида механизация ишлари таннархи ортиб кетиши бу тузилмаларнинг тез муддатларда тутатилишига олиб келган. Ҳар иккала ҳолда ҳам бу тузилмаларнинг фаолиятини уларни ташкил этишдан асосий мақсад бўлган қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши иқтисодий самараадорлигини ошириш, цировард натижада қишлоқ аҳолиси турмуш фаровонлигини яхшилаш билан узвий боғловчи иқтисодий механизм яратилмаганидир.

Ҳозирги шароитда давлат ҳиссадорлик машина-трактор паркларини монопол ҳолатдан чиқариш йўлларидан бири, юқорида айтиб ўтганимиздек, уларга турдош бўлған техник сервис корхоналарини ташкил этишдир. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг X сессиясида И.А Каримов, ҳар бир туманда бир неча шундай муқобил машина-трактор паркларини тузиш мақсадга мувофиқлигини айтиб ўтган эди. Бу ҳақда, Республика Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 10 мартағи 108-сонли «Машина-трактор парклари моддий-техника базасини янада мустаҳкамлаш ва уларнинг хизматларини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 108-қарорида ҳам тўхталиб ўтилган. Унда жумладан, ҳар бир туманда камида иккита шундай нодавлат мулк шаклидаги машина-трактор паркларини тузиш чора-тадбирларини кўриш кўзда тутилган. Лекин бундай сервис тузилмаларини аввало ташкил этишда, кейинчалик уларнинг фаолият кўрсатишларида бир катор ташкилий-иқтисодий масалаларни ҳал қилиш лозим. Шунинг учун уларнинг энг мақбулини танлаб олишимиз ва устувор ривожлантиришимиз зарур. Шу ўринда уларнинг айримларини таҳдил этишга ҳаракат қиласиз.

Техника марказлари у ёки бу ҳудудда машина ва ускуналар ишлаб чиқарувчининг вакили сифатида фаолият кўрсатади. Шу сабабли уларнинг вазифаларига: машиналар, ускуналар, эҳтиёт қисмлар сотиш, уларни сотишга тайёрлаш, монтаж қилиш ва ишлатиш, кафолат муддатида ва ундан кейинги даврда техника хизмат кўрсатиш ва таъмир кабилар киради. Агросаноат мажмуидаги муносабатларга мос равищда кўп корхоналар кўрсатилган хизматлар учун

ўз вақтида пул тұлай олмаслиги, шунинг учун хам марказлар истеъмолчилар билан ҳисоб-китобда асосан компенсацион лизинг шакидан фойдаланиши күзда тутилади, техника ижараси ва механизация ишларини бажариш оддий бирлашмалар шартномасыдан амалға оширилади. Шундай қилиб, техник марказлар у ёки бу иш тартибларини бажариш учун машиналар мажмунини стказиб беради, уларни нефть маҳсулотлари билан ўз ҳисобидан таъминлады, техник сервис хизмати күрсатади ва ҳоказо. Моҳияти жиҳатидан у машина-технологик станциялар вазифасини бажаради.

Техник марказга техника стказиб берувчилар билан муносабатлар эса икки вариантда ташкил этилиши мумкин: шартномавий ва корпоратив.

Бириңчи вариантда техника ва ускуналар етказиб берувчилар билан лизинг келишуви ёки биргаликта фаолият юритиш ҳақыда шартнома тузилади.

Иккинчисида эса, техник марказ иккиламчи бүйсунувчи жамият бўлиб қолади. Унинг фаолияти акционерлик жамияти томонидан тайинланган ижарочи директор ва директорлар кенгашига сайдланган вакиллар томонидан кучли назорат остида бўлади. Бундай ҳолда техника ва бошқа моддий ресурслар техник марказларга сақлаш учун берилган ҳисобланади.

Бир қатор ҳолларда техник марказлар билан бирга дилерлик марказларини ташкил этиш ҳам мақсадга мувофиқдир. Булар техника ишлаб чиқарувчи, техник марказлар ва истеъмолчилар ўртасида вакил сифатида намоён бўлади. Техник марказ томонидан иш ва хизмат турлари айнан дилерлик марказлари зиммасига юклатилади, чунки техник марказлардан фарқли ўларок, дилерлар биргина техника ва ресурслар стказиб берувчилар билан ҳамкорликни йўлга қўйишлари мумкин. Моҳияти жиҳатидан дилерлик марказларини ташкил этиш ва ривожлантириш сервис хизматини яхшилаш, маҳсулот таннархини арzonлаштириш, техника таъминоти ва эҳтиёт кисмлар баҳосини камайтириши керак, чунки бунда даллолларга эҳтиёж қолмайди.

Ҳозирги кунда кўп хўжаликлар йирик хизмат кўрсатувчи кооперативлар ташкил этиш учун керакли пул маблагларига эга эмас. Шунинг учун бозор шароитида хўжаликлараро кооперацияни ривожлантиришнинг дастлабки даврида бундай кооперативларни бирлаштириш орқали ташкил этиш мақсадга мувофиқдир, яъни моддий-техника ва агросервис пунктлари устахоналарининг мутахассислари, бир неча хўжаликларнинг хизмат кўрсатиш корхоналарини бирлаштириш зарур. Механизация ишларини бажариувчи хусусий тартибдаги корхоналарни ташкил этиш эса, катта капитал маблагларни талаб этади.

Бундай шароитда тўғри ва самарали йўллардан бири йирик

хўжаликлар устахонаси негизида машина-трактор паркларини ташкил этиши кенг жорий қилишдир. Қишлоқ хўжалиги ширкати таркибида муқобиллик асосида ташкил этиладиган хусусий машина-трактор парклари қишлоқ ишлаб чиқариш инфратузилмаларининг янги хўжалик субъектида мулкчилик шаклларидан қати назар (қишлоқ хўжалиги корхоналари, фермер ва дехқон хўжаликлари, шунингдек, бошқа юридик шахслар ва аҳолига) техник сервис хизмат кўрсатади.

Ширкат таркибидаги машина-трактор парки ўз тасарруфидаги ҳамда унинг хизматидан фойдаланувчи ўзга субъектлар техника ва бошқа асосий воситалари базасида кафолатли сервис хизматини ташкил қиласди ва у қўйидаги афзалликларга эга:

- бошқа турдош машина-трактор парклари билан биргаликда техник сервис хизмати кўрсатиш соҳасида рақобатни вужудга келтиради ва кучайтиради;

- буларни ташкил этища бино ва иншоотлар қуриш, малакали кадрларни жалб қилиш зарурати ҳисобига капитал маблағларни тежаш имконияти туғилади;

- сервис хизмати тизими бевосита ширкат таркибидаги машина-трактор парклари фаолиятига асосланганлиги, шунингдек, сервис хизматидан фойдаланувчи бошқа хўжалик субъектлари мутахассислари ва механизаторларидан ташкил топганлиги ва қўшимча бошқарув аппаратига эҳтиёж йўқлиги ҳисобига хизмат кўрсатувчиларнинг умумий сонини камайтириш имконини беради;

- сервис хизмати кўрсатиш билан бир қаторда ширкатдаги мавжуд илгор тажрибаларни сервис хизматидан фойдаланувчи хўжаликларга жорий қилиш имконияти яратилади;

- ширкатлар ва парк хизматидан фойдаланувчи бошқа хўжаликлардаги техника воситаларидан йил мобайнида тўлиқ ва самарали фойдаланиш учун имкониятлар яратилади;

- машина-трактор парки сервис хизматидан ширкатнинг ўзи ҳам фойдаланганлиги учун хизмат ҳақи тарифлари ошиб кетишига йўл қўйилмайди ва тарафлар ўзаро келишувига асосан манфатли даражада белгиланади;

- ширкат таркибида ташкил этилган машина-трактор парклари фаолияти натижасида қўрилган фойда, бевосита парк моддий-техника базасини, шу билан бирга ширкат молиявий аҳволини мустахкамлашга хизмат қиласди;

- хизмат кўрсатиш нархлари нисбатан арzonлиги улар хизматидан фойдаланувчи субъектлар (айниқса, дехқон ва фермер хўжаликлари) сонининг ортишига олиб келади;

- фаолият турларининг кенгайиши, яъни, эҳтиёж қисм, ёқилғимойлаш материаллари ва бошқа саноат маҳсулотлари билан уларни олиб келиб таъминлаш ҳисобига фойда қўриш имкониятини яратади;

- ширкат техника воситалари ва эҳтиёт қисмларни бевосита ишлаб чиқарувчи заводлардан сотиб олиш ҳамда воситачи ташкилотларга тўланадиган тўловлар миқдорининг қисқариши ҳисобига уларнинг нархларини арzonлаштиришга эришилади;

- ширкат ва парк хизматидан фойдаланувчи бошқа хўжалик субъектларининг маблағларини улар билан келишув асосида бирлаштириш ҳамда банкдан узоқ муддатли кредит олиш ҳисобига паркнинг моддий-техника базасини мунтазам равишда янгилашибориш имконияти яратилади;

- бозор муносабатларига мос келувчи бошқа қулай иқтисодий ва ташкилий шароитларни яратишга кенг имкониятлар очиб беради.

Муқобил машина-трактор паркларини ташкил этиш объектив зарурат эканлиги масаланинг иқтисодий томони билан ҳам белгиланади. Яна шуни таъкидлаш керакки, давлат ҳиссадорлик машина-трактор парклари қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш учун зарур бўлган 200 турдаги техника ва ускуналар ўрнига 15 турдаги йирик техникаларни ўзида мужассам этгани, улар хизматидан асосан йирик хўжаликлар фойдаланишини тақо佐 этмоқда ва бу техникалар катта майдонларга хизмат кўрсатади. Авваллари кичик ва янги ташкил этилаётган хўжаликлар эса қўшини республикалардан арzon ва туриб колган техникаларни сотиб олиб, фойдаланишга мажбур әдилар, лекин бу техникалар унумсиз, кўп эҳтиёт қисм ва жорий таъмирни талаб этарди.

Муқобил машина-трактор паркларининг тузилиши бунга чек қўйди, чунки бу машина-трактор паркларида кўп турдаги техникалар мавжудлиги, улар 0,5 гектарга ҳам, 1000 гектарга ҳам бирдек сифатли хизмат кўрсатиши, хизмат ҳақи оптимал даражадалиги, қолаверса, шартнома бутунлай бошқача тузилиши бу хўжаликларга жуда кўл келади.

Юқоридаги таҳлиллардан кўринниб турибдики, ҳозирги пайтда техник сервис тизимида рақобат мухитини вужудга келтирувчи, уни ташкил этиш ва фаолият кўрсатишида кам капитал маблағлар талаб қилувчи, қолаверса, бугунги кунда қишлоқ хўжалигида юзага келган шароитга мос келувчи ва қишлоқ хўжалигида техникалардан фойдаланишининг асосий мақсади маҳсулот этиштириш таннархини камайтиришининг қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши иқтисодий самараадорлигини ошириш билан узвий боғланган механизмини яратишга имкон берувчи энг мақбул йўлларидан бири — бу, йирик хўжаликлар устахонаси негизида муқобил машина трактор паркларини ташкил этишdir.

Қисқача хулосалар

Қишлоқ хўжалигининг моддий-техника базаси дейилгандада, моддий бойлик ишлаб чиқариш шароитида бевосита банд бўлган меҳнат воситалари ва меҳнат буюмлари йигиндиси тушунилади. Қишлоқ хўжалигининг моддий-базаси таркибига ер ресурслари, тракторлар, машиналар, меҳнат куроллари ва буюмлари; электр жиҳозлари; ёнилги ва мойлаш материаллари, таъмир техникаси, ишлаб чиқариш бинолари, мелиорация ва йўл иншоотлари; алоқа воситалари; маҳсулдор ва ишчи ҳайвонлар; кўп йиллик дараҳтлар; уруғлик; озиқ ва ҳоказолар киради. Қишлоқ хўжалиги корхоналари моддий таъминотининг ташкилий асослари асосан «Корхоналар тўғрисида»ги қонунга мувофиқ олиб борилади. Қишлоқ хўжалиги корхоналари моддий-техника таъминотининг ташкилий омиллари қишлоқ хўжалигининг бир қатор хусусиятларига боғлиқ. Илмий - текшириш институтлари маълумотларига кўра, қишлоқ хўжалигидаги фойдаланилган ҳар бир млрд. квт/соат электр энергияси йилига меҳнатга яроқли 700минг кишининг меҳнатини тежаб, маҳсулот етиштириш учун сарфланадиган харажатларни 200 млн. сўмга камайтиради.

Назорат ва муҳокама учун саволлар

1. Қишлоқ хўжалигига моддий-техника баъзаси деб нимага айтилади?
2. Моддий-техника таъминоти деб нимага айтилади?
3. Узбекистон Республикасида моддий-техника таъминоти қандай амалга оширилган?
4. Моддий-техника таъминотини ривожлантиришнинг асосий йуналишлари нималардан иборат бўлади?

Асосий адабиётлар

1. Отабоев О. Инфратузилма ва самарадорлик. «Иқтисод ва ҳисобот» журнали, 10-12 –сонлар. - Т.: 1995.
2. Емельянов А. Экономика сельского хозяйства. - М., 1995.
3. Н. Юсупов, М. Тошболтаев. Қишлоқ хўжалиги техника воситаларини лизинг орқали етказиб бериш тизими. «Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги», №6, 2001.

ЭЛЕКТР ЭНЕРГИЯСИДАН ФОЙДАЛАНИШНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ

5.1. Электрлаштириш — техник тараққиётнинг муҳим йўналиши

Халқ хўжалигининг барча тармоқларида иқтисодий ислоҳотлар давом этмоқда. Кўпгина тармоқлар давлат тасарруфидан чиқарилиб, хусусий мулк шаклига ўтмоқда. Бу борада қишлоқ хўжалигида ҳам бир қанча ишлар олиб борилмоқда. Қишлоқ хўжалигида етиштирилаётган ялпи маҳсулотнинг 97 % и нодавлат сектори ҳиссасига тўғри келмоқда. Қишлоқ хўжалиги корхоналарига хизмат кўрсатувчи тармоқларнинг давлат тасарруфидан чиқарилиши ва хусусийлаштирилиши олиб борилаётган ислоҳотларнинг муҳим натижадир.

Қишлоқ хўжалигига хизмат кўрсатувчи ишлаб чиқариш инфратузилмалари обьектларида бир қанча йирик тармоқлар давлат тасарруфида қолган бўлиб, булар каторига электр узатиш, йўл хўжалити, асосий транспорт хўжалиги ва бошқа шу каби тармоқлар киради. Бу тармоқлар ривожланган давлатлардаги каби давлат тасарруфида бўлиб келган ва шундай бўлиб қолиши керак. Чунки бозор муносабатлари шароитида бундай йирик тармоқлар саноқлигина бўлгани учун улар хусусийлаштирилса, йирик монополистлар пайдо бўлиши эҳтимолдан холи эмас.

Халқ хўжалигининг барча тармоқларидаги каби қишлоқ хўжалигида ҳам электр энергияси билан таъминланганлик ва ундан фойдаланиш муҳим аҳамият касб этади. Қишлоқ хўжалигида электр энергияси асосан ёритиш, иситиш, яъни иссиқхоналар, сув кўтариб берувчи насос станцияларни электрлаштириш, стационар ва кўчма сугориш агрегатларини электрлаштириш, инкубаторияларда ҳамда чорвачилик фермаларида микроВИКЛИМ ҳосил қилиш ва бошқалар учун ишлатилади.

Қишлоқ хўжалигини электрлаштиришнинг самарадорлигини аниқлаш учун бошланғич кўрсаткичлар қўйидагилар ҳисобланади:

- ер майдони ва шудгор қилинган срларда: натурал ва пул ҳисобида экинлар бўйича дехқончилик маҳсулотлари етиштириш;
- ҳайвонлар тури бўйича уларнинг сони натурал ва пул ҳисобида чорвачилик маҳсулотларини етиштириш;
- соҳалар ва жараёнлар бўйича электр двигателлари, электр аппаратлари, қурилмалар сони ва қуввати, электрлаштириш во-

ситалари (подстанциялар, электр узатини тармоқлари, механизмлар)нинг қиймати, бутун хўжалик соҳалари бўйича йиллик истеъмол қилинадиган энергия, 1 кВт қувватнинг қиймати, хизмат кўрсатувчи ходимлар сони, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини стиштириш учун электрлаштиришгача ва электрлаштирилгандан кейинги меҳнат сарфи, хўжаликларнинг электр билан таъминланганлиги ишлаб чиқариш жараёнини электрлаштириш имкониятларини характерлайди.

Электр узатиш тармоқлари ва тарқатувчи ҳамда ишлаб чиқарувчи обьектлар қурилиши қанчалик мустаҳкам ва кафолатли даражада бўлса, нафакат қишлоқ хўжалиги, балки, халқ хўжалигининг барча соҳалари самарали фаолият кўрсатиши таъминланади. Бу тармоқнинг қишлоқ хўжалигидаги ўрни жуда муҳимлиги шундаки, у биринчидан, экинларни субориши билан боғлиқ бўлган жараёниларда сув кўтариш қурилмалари узлуксиз ишлаши, иккинчидан, стиштирилган айрим маҳсулот турларини омборхоналар ва совуттичларда бузилмасдан сақланишини таъминлайди. Бундан ташқари, электр узатиш тармоғи чорвачилик соҳаси ёки паррандачилик тармоқларида электр энергиясидан фойдаланиш жараёнида стиштириладиган маҳсулот сифати ва миқдорини оширишда ўз таъсирини кўрсатади.

Энергетика ресурслари таркибида электр энергияси асосий ўринни эгаллайди. Қишлоқ хўжалигига ишлаб чиқариш жараёнини электрлаштириш корхоналарнинг хўжалик фаолияти кескин ривожланишига олиб келади. Қишлоқ хўжалигига 1 киловат-соат электр энергияси ёрдамида 120кг. донни янчиш, 38 бош сигирни соғиши, 15 бош қўйнинг жунини олиш, 2,3 тонна илдизмевани қирқиши, 88 кг. нонни ёпиш мумкин.

Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини тўла электрлаштириш меҳнат унумдорлигини оширади, ишлаб чиқариш харажатларини камайтиради.

Электр станцияларини қуриш электр энергияси билан таъминлаш харажатларини қоплаш муддатини қисқаргиради, қишлоқ аҳолисининг турмуш шароитини яхшилайди. Қишлоқ хўжалигини электр энергияси билан тўла таъминлаши стиштирилаётган маҳсулотлар сифатини яхшилайди ва иш кучига бўлган талабни камайтиради.

Галлачиликда электр энергиясидан фойдаланиш меҳнат унумдорлигин 3-4 марта оширади. Галлани тозалашда «ОС-1», «ОС-3», «ОБ-10» маркали галла тозалаш меканизмларидан фойдаланиш меҳнат сарфини 20-25 %, маҳсулот таннархини эса 15-35 % камайтиради. Галлани қуритишда меҳнат сарфи 30-40 % га, таннархи эса 20-35 %га камаяди.

5.2. Ишлаб чықарыш жараёснини электрлаштириш

Дөхөңчиликда электр энергиясыдан фойдаланиш экинларни сүфориши ишларини механизациялаш имконини яратыб, мөхнат харажатларини 10-20% га, эксплуатация харажатларини эса 10% га камайтиради. Иссесиқхонани иситиш, ёритиш, сув насосларини ишга солиши ишларидә электр энергиясыдан фойдаланиш фақат мөхнат сарфини камайтирибгина қолмай, балки ҳар га экин майдонидан олинадиган хосилни ҳам оширади. Ҳар бир сүмлик электр энергияси хисобига 100-150 сүмлик маҳсулот яратылади.

Чорвачиликда электр энергиясыдан фойдаланиш мөхнат сарфини кескин камайтиришга олиб келади. Электр энергиясыдан фойдаланиш фермадаги бир қатор ишлар, шу жумладан, сув билан таъминлаш, озиқтарни ҳайвоиларға бериш, сигирларни соғиши, юкларни ташиши, күй жүнларини қирқиши, сутта дастлабки ишлов бериш, инкубация ва хоказо ишларни механизациялар ёрдамида бажариш имконини беради.

Сүфориши ишларини автоматлаштириш чорва моллари маҳсулдорлигини 10-15 % га оширади, олинадиган маҳсулот сифатини яхшилайды. Ем-хашакни молга бериш олдидан таेरлаш ишларидә электр энергиясыдан фойдаланиш мөхнат сарфини 75-90 % га камайтиради, озиқ сифатини яхшилайды, унинг нишхүрдга чиқишини кескин камайтиради. Чорва молларини соғишини электрлаштириш катта аҳамиятта эга. Сигир соғиши аппаратлари ёрдамида соғилганда мөхнат сарфигина тежалиб қолмай, балки соғувчиларнинг мөхнати ҳам енгиллашади. 1 ц. сут күлдә соғилганда 4,4 киши-соат сарфлангани ҳолда, соғиши аппарати ёрдамида соғилганда 2,5 киши-соат, соғиши залида соғилганда эса 1,8 киши-соат сарфланади. Чорвачиликда электр энергиясыдан фойдаланиш сут соғиби олиши мөхнатини тежабгина қолмай, балки соғиладиган сутнинг тозалик даражасини ҳам оширади.

Күй жунини механизмлар билан қирқиши мөхнат унумдорлигини 3-4 баробар оширади. Қирқиб олинган жүн сипати ҳам анча юқори бўлади.

Паррандачилик фермаларини тунда электр энергияси билан ёритиш натижасида товук ва ўрдаклардан олинадиган тухум 25-30 %га кўпаяди. Электр энергиясыдан хўжаликда ёрдамчи тармоқларда, жумладан, устахона, тегирмон, ёғоч арралаш ва хоказо ишларда фойдаланиш катта иктисадий самара беради.

5.3. Электр энергиясидан самарали фойдаланиш күрсаткичлари

Илмий-текшириш институтларининг маълумотларига кўра, қишлоқ хўжалигида фойдаланилган ҳар бир миллиард квтFсоат электр энергия йилига меҳнатга яроқли 700 минг кишининг меҳнатини тежаб, маҳсулот стиштириш учун сарфланадиган харажатларни 2 млн. сўмга камайтиради.

Электр энергиясидан фойдаланиш қишлоқ аҳолисини моддий ва маданий фаровонлигини оширишда, қишлоқ маданиятини шаҳар маданиятига яқинлаштиришда катта роль ўйнайди.

1980 йилда қишлоқ хўжалигида бир ҳодим ҳисобига тўғри келадиган электр энергияси 2520 квт/соат ни ташкил этди. 1990 йилга келиб, қишлоқ хўжалигида фойдаланиладиган электр энергияси 210-235 млрд квтFсоатга стди.

Қишлоқ хўжалигида электр энергиясидан самарали фойдаланиш қўйидаги кўрсаткичлар ёрдамида аниқланади: меҳнат унумдорлиги, маҳсулот таннархи, I киши-соатга тўғри келадиган соф даромад, I сўмлик ишлаб чиқариш сарфига олинган даромад, рентабеллик даражаси, қўшимча сарфланган капитал маблағнинг қайтиш муддати.

Электр энергиясидан фойдаланиш фақат меҳнат унумдорлигини ошириб, маҳсулот таннархини камайтирибгина қолмай, балки ижтимоий, иктисадий ва ишлаб чиқариш шароитлари ҳам яхшиланиши олиб келади.

Қишлоқ, хўжалиги ишлаб чиқаришида ва қишлоқлардан аҳоли пунктларида электр энергиясидан тежаб фойдаланиш ҳар бир қишлоқ, хўжалик корхонаси ва бутун мамлакатта катта иктисадий самара беради. Чунки хозирги вақтда кўпчилик колхоз, совхозлар марказлаштирилган давлат энергия системасига уланган.

Колхоз, совхозларда электр энергиясидан тежаб фойдаланиш билан боғлиқ бўлган ишлар ҳажмиии аниқлаш учун йил бўйи электр энергиясидан фойдаланиш жорий режа тузилади. Бунинг учун бутун хўжалик ва унинг айрим тармоқлари бўйича электр энергиясига бўлган йиллик талаб аниқланади. Бундай ишлаб чиқариш процесларидан ташқари, коммунал-маишӣ, маданий-оқартув муассасалари, қишлоқ аҳолиси сарфлайдиган электр энергиясини ҳам ҳисобга олиш керак. Агар колхоз ёки совхоз территориясида яшайдиган хонадонлар, маданий-маишӣ муассасалар, ҳамном, медицина ташкилотлари ва бошқалар электр энергиясини давлат электр тармоғидан олсалар счётлиқ орқали хўжаликниң электр энергияисига бўлган йиллик талабни аниқлашда ҳисобга олинмайди.

Хўжаликнинг электр энергиясига бўлган йиллик талабни аниқлаш учун аввал тармоқлар бўйича (дехқончилик, чорвачилик, механизация, ишакчилик ва бошқа тармоқлар) бўйича талаб аниқланади. Ёки бўлмаса электр энергиясига бўлган талаб, энергия истесъмолчилари бўйича (электр билан ишлайдиган жами машина ва механизмлар, қурилмалар, ишлаб чиқариш ва жамомат бинолари) аниқланади.

Хисоблаш икки йўл билан:

1. Ҳар бир квадрат метрни ёритишга, ҳар бир электр двигателига ҳар бир исткич прибор ёки электр қувватини барча тармоқлар бўйича хисоблаб, бир-бирига қўшиш йўли билан аниқланади. Бундай хисоблаш анча мураккаб бўлиб, кўп вақт кетади, лекин ҳисоб анча аниқ бўлади.

2. Умумлаштириш ҳолда: бир. хонодонга, 1 т маҳсулот стиштиришга ёки қайта ишлашга, чорва молларини бир бошига, устахоналарда 1 та трактор ёки машинани ремонт қилишга, 1м³ таҳтани ишлашга ва хоказолар бир йилда ўртacha қанча электр энергия талаб қилиниши аниқланади.

Хисоблашни формула шаклида қўйидагича ёзиш мумкин:

$$P_m = P_1 + P_2 + P_3 + P_4$$

P_m – хўжалик бўйича электр энергиясига талаб (кВт);

P_1 – дехқончилик, P_2 – чорвачилик, P_3 – устахоналар, P_4 – хонадонлар бўйича талаб.

Бу срда шуни ҳисобга олиш керакки, хўжаликдаги барча чироқлар, электр ускуналари ва двигателлар бир вақтда ишлайди. Ушининг учун P_m ни талаб коэффициентига (K_c) кўпайтирилиб ҳақиқий талаб аниқланади.

$$P = P_m \cdot K_c$$

ҳақиқий талабга хўжалик ичидаги электр тармоқларида электр токининг йўқолишини ҳам қўшсак, хўжалик бўйича қандай қувватга эга бўлган трансформатор ўрнатиш кераклигини аниқлаймиз.

Хўжалик бўйича ёки хўжаликнинг бирон участкасига қандай трансформатор ўрнатиш кераклиги қўйидаги формула шаклида аниқланади:

$$P_{mp} = (P_m \cdot P_u) \cdot K_c K_{BT}$$

P_{mp} – трансформатор қуввати;

P_u – белгиланган норма бўйича талаб;

P_u – тармоқда токнинг йўқолиши;

K_c – талаб коэффициенти.

Қисқача хуросалар

Энергетика ресурслари таркибида электр энергияси асосий ўринни эгаллади. Электр станцияларини қуриш электр энергияси билан таъминлаш харажатларини қоплаш муддатини қискартиради қишлоқ аҳолиси турмуш шароитни яхшилади. Аллачиликда электр энергиясидан фойдаланиш меҳнат унумдорлигини 3-4 марта оширади. 1980 йилда қишлоқ хўжалигида бир ходим ҳисобига тўғри келадиган электр энергияси 2520 квт/соат ни ташкил этди. Кейинги йилларга келиб, қишлоқ хўжалигида фойдаланиладиган электр энергияси 210-235 млрд квт/соатга етди.

Назорат ва муҳокама учун саволлар

1. Ишлаб чиқаришни электрлаштириш нималардан иборат?
2. Электр энергиядан самарали фойдаланиши кўрсаткичлари нималардан иборат?
3. Қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариш жараёнини электрлаштириш корхоналарнинг хўжалик фаолиятида қандай ўзгаришларга сабаб бўлади?
4. Чорвачиликда электр энергиясидан фойдаланиш меҳнат сарфида қандай ўзгаришларга олиб келади?

Асосий адабиётлар

1. Добрынин В. Экономика сельского хозяйства. - М., 1986.
2. Емельянов А. Экономика сельского хозяйства. - М., 1990.

АСМДА ТРАНСПОРТ ХИЗМАТИНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ

6.1. АСМда транспортнинг аҳамияти

Моддий ишлаб чиқариш тўрт соҳадан: қазиб олувчи; ишлаб берувчи; саноат; дехқончилик ва транспортдан ташкил топган. Транспортнинг бошқа ишлаб чиқарувчи соҳалардан фарқи шундаки, у янги маҳсулот яратмайди, балки ишлаб чиқарилган моддий бойликни истеъмолга етказади.

Транспорт ёрдамида соҳалар, соҳа ичидаги тармоқлар, тармоқ ичидаги корхоналар бир-бири билан боғланиб, ишлаб чиқариш жараёни маромида бориши учун барча шароитлар яратилади. Транспорт ишлаб чиқариш билан истеъмол ўртасидаги алоқани таъминлайди. Иш кучи, меҳнат қуроллари ва меҳнат буюмларини бир жойдан иккинчи жойга кўчириб, жами истеъмол маҳсулоти кўламига таъсир кўрсатади.

Транспорт воситалари ёрдамида моддий бойликлар бир жойдан иккинчи жойга кўчирилиши натижасида истеъмолгача яқинлашади, истеъмол кийматининг ташкил топиши тезлашади. Транспорт воситаларининг ўзига хос хусусиятлари улардан моддий бойлик ишлаб чиқаришнинг ҳамма соҳаларида кенг кўламда фойдаланиш заруратини келтириб чиқаради. Транспорт воситаларидан фойдаланиш маҳсулот ишлаб чиқариш ва уни реализация қилиши учун сарфланадиган вақтни қисқартиради, меҳнат унумдорлигини оширади, маҳсулот таннархини камайтиради.

Транспорт воситаларидан унумли фойдаланиш қишлоқ хўжалигига йўллар қуриш, уларнинг юк ташиш қобилиятини ошириш, таъмир ишларини мунтазам равишда олиб бориш, йўл хўжалиги ихтиёридаги техникани такомиллаштириш ва улардан унумли фойдаланиш, демакдир. Кузатишлар автомобилнинг юк кўтариш қобилияти қаттиқ қопламали йўлларда қаттиқ қопламасиз йўллардагига нисбатан 25-80%, тезлиги 2-3 марта ошишини, ёнилги сарфини эса 2 марта камайишини кўрсатади. Шунинг учун хўжаликлараро ва хўжалик ичидаги йўлларни реконструкциялаш ва ўз муддатида таъмирлаш, йўл қурилишини кенгайтириш ва қишлоқ хўжалигини янда интенсив ривожлантириш учун реал шароитлар яратади.

6.2. АСМда транспортдан фойдаланишининг ўзига хос хусусиятлари

Қишлоқ хўжалигига транспорт воситаларидан фойдаланиш халқ хўжалигининг бошқа соҳаларига нисбатан ўзига хос хусусиятларга эга. Бу хусусиятларга қуйидагилар киради:

- қишлоқ хұжалиги маҳсулотлари кенг худудда етиштирилиши туфайли уларни ташиш бир қатор қийинчиліктерни көлтириб чиқаради;

- қишлоқ хұжалиги ишлаб чиқаришининг мавсумийлиги туфайли юқ ташишни йил мобайнида бир меңдерда амалга ошириб булмайды. Айрим ҳолларда катта миқдордаги юкларни қисқа вақт ичида ташиш зарурати пайдо бўлади;

- турли хил транспорт воситалари талаб этилади;

- ташиладиган юклар тури, ҳажми, хусусиятига кўра ҳар хилдир;

- юқ ташиш масофаси ҳар хил бўлади;

- транспорт воситалари ширкат хұжаликлари кам боради.

Кишлоқ хұжалигидаги транспорт воситаларидан фойдаланишининг бу хусусиятлари қишлоқ хұжалиги маҳсулотлари таннархидаги транспорт харажатлари миқдорининг ошишига олиб келади. Ҳисоб-китобларга кўра, маҳсулот таннархидаги транспорт харажатлари 30-40 %ни, дон маҳсулотлари таннархидаги 26 %ни, маккажӯҳори таннархидаги 15 %ни ташкил этади. Ҳозирги вақтда ширкат хұжаликларида ташиладиган юкларнинг 80%и автомобиль транспортига, 16%и трактор транспортига ва 4 %и от-улов транспортига тўғри келади. Хұжаликлараро ташиладиган юкларнинг кўпичи автомобиль транспорти, хұжаликлар ичида ташиладиган юкларнинг кўп қисми эса трактор транспортлари ҳиссасига тўғри келади. Қишлоқ хұжалиги ишлаб чиқаришида ҳаво ва сув, темир йўл транспортидан ҳам фойдаланимокда.

6.3. Транспортдан фойдаланишни ташкил қилиш

Бозор иқтисодиёти шароитида ва соёлом рақобат мухитида, автотранспорт корхоналари ўз мижозлари, яъни юқ эгалари юкларни ўз вақтида, сифатли ташилганлиги ва албатта, ташишлар ва бошқа ишлар ҳамда хизматларга белгиланган нархлардан қониқишиларини таъминлашга интилишлари лозим. Хұжалик юритишнинг маъмурий-буйруқбозлик шароитида автотранспорт хизматлари учун нарх-наво (тариф)лар давлат томонидан марказлаштирилган ҳолда белгиланган ва ҳар бир автотранспорт корхонаси учун ягона ҳисобланган. Оқибатда кўпчилик корхоналар зарар билан ишлаганлар. Бозор иқтисодиётига ўтиш муносабати билан автотранспорт корхоналарининг нарх-наво (тариф)ларни белгилаш тизимиға ўзгартиришлар киритиш тақозо этилмоқда. Ҳозирги кунда ҳар бир корхона

ўзининг нарх-наво (тариф) сиёсатини ишлаб чиқади, чунки тарифлар доимо назорат остида бўлиши, таҳлил қилиниши керак. Зеро автотранспорт корхонаси томонидан шундай нарх-наво сиёсати қўлланилиши лозимки, у мижозларни ҳам қониқтириши, шу билан бирга, корхона фойда билан ишлашини ҳам таъминлаши лозим.

Фирмалар концепцияси назариясида нарх-наво шаклланиши муҳим аҳамиятга эга. Ушбу концепциянинг асосий маъноси корхона фаолият қўрсатиши ва энг юқори фойда олишга интилишидан иборатdir. Бинобарин, ҳар бир корхонада маҳсулот баҳосини аниқлашга қаратилган маълум ишлар амалга оширилиши лозим.

Юк ташувчи автокорхоналарда ушбу ишлар, яъни юк ташиш, бошқа ишлар ва хизматларга тарифларни белгилаш мутахассис-менежерлар томонидан амалга оширилиши лозим. Нарх-наво (тариф)лар юзасидан узил-кесил карор кабул килишдан олдин менежерлар керакли маълумотларга эга бўлишлари зарур. Менежерларни етарли, ҳақиқий ва долзарб маълумотлар билан таъминлаш автотранспорт корхонасида бошқарув ҳисоби қай даражада йўлга қўйилганлиги билан белгиланади.

Автомобиль ташувлари, бошқа ишлар ва хизматларга тарифларни белгилаш кўп омилларни ҳисобга олувчи мураккаб жараёндир. Нарх-наво шаклланишига таъсир этувчи барча омилларни икки гурӯхга ташки ва ички омиллар ажратиш мумкин.

Шундай қилиб, корхоналарда тарифларни ишлаб чиқиш ва белгилашда бозор ҳақидаги маълумотлардан (ташки омил) ташқари харажатлар тўғрисидаги маълумотлар ҳам ҳисобга олиниши лозим. Бу борада иқтисодчи-олимлар турли фикрларни билдиришган. Жўмладан, Т.В.Шишикова «...нарх-навони белгилаш тўғрисида якуний қарорни қабул қилиш учун бозор ахволини, истеъмолчи талабларини яхши билиш керак,» - деб эътироф этган. Шунингдек, у таъкидлаганки, «...рақобат маҳсулот таннархини ҳисоблашни деярли маъносиз қилиб қўяди, чунки бу ҳолда нарх талаб ва таклиф таъсирида шаклланади, ҳақиқий таннарх эса, ўзича сотиш нархига таъсир этмайди. Таннарх асосида ишлаб чиқаришни бошқариш, айниқса ички имкониятларни аниқлаш мумкин эмас».

Нарх-наво шаклланишига ҳам ташки, ҳам ички омиллар катта таъсир қўрсатади. Таннарх асосий ички омиллардан биридир. Бозор иқтисодиёти шароитида ишлаб чиқариш харажатлари ҳисоби ва ишлаб чиқарилётган маҳсулотнинг калькуляцияси тўғри ташкил қилинмаса ва йўлга қўйилмаса, корхона муқаррар равиша инқирозга учрайди.

Үтказилган тадқиқотлар шуни күрсатдикі, 20 та юк ташып автокорхонасидан 16 таси, яғни аксарияти (80 %) хаяжатларга асосланиб, нарх-наво белгилайди ва фақат 4 таси (20 %) хаяжатларга ҳам, бозорни үрганишдан олинган маълумотларга ҳам асосланади. Шундан келиб чиқиб, қайд этиш мүмкінки, аксарият автокорхоналар автотранспорт хизмати бозорини үрганмайдилар, нафақат нарх-навони белгилашға, якуний натижалари бүйічка корхона даромадига ҳам таъсир этувчи бөшқарув қарорларини қабул қилишга алоқадор бұлған маркетинг изланишлар билан шуғулланмайдилар.

Даромадларни ҳисобға олиш асосий вазифалардан бири бўлиб, асосий хўжалик фаолияти (тушум)дан олинган даромадларни тан олиш ҳисобланади. БХМСнинг мухим мазмунли жиҳати молиявий ҳисоботнинг у ёки бу элементини тан олиш шартларини белгилашдир. Масалан, 18-»Тушум» БХМСси тушумни тан олиш шартларини белгилайди. 2 - «Асосий хўжалик фаолиятидан олинадиган даромадлар» БХМСда ватанимиз ҳисобида биринчи бор даромадларни тан олиш шартлари тўғридан-тўғри ўз ифодасини топган. Ушбу андозага мувофиқ, автомобиль ташувларидан, бошқа ишлар ва хизматлардан олинадиган даромадлар бухгалтерия ҳисобида қуйидаги шартлар мавжуд бўлган ҳолда тан олинади:

- даромад суммаси юқори даражали ҳақиқийлик билан баҳоланиши мүмкін бўлганда;
- битим билан боғлик бўлган даромад автотранспорт корхонасига келиб тушиш эҳтимоли мавжудлигида;
- бухгалтерлик балансининг яқуний ҳисобот санасигача битимнинг яқунланиши юқори даражали эҳтимол билан баҳолангандা;
- битимни ижро этиш ва яқунлап жараёнларида сарфланган харажатлар миқдорини аниклаш юқори даражали эҳтимол билан баҳолангандা.

Даромад (тушум)ни тан олиш шартларидан яна бири – юкларни ташпиш, бошқа ишлар ва хизматларни амалга оширишга оид аниқ бир шартномадан келиб чиққан ҳолда, ушбу даромад (тушум)ни олиш хуқуқи мавжудлигиdir.

Автотранспорт корхоналарида даромадларни ҳисобға олиш 9030-»Бажарилган ишлар ва күрсатилған хизматлардан олинган даромадлар» ҳисоб-варағида амалга оширилади. Ишчи ҳисоб-варақлар режасига (1.2-банди) қўшимча равишда 9031- «1 тонна юк ташиши тарифи бўйича ишлайдиган юк автомобилларидан олинган даромадлар»; 9032- «Соатбай ишлайдиган юк автомобилльларидан олинган даромадлар»; 9033- «Ортиш ва

тушириш ишларидан олинган даромадлар»; 9034-«Экспедиторлик хизматларидан олинган даромадлар»; 9035- «Бошқа ишлар ва хизматлардан олинган даромадлар» - ҳисоб-варакларини киритишни тавсия этамиз. Автотранспорт корхонаси томонидан амалга оширилган юкларни ташишдан олинган даромадларни алоҳида ва бошқа ишлар, бажарилган хизматлардан олинган даромадларни алоҳида акс эттириш учун ушбу ҳисоб-вараклар керак бўлади. Кўшимча равиша киритилган ҳисоб-вараклар бўйича ҳисобни юритиш бухгалтер учун кўп қийинчилик вуҷудга келтирмайди, лекин, шу билан бирга, ички ҳисботлар, таҳлиллар, айрим ишлар ва бажарилган хизматлар рентабеллигини аниқлаш учун маълумот манбаси бўлиб хизмат қиласи.

Транспорт воситаларидан фойдаланишнинг иқтисодий самарадорлиги, чунончи:

- бир тонна километр юк таннархи кўрсаткичи қилинган харажатларни ташилган тонна. километрга бўлиш йўли билан;
- транспорт воситларининг соатлик ёки сменалик иш унуми кўрсаткичи ташилган тонна километр юкнинг сарфланган вақтга нисбати билан;
- машинанинг ишда бўлиш коэффициенти кўрсаткичи ишда бўлган машина-куnlари сонини машинанинг хўжаликда бўлган машина кунлари сонига бўлиш билан аниқланади.
- машинанинг юк кўтариш коэффициенти кўрсаткич умумий ташилган юкнинг юк билан босилган йўлга нисбати билан аниқланади.

Бунда автомобильning техник жиҳатдан таёргарлик коэффициенти, машиналарни ишга чиқариш коэффициенти, ўртача ишда бўлган вақти, суткалик ўртача юрган йўли, ўртача техник тезлиги, юкни ўртача ташиш масофаси, юк ташиш мавсумийлик коэффициенти каби кўрсаткичлардан ҳам фойдаланилади.

Транспорт воситаларидан унумли фойдаланиш ва уларнинг харажатларини камайтириш автомашина ва уни бошқа рувчиларнинг меҳнат унумдорлигини ошириш, мойлаш ва ёқилғи материалларини тежаб-тергаш, жорий таъмир ва жорий қаровлар учун қилинадиган харажатларни тежашга боғлиқ.

Қисқача хуросалар

Моддий ишлаб чиқариш түрт соҳадан: қазиб олувчи ва ишлаб берувчи саноат, дехқончилик ва транспортдан ташкил топган. Транспортнинг бошқа ишлаб чиқарувчи соҳалардан фарки шундаки, у янги маҳсулот яратмайди, балки ишлаб чиқарилган моддий бойликни истеъмолга етказади. Транспорт воситалари ёрдамида моддий бойликлар бир жойдан иккинчи жойга кўчирилиши натижасида истеъмолгача яқинлашади, истеъмол қийматининг ташкил топиши тезлашади. Ҳозирги вақтда ширкат хўжаликларида ташпиладиган юкларнинг 80%и автомобиль транспортига, 16%и тракторут ранспортига ва 4 %и от-улов транспортига тўғри келади. Транспорт воситаларидан унумли фойдаланиш ва уларнинг харажатларини камайтириш, автомашина ва уни бошқарувчилар меҳнат унумдорлигини ошириш, мойлаш ва ёқилфи материалларини тежаб-тергаш, жорий таъмир ва жорий қаровлар учун қилинадиган харажатларни тежашга боғлиқ.

Назорат ва муҳокама учун саволлар

1. Ўзбекистон Республикасида транспортнинг аҳамияти?
2. АСМда транспортдан фойдаланишининг ўзига хос хусусиятлари нималардан иборат?
3. Транспорт воситаларидан фойдаланишининг иқтисодий самарадорлигини қандай кўрсаткивлар ифодалайди?

Асосий адабиётлар

1. Жалилов М. ва бошқалар. Қишлоқ хўжалиги иқтисоди, уни ташкил этиш ва бошқариш. - Т., 1987.
2. Добрынин В. Экономика сельского хозяйства. - М., 1986.

ИЖТИМОЙ ИНФРАТУЗИЛМАНИНГ МАЗМУНИ ВА ТУШУНЧАСИ

7.1. Ижтимоий инфратузилманинг моҳияти ва тузилмаси

Ижтимоий инфратузилма аҳолининг фаровонлигини ошириш, кишилар меҳнат шароити ва турмуш тарзини яхшилаш билан боғлиқ мухим ижтимоий вазифаларни ҳал этар экан, жамият аъзоларининг эҳтиёjlари қондирилишини таъминлайди, мамлакат иқтисодий юксалиши учун шароит яратади. Айни вақтда ижтимоий инфратузилма ишлаб чиқариш самарадорлиги ўсишига бевосита таъсир кўрсатади. Инфратузилманинг ривожланиши иқтисодиёт реал сектори билан бевосита боғланганки, у мазкур тузилманинг ҳолати ва ўзиш суръатларини шакллантиради.

Ижтимоий турмушга таъсир ўtkазувчи инфратузилманинг асосий жиҳатларига қўйидагилар киради:

- ишлаб чиқарувчи кучларни оқилона жойлаштириш;
- аҳоли меҳнат фаоллиги кўламини кенгайтириш;
- меҳнат ресурслари сафарбарлигини тартибга солиш;
- бўш вақт фондини бойитиш ва ундан фойдаланиш шартшароитларини яхшилаш учун имконият яратиш;
- иш кучини такрор етиштиришга таъсир этиш.

Ижтимоий инфратузилма мураккаб вазифалар тизимидан иборат бўлиб, унда барча унсурлар ўзаро боғланганки, улардан бирининг ривожланишидан ортда қолиши бошқаларидан самараасиз фойдаланишига сабаб бўлади. Шу боисдан минтақа ижтимоий инфратузилманинг мажмуя тарзида ривожланишини таъминлаш мухим ишдир.

7.2. Ижтимоий инфратузилмани бошқариш муаммолари

Маъмурий-буйруқбозликка асосланган бошқарув тизими хўкм сурган шароитда ижтимоий инфратузилмани молиялаш манбалари фақат марказлаштирилган фондлар ва элементлар билан чекланган, улардан фойдаланиш тартиби ҳамда ўналиши жуда қаттиқ назорат қилинар эди. Минтақанинг ижтимоий тараққиёти унинг хўжалик юритиш самарадорлигига боғлиқ эмас, ҳудудий бошқарув идоралари, меҳнаткашлар депутатлари маҳаллий Кенгашлари аслида марказ, вазирликлар ва идоралар тазиики остида эди.

Бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида ижтимоий инфратузилма тараққиётини бошқаришнинг асосий ўналишлари қўйидагилардан иборат:

- республика, тармоқ ва ҳудудий бошқарув идораларининг вазифаси ҳамда мақсадлари, мулкий хукуқларини чегаралаш;

- қишлоқ кенгашлари, туман, шаҳар ва вилоят ҳокимликлари ролини қайта кўриб чиқиш;
- мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш жараёнини ҳисобга олиб, ижтимоий соҳада қайта қуриш дастурини ишлаб чиқиш;
- ҳужжатлар ва тавсиялар, меъёрий йўриқномалар базасини тайёрлаш;
- минтақавий хусусиятлар ва омилларни ҳисобга олиш, буларга ижтимоий меъёр кўрсаткичлари тизимини ишлаб чиқишга диққат қилиш;
- уй-жой муаммоларига эътибор бериш ва якка тартибда уй-жой қурилишини ривожлантириш. Шаҳар жойларда ижтимоий инфратузилма тараққиётини бошқариш муаммолари қўйидагилардан иборат;
- ижтимоий инфратузилмаларни ривожлантиришда мўлжалланган маблағлар ва ресурсларни бошқаришга оид барча вазифаларнинг маҳаллий бошқарув идоралари қўлида ҳақиқатан жамланишига эришиш;
- ҳўжалик юритиш ва тармоқлар ҳамда ҳудудларнинг ўзаро таъсири ташкилий-иктисодий механизмини такомиллаштириш;
- минтақалар ўргасида ва ичида, унинг унсурлари, вертикал ва горизонтал тузилмалари ўргасида ижтимоий инфратузилмани ривожлантиришдаги номутаносибликларга барҳам бериш;
- шаҳар ва қишлоқ ижтимоий инфратузилмасини янада интеграция қилиш, бунда иш тизимларга хос ижобий жиҳатларни бутун чоралар билан ривожлантириш ҳамда уларнинг ноҳуш жиҳатларини имкон қадар чеклаш (ёки бартараф қилиш) мақсадини кўзлаш;
- шаҳарни ижтимоий қайта қуришнинг мақсадли, комплекс дастурини тузиш ва амалга ошириш, меҳнат ресурсларидан оқилона фойдаланиш, фаол демократик сиёsat юритиш.

Мазкур талабларнинг жами минтақа ижтимоий инфратузилмаси ҳўжалик механизмини такомиллаштиришнинг асосий йўналишларини белгилайди.

Ҳўжалик юритиш янги иқтисодий механизмининг яратилиши маҳаллий бюджетга кўпгина маблағларни жалб этиш имконини беради, аммо муайян жой шароитида мана шу барча ресурслар ҳар ҳолда корхона ва ташкилотлар ҳисобига шаклланади. Айни вақтда кўпчилик ҳокимликларда қишлоқда ижтимоий инфратузилма иншоатларини қуриш бўйича ягона буюртмачи вазифаларини бажариш учун ҳақиқий имконият вужудга келмаган.

Ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш бошқарув механизмини яратишнинг турли вариантлари бир хил баҳоланишига қарамай, минтақадаги районларнинг ўзига хослигига боғлиқ ҳолда вазиятни ривожлантиришнинг учта эҳтимолий йўналишини қўллаш учун асос бор. Улар қўйидаглардир:

- а) маблағлар ва ресурслар ҳокимлик құлида жамланади;
 - б) вазифалар агросаноат корхоналари ва ташкилотлар құлида жамланади;
 - в) дастлабки икки вариант әнг мақбұл тарзда бирға құшилади.
- Ижтимоий инфратузилманиң айрим унсурларини ривожлантириш вазифалари алоқида тақсимланған тақдирдагина манбааттар үйгүнлігінде әришиш мүмкін.

7.3. Ижтимоий инфратузилмани ташкил қилиш ва ривожлантириш

Хозирги вақтгача ижтимоий инфратузилманиң комплекс ривожлантириш даражаларини белгиловчи нормативлар тизими ишлаб чиқылмаган. Амалдаги идоравій мөһөрлар ва нормативлар одатда, ижтимоий мақсадларга йұналтириладиган ресурслардан фойдаланишининг иқтисодий самарадорлиги тизимига асосланади. Шаҳарлар, шаҳарчалар ва қишлоқ ахоли пунктларини режалаштирицида ҳамда қуришда құлланиладиган қурилиш мөһөрлари ва қоидалари мажбурий тусда эмас, чунки уларда қишлоқ жойлар ва шаҳар манзиллари ижтимоий инфратузилмаси үртасидаги алоқа ҳисобға олинмайды.

Шу туғайли ижтимоий инфратузилма барча унсурларини мажмua тарзида мувозанатланған ривожлантиришга әришиб ҳам бўлмайди. Ундан ташқари, тавсия этилаётган күпгина мөһөрларни зудлик билан қайта кўриб чиқиши талааб этилмоқда. Ижтимоий инфратузилманиң мөһөрий базаси ва ижтимоий нормативлар тизими куйидагилардан иборат бўлиши керак:

а) мақсадли нормативлар.

б) ижтимоий инфратузилма муассасалари хизматлари билан таъминланишининг әнг кам даражаси;

в) фаолият шароитининг комплекс ижтимоий андозалари;

г) иқтисодий нормативлар (қиёсий сарфлар нормативлари, фойдаланилаётган ресурслар учун тўловлар).

Шу тариқа инсоннинг үй-жойга эга бўлиш, соғлигини саклаш, таълим олиш, ҳордиқ чиқариш, меҳнат қилиши ва ҳоказо ҳуқуқлари амалга ошади. Мазкур әнг кам даража ижтимоий истеъмол фондлари ҳисобига таъминланиши шарт, бу ҳолда улар турмуш жами шароити бўйича барча ижтимоий гурӯхларни яқинлаштириш ролини ўйнайди. Бу жиҳатдан айрим иқтисодчи олимларнинг үй-жой қурилишини ўтказиш тўғрисидаги фикрларига қўшилиш лозим, бунда давлат тураржой майдони ва ободонлаштириш бўйича белгиланған, ижтимоий кафолотланған мөһөр доирасида тураржой биносининг бир қисмини қуриш учунгина маблағ ажратади.

Ижтимоий нормативлар тизимини ишлаб чиқишида минтақавий хусусиятлар, шаҳар ва қишлоқ жойларда, ахоли турмуш тарзи ва бо-

шқа күп жиҳатлар ўргасидаги тафовфутларни ҳисобга олмоқ лозим. Улар доирасида куйидаги жамлама омилларни ажратиш мумкин:

Жўғрофий омиллар – аҳоли жойлашув таркиби, шаҳарлашув (урбанизация) даражаси; биологик иқлим хусусиятлари, табиий иқлим шароитининг меҳнат туси ва режимига, халқ хўжалигининг ихтинослашуви, меъморчиликка таъсири, рекреация имкониятлари ва улардан фойдаланиш даражаси; табиий ресурслар билан таъминланганлик ва табиатдан фойдаланиш хусусияти.

Демокрафик омиллар – аҳолининг кўпайиш режими, унинг сони, таркиби ва табиий кўчиб юриш таъсирида жойлашувнинг ўзгариши, аҳоли миграцияси ва сафарбарлиги; аҳоли ва меҳнат ресурсларининг жинсий ва ёш таркиби; оиласарнинг шаклланиши, ўсиш ва ажратиш цароити, уларнинг тури ва таркиби, миграция тузи, миграция оқимлари таркиби, аҳолининг миллий таркиби, айрим миллатлар ва элементларни зич ёки тарқоқ яшаш даражаси:

Ижтимоий омиллар – ишлаб чиқарувчи кучларининг ривожланиш даражаси ва ўсиш истиқболи, минтақанинг мамлакат ижтимоий-иктисодий тараққиётидаги улуши; ҳозирги босқичда ва истиқболда халқ хўжалигининг таркиби, бошқарув тизими, минтақада илмий-техник тараққиёти тузи, шаҳар ва қишлоқ аҳолисининг турмуш тарзи, миллий ва маиший хусусиятлар, анъанавий этник қадриятлар, уларнинг меъморчиликда акс этиши; минтақада яшовчи миллатлар ва элатларнинг, миллий ва этнографик гурухларнинг ижтимоий-иктисодий ва маданий ривожланиши ҳамда маданий эҳтиёжлар тузи ва тил тараққиёти.

Мазкур омилларни минтақавий хусусиятлар ва бошқа алломатлардан келиб чиқиб, сифат ва аралаш тавсифлар бўйича ташкил қилиш; улардан ҳал этиш заруратига кўра, энг долзарб омилларни ажратиш мумкин. Иктисодиётнинг ижтимоий соҳага йўналтирилиши ижтимоий инфратузилмани мустақил бошқарув обьекти, уни ривожлантириш муаммоларига тизимли ёндашув сифатида алоҳида ажратиб олишни шарт қилиб қўяди.

Инфратузилманинг яхлит бошқарув обьекти сифатида ажратилиши бутун халқ хўжалиги мувозанатли ва мутаносиблик асосида ривожлантирилиши, минтақалар ижтимоий-иктисодий тараққиётидаги номутаносибликларга барҳам бериш имконини яратади. Ижтимоий адолат принципларини рӯёбга чиқаришдан иборат мақсад ижтимоий инфратузилмани шакллантириш ва ривожлантиришнинг асосий вазифаларини маҳаллий бошқарув идоралари, ҳокимликлар кўлига топширишни тақозо этади.

Кучли ижтимоий сиёsat юритиши муаммолари ижтимоий инфратузилмани ривожлантиришни давлат вазифаси даражасига кўтиришни, айни вақтда молиялаш манбаидан катъи назар, нивестиция сиёsatини, уни амалга оширишнинг барча белгиланган афзаликлари билан бирга қайта кўришни тақозо этади.

Қисқача хуросалар

Ижтимоий инфратузилма мураккаб вазифалар тизимидан иборат бўлиб, унда барча унсурлар ўзаро боғланганки, улардан бирининг ривожланишдан орта қолиши бошқаларидан самараасиз фойдаланишишига сабаб бўлади. Маъмурий-буйруқбозликка асосланган бошқарув тизими хукм сурган шароитда ижтимоий инфратузилмани молиялаш мањалари фақат марказлаштирилган фондлар ва элементлар билан чекланган бўлиб, улардан фойдаланиш тартиби ҳамда йўналиши жуда қаттиқ назорат қилинар эди.

Хозирги вақтгача ижтимоий инфратузилманинг комплекс ривожлантириши даражаларини белгиловчи нормативлар тизими ишлаб чиқилмаган. Амалдаги идоравий меъёрлар ва нормативлар, одатда, ижтимоий мақсадларга йўналтириладиган ресурслардан фойдаланишининг иқтисодий самараадорлиги тизимида асосланади. Шаҳарлар, шаҳарчалар ва қишлоқ аҳоли пунктларини режалаштиришда ҳамда қуришда қўлланиладиган қурилиш меъёрлари ва қоидлари мажбурий тусда эмас, чунки уларда қишлоқ жойлар ва шаҳар манзиллари ижтимоий инфратузилмаси ўртасидаги алоқа ҳисобга олинмайди. Шу туфайли ижтимоий инфратузилма барча унсурларини мажмуя тарзида мувозанатланган ривожлантиришга эришиб ҳам бўлмайди.

Назорат ва муҳокама учун саволлар

1. Ижтимоий инфратузилманинг моҳияти нима?
2. Ижтимоий инфратузилмани бошқариши муаммолари нималардан иборат?
3. Ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш қандай амалга оширилмоқда?
4. Ўзбекистон Республикасида ижтимоий инфратузилма қандай амалга оширилган?
5. Ижтимоий турмушга таъсир ўтказувчи инфратузилманинг асосий жиҳатлари нималардан иборат?
6. Ижтимоий инфратузилма тараққиётини бошқаришининг асосий йўналишларига нималар киради?

Асосий адабиётлар

1. Ваҳобов А. Қишлоқда ижтимоий соҳа. «Иқтисод ва ҳисобот» 2-сон, 1996.
2. Норбоев Э. Қишлоқда ижтимоий ҳимоялаш. «Иқтисод ва ҳисобот», 11-сон, 1996.

ҚИШЛОҚЛАРДА АҲОЛИГА МАДАНИЙ-МАИШИЙ ХИЗМАТ КҮРСАТИШНИ РИВОЖЛАНТИРИШ

8.1. Ўзбекистон Республикасида аҳолига маданий-маиший хизмат күрсатиш турлари ва улар фаолиятини янгила ташкил қилиш

Қишлоқда хизмат күрсатиш соҳасини ривожлантириш тармоқлари, уни ташкил этиш тизими ва йўналишлари турли хил. Лекин, уларнинг хаёт, ривожланганлик даражаси мавжуд ижтимоий, иқтисодий-сиёсий эҳтиёжлар талабига тўла жавоб бермайди.

Қишлоқларнинг истиқболда ижтимоий ривожланишини хизмат күрсатиш соҳаларисиз тасаввур этиб бўлмайди. Шундай экан эндиликда:

- ишлаб чиқаришга хизмат қилиш;
- дехқончиликнинг барча йўналишлари бўйича маҳсулотни қайта ишлаш билан боғлиқ бўлган хизмат күрсатиш;
- дехқонлар томонидан этиштирилган маҳсулотни сотиб олиш ва аҳолига етказиб бериш бўйича хизмат күрсатадиган соҳаларни ташкил этиш;
- техник-транспорт хизматини яхшилаш;
- ишчи кучларининг иш жойларига бориб-келишларини таъминлайдиган, иш жойларини ўрганадиган, маълум тавсиялар, ёрдам ва юридик маслаҳатлар берадиган хизмат күрсатиш соҳаларини шакллантириш мақсадга мувофиқ.

Булар асосан, дехқончилик меҳнати, уни ташкил этиш билан хизмат күрсатиш соҳаларини боғлайдиган ташкилотларга тегишли бўлиб, бу ташкилотлар ўз истиқболи, манфаатларини дехқончиликда хизмат соҳасини шу асосда яратишлари зарур.

Аҳолини иш билан таъминлаш муаммосини ҳал этиш қишлоқда саноат ва хизмат күрсатиш соҳаларини ривожлантириш тадбирларини амалга ошириш билан бевосита боғлиқ. Бўгун саноат, хизмат күрсатиш соҳаларини қишлоққа олиб келиш, маҳсулотларни қайта ишлайдиган саноат корхоналарини қишлоққа жойлаштиришни маҳаллий ҳокимиятлар, тадбиркор ишбилиармонлар, турли мулк эгалари олдига асосий вазифа этиб кўйилгани ҳам тасодифий эмас.

Бугунги кунда хизмат күрсатиш тармоқлари асосан шаҳар ва туман марказларида кўпроқ жойлашган бўлса, энди уни шаҳар атрофидаги посёлка, қишлоқларда ташкил этиш зарурати ортмоқда. Шуни доимо назарда тутмогимиз керакки, хизмат күрса-

тиш тармоқлари даражаси мамлакатнинг тараққий этаёттанилиги, жамиятнинг ривожланаёттанилигини кўрсатувчи мухим мезондир.

Аҳолига маданий-маиший хизмат кўрсатиш тўғрисида сўз борар экан, биз Ўзбекистонда амал қиласётган хизмат турларини санаб ўтишимиз лозим. Булар турли соҳаларда бўлиб, қуидагилардан иборат:

- майший хизмат кўрсатиш;
- йўловчи ташиб хизмати;
- алоқа хизмати;
- уй-жой хўжалиги;
- таълим тизими;
- маданий хизмат кўрсатиш;
- сайдёнлик-экскурсия хизмати;
- жисмоний тарбия ва спорт хизмати;
- соғлиқни сақлаш (тиббий) хизмати;
- санатория-курорт ва соғломлаштириш хизмати;
- хуқуқий тусдаги ва банк муассасаси хизмати;
- коммунал хизматлар.

Маданий-маиший хизмат кўрсатиш таркибига қуидаги хизматлар киради:

- пойабзал таъмирлаш ва тикиш;
- кийим-бош ва трикотаж молларини тикиш, тўқиш ва таъмирлаш;
- телерадио, видео, аудио аппаратларини таъмирлаш;
- металл буюмларини тайёрлаш ва таъмирлаш;
- автомобилларга техник хизмат кўрсатиш;
- мебель ясаш ва таъмирлаш;
- кимиёвий тозалаш ва бўяш;
- кир ювиш хизмати;
- уй-жойларни таъмирлаш ва қуриш;
- сурат ва ва сурат кинолабаротория хизмати;
- ҳаммом ва душ хизмати;
- сартарошлиқ ва косметаллогик хизмат;
- буюмларни ижарага бериш хизмати;
- аҳолига юқ ташиб транспорти хизмати;
- маросимлар ўтказиш хизмати.

8.2. Қишлоқда маданий-маиший хизмат кўрсатиш корхоналарини ташкил қилишда мулкчилик

Майший хизмат кўрсатишнинг бошқа турлари, яъни бильярд ва теннис столларини соатбай ижарага бериш хизмати янги хизмат турига киради

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1999 йил 17 сентябрдаги «Аҳолига майший хизмат кўрсатиш тизимида ислоҳотларни давом эттириш тўғрисида»ги ПФ-1843 сонли фармонига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 19 сентябрдаги «Аҳолига майший хизмат кўрсатиш тизими фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги 446-сонли, 1995 йил 12 сентябрдаги «Аҳолига майший хизмат кўрсатиш корхоналари фаолиятини барқарорлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 399-сонли қарорларига мувофиқ республикаси шаҳар ва вилоятларида худудий майший хизмат кўрсатувчи обьектларни ҳисобга олиш мақсадида шаҳар ва вилоят ҳокимиятлари таркибида майший хизмат кўрсатиш уюшмалари ташкил қилинган. Уларга аъзо бўлган майший хизмат кўрсатиш корхоналарига турли қийматликлар ва имтиёзларни кўллаш имкониятлари берилди:

- майший хизмат кўрсатиш обьектлари янгидан ташкил этилган тақдирда бино ва ер майдонлари билан таъминлашни вилоят ва шаҳар ҳокимиятлари миқёсида ҳал қилиш;
- янги ташкил этилган майший хизмат корхонаси ҳокимият балансидаги бинода жойлашган бўлса, ижара шартномаси тузилган вактда имтиёзли нархлардан фойдаланади;
- майший хизмат кўрсатиш корхоналари ташкил қилинганда, уларни рўйхатдадан ўтказишда ва фаолиятини амалга оширишда амалда кўрсатилган тадбиркорларни фаолиятни ҳимоя қилиш қонун-қоидаларида кўрсатилгандек кўллаб-кувватлаш.

Майший хизмат кўрсатиш уюшмалари Давлат мулк кўмитаси, вилоятлар ва шаҳар савдо, аҳолига майший хизмат кўрсатиш ва халқ истеъмоли ишлаб чиқарувчилари депортаменти, инвестиция бошқармалари, «Бизнес-фонд», Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси, тижорат банклари томонидан кўллаб турилиши қарорларда белгилаб ўтилган. Майший хизмат кўрсатиш корхоналарини ташкил этиш ва янги моддий-техника жиҳозларига, замонавий инвентарларга, инвенстииция лойиҳалари учун хорижий банклар ва халқаро молия ташкилотлари кредит линиялари бўйича кредит олиш, кадрлар тайёрлаш, уларнинг малакасини ошириш, хомашё, энг сўнгги замонавий асбоблар ва инвентарлар етказиб беришда тўғридан-тўғри шартномалар тузиш тажрибаларини белгилаган.

Шунингдек, меҳнат ва иш билан боғлиқ аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бошқармалари зиммаларига, айниқса, бандлик хизмати жамғармаси ҳисобидан ишсиз аҳолини мугахассис сифатида тайёрлашга жалб қилиш тўғрисида кўрсатиб ўтилган.

Вилоят ва шаҳар молия бошқармалари хузуридаги монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш бошқармаси, «Ўздавстандарт» вилоят ва шаҳар бошқармалари, солик бошқармалари томонидан майший хизмат кўрсатувчи корхоналарни «Истеъмолчиларнинг ҳукуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонунга, «Майший хизмат кўрсатиш корхоналари қоидалари»га тўла риоя этиш бўйича назорат қиласи ва керакли норматив ва кўпламалар, ахборотлар билан таъминлайди.

Майший хизмат кўрсатиш корхоналаридан тушган соликлар аҳолига майший хизмат кўрсатиш обьектларини куриш, реконструкция қилиш жараёнидаги харажатларни камайтиради.



5- чизма. Майший хизмат кўрсатиш уюшмаси чизмаси

Мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш кўп укладли бозор иқтисодиётини шакллантиришда муҳим ўрин тутиши керак. Биринчи навбатда заرار кўриб ишловчи корхоналар, уй-жой фонди, майший хизмат кўрсатиш соҳаси корхоналари ва ташкилотлари, савдо ва умумий овқатланиш, маҳаллий саноат корхоналарини хусусийлаштириши лозим (И.А. Каримов, «Ўзбекистоннинг ўз истиқбол ва тараққиёт йўли», 50-бет).

Кишлоқда ислоҳотларни жадаллаштириш мақсадида Ўзбекистон қишлоқ хўжалигига давлат тасарруфидан чиқариш ва кўп укладли иқтисодиётни ривожлантириш дастури ишлаб чиқилиб, амалга оширилмоқда.

Кишлоқ хўжалигига ўтказилаётган ислоҳотлар аграр муносабатларнинг янги турларини шакллантирирди. Бунга деҳқон ва фермер хўжаликларига ерни узоқ муддатга ижарага топшириш ўтиш даврининг асосий ўналишлари бўлди. Шулар билан бирга майший хизмат кўрсатиш соҳасида ҳам мулкчилик шакллари ўзгарди. Бунда

асосан майший хизмат кўрсатиш объектларини хусусийлаштириш ёки аукционда сотиши йўллари билан эришилди. Туманлар марказла-рида, маҳалла, жамоа хўжаликларида майший хизмат кўрсатиш шо-хобчалари ташкил этила бошлади. Майший хизмат кўрсатиш объек-тларини хусусий фирма шаклида ҳамда хусусий тадбиркорликлар шаклида тузиш жадал тус олди. Бу майший хизмат кўрсатиш соҳа-сида монополия тутатилишича, рақобатли хизмат кўрсатиш йўлга қўйилишига олиб келди. Рақобатли хизмат кўрсатиш, маълумки, нар-хни пасайтиради ва хизмат кўрсатиш сифати даражасини оширади.

8.3. Қишлоқларда маданий-майший хизмат кўрсатиш тармоғида кадрлар тайёрлаш ва иктисадий ҳамкорликлар

Қишлоқда майший хизмат кўрсатиш корхоналари ташкил этилиши меҳнатта яроқли ахолининг иш билан банд бўлмаган ор-тиқча қисмини, асосан қишлоқда яшаётган хотин-қизлар ва ёш-ларни ижтимоий фойдали меҳнатта жалб қилиш ва шу тариқа қишлоқларда ишсизликнинг кучайиб бориш хавфи баҳам топишида ўзига хос аҳамият касб этади.

Майший хизмат кўрсатиш соҳасида кадрлар тайёрлаш ўтипи даврининг талаби бўлган узлуксиз таълим асосида бажарилади. Майший хизмат кўрсатиш соҳасида ишлашни хоҳловчи қишлоқ ёшлари мажбурий таълимдан сўнг жойларда ташкил қилинган лицей ва кол-лежларда касб-хунар эгаллайдилар. Ҳозирги вақтда узлуксиз таълим тизимини жаҳон андозаларига тўлиқ жавоб берса оладиган даражага кўтариш амалга оширилмоқда. Уларда таълим харажатдари давлат томонидан ажратилган маблағлар ҳисобига қопланади.

Майший хизмат кўрсатиш ходимларини тайёрлаш ва қайта тайёрлаш ҳозирда тацкил қилинаётган ўкув марказлари, ойлик курсларда, чет элнинг Узбекистондаги ўкув фондлари, фирмалар ёки жисмоний шахслар буюргмалари буйича пуллик амалга оширилади.

Майший хизмат кўрсатиш соҳасида чет элликлар билан ҳам алоқалар ўрнатилмоқда, хусусан, сартарошлиқ хизмати буйича, Германия ва Франция давлатлари билан тузилган шартномалар асосида замонавий асбоб-анжомлар, электр техникалари олиб келинмоқда ва ўрнатилмоқда. Автомобилларни таъмирлаш соҳасида Корея, Туркия, АҚШ, Германия, Италияда ишлаб чиқарилган дастгоҳлар олиб келиниб, жаҳон андозаларига жавоб берадиган хизмат дара-жасига эришилмоқда. Кимиёвий тозалаш ва кир ювиши хизмат турлари буйича Италия, Германия давлатлари билан ҳамкорликда кор-хоналар ташкил этилмоқда. Пойабзал, хусусан, ортопедия пойаб-залларини тикиш буйича Германия билан ҳамкорлик ўрнатилган.

Радиоаппаратура, сурат ва сурат кинопраторлари хизмат турлари буйича Корея, АҚШ фирмалари билан яқин ҳамкорлик алоқалари йўлга қўйилган.

Қисқача хуносалар

Аҳолига маданий-маиший хизмат кўрсатиш тўғрисида сўз барор экан, Ўзбекистонда амал қилаётган хизмат турлари ҳақида тўхталиб ўтамиз. Чунончи, мамлакатимизда маданий-маиший хизмат кўрсатиш тизими таркибида 15 та хизмат тури мавжуд. Бу борадаги майший хизмат кўрсатиш узошмаси, Давлат Мулк кўмитаси, «Бизнесс-фонд» ва Тадбиркорлар палатаси хамда Тижорат банклари томонидан қўллаб-кувватланади. Қишлоқда майший хизмат кўрсатиш корхоналари ташкил этилиши меҳнатга яроқли аҳолининг иш билан банд бўлмаган ортиқча кисмини, асосан қишлоқда яшайдиган хотин-қизларни ижтимоий фойдали меҳнатга жалб этиш ва ишсизликка барҳам бериш имконини кенгайтиради.

Назорат ва муҳокама учун саволлар

1. Маданий-маиший хизмат кўрсатиш турлари нималардан иборат?
2. Маданий майший хизмат кўрсатиш корхоналари мулкчилик шаклларида қандай амалга оширилади?
3. Қишлоқда маданий-маиший хизмат кўрсатишда кадрлар тайёрлаш қандай амалга оширилади?
4. Маданий-маиший хизмат кўрсатиш таркибига қандай хизматлар киради?

Асосий адабиётлар

1. Абдурашидов Б. Сфера обслуживания населения в условиях рыночной экономики. - Т., 1996.
2. Набиев А. Хизмат кўрсатиши соҳаси. «Иқтисод ва хисобот», 3-сон, 1995.

IX боб СОЕЛИҚНИ САҚЛАШНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ

9.1. Соелиқни сақлаш муасссаларининг таъминоти

Мустақил Ўзбекистонда 1991 йилдан бўён ижтимоий ва иқтисодий сиёсатда туб ўзгаришлар юз берди. Бу ўзгаришлар, ўз навбатида, соелиқни сақлашни тизимига ҳам сезиларли таъсир кўрсатди ва уни ислоҳ қилишининг аниқ ҳастий зарурати юзага келди.

1991-1992 йилларда Ўзбекистон Республикаси Соелиқни сақлаш вазирлиги Молия вазирлиги билан ҳамкорликда соелиқни сақлашни молиялаштириш сиёсатини ўзгартирди. Бюджет маблағлари аҳоли жон бошига қараб ажратилмоқда, амбулатория-поликлиника муассасалари аҳолининг хизмат кўрсатилган қисми шифохонада даволанган беморлар сонига қараб молиялаштирилади. Натижада тармоқни экстенсив ривожлантириш тўхтатилиб, кундузги даволаш хизмати устун даражада ривожлантирила бошлади. Кундузги хизмат амбулатория хизмати фойдасига 80 %дан 60 %га камайиб, кейингисида молиялаш салмоғи 9-10 %дан 30-40 % гача ўеди.

1999 натижаларига кўра маҳаллий бюджетнинг 50,6 % и амбулатория-поликлиника тармоғига, 43,0 % и стационар хизмат тармоғига ва 6,4 % и бошига тармоқларга йўналтирилган.

Аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Соелиқни сақлаш тизимида ислоҳот соелиқни сақлашни ривожлантиришини интенсификациялаш ва заҳиралардан самарали фойдаланиши бўйича янги иқтисодий механизмларни шакллантиришга қаратилган.

Хозирги вақтда мамлакатимизда саломатликни муҳофаза этиш борасида қатор қонунчилик хужжатларига таянилмоқда. Улардан энг муҳими – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан 1996 йил 29 августда тасдиқланган «Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг соелиғини сақлаш тўғрисида»ги қонуидир. Ушбу қонун халқаро эксперталар иштирокида ишлаб чиқилган ва халқаро стандартларга мувофиқ келади. У фуқароларнинг сифатли тиббий ёрдам олишга бўлган тенг хукуқларини таъминлаиди. Статистик маълумотларга қараганда, соелиқни сақлаш харажатларининг ҳар бир кишига тўғри келадиган миқдори қўйидагича: 1995 йилда 454 сўм, 1996 йилда 792 сўм, 1997 йилда 1275 сўм, 1998 йилда 1511 сўм, 1999 йилда 2334 сўм. Демак, ҳар бир кишига тўғри келадиган харажатлар 1999 йили 1995 йилдагига нисбатан 1880 сўмга ошган ва 2334 сўм-

ни ташкил этган. Конунда ҳукуқлар билан бир қаторда фуқароларнинг жамоат ва шахсий саломатликни сақлаш учун жавобгарлиги ҳам кўзда тутилган. Конун аҳоли ва айрим жамоалар (қишлоқ, овул, маҳалла) ҳамда маҳаллий ҳокимликларнинг тозаликни сақлаш, саломатлик ва гигиена тарбиясида одамлар соғлигини яхшилаш мақсадида жамоатчилик сифатида иштирок этишларини кенгайтиришни ҳам назарда тутади.

Ўзбекистон Республикасида соғлиқни сақлашни ривожлантириш тамойиллари ишлаб чиқилган бўлиб, у соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишнинг узоқ даврга мўлжалланган истиқболларини назарда тутади:

- ривожланишнинг экстенсив йўлидан тиббий-санитария муассасаларини интенсификациялашга ўтиш;
- ресурслардан самарали фойдаланиш бўйича янги иқтисодий механизмларни шакллантириш;
- соғлиқни сақлаш бошқарувини марказлаштиришдан возкечиш;
- соғлиқни сақлашда янги молиявий механизмларни яратиш;
- аҳоли соғлигини муҳофаза этишда устувор йўналишларни белгилаш;
- олий тиббий таълим ва тиббий кадрлар тайёрлаш тизимини ислоҳ қилиш;
- юқумли касалликларнинг олдини олиш чораларини кўриш.

Шунинг ўзиёқ аҳоли ва соғлиқни сақлаш муассасаларининг тиббиёт техникаси ва жиҳозларига бўлган эҳтиёж бозорини қондириш имконини беради. Бундан ташқари, молиялаштиришни марказлаштиришдан воз кечиши соғлиқни сақлаш бюджетининг 80-85 %ини маҳаллий ҳокимият идоралари томонидан шакллантиш ва 12-20 %ини республика миқёсида сақлаб қолиш имконини яратди. Яқин йилларда соғлиқни сақлаш бюджети маблағлари 60 %ини давлат ҳисобидан, 30 %ини тиббий суфуртани ривожлантириш ҳисобидан ва 10 %ини пуллик хизмат ҳисобидан қоплаш мўлжалланмокда.

9.2. Соғлиқни сақлашни молиялаштириш

Соғлиқни сақлашнинг давлат тизимини қайта қуриш тиббий хизматлар бозорини яратишида, мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва унинг турли шаклларини вужудга келтиришда намоён бўлади. Уз навбатида, бу ўтиш даврига хос бўлган ва тиббий хизмат кўрсатиш ҳажми ҳамда сифатига сезиларли таъсир кўрсатувчи муаммони юзага келтиради, яъни соғлиқни сақлаш тизимини молиялаштириш механизми қайта қурилади. Бу

ижтимоий молиялаштиришнинг камайишида, хусусий бўғиннинг пайдо бўлиши ва кенгайишида, тармоқни бошқариш тизими-нинг кескин ўзгаришида намоён бўлади.

Жаҳонда ўтказилаётган тадқиқотлар шундан далолат берадики, миллатнинг соғломлиги соғлиқни саклашга қилинаётган харажатлар миқдорига бевосита боғлиқ бўлмаса-да, соғлиқни саклаш соҳаси ўзининг асосий вазифасини бажариш учун соҳага сарфланадиган харажатлар ялпи ички маҳсулотга нисбатан 6-10 %ни ташкил этиши лозимлиги умумий равишда қабул қилинган. Кўплаб ривожланган мамлакатларда беморларнинг даволаниши учун қилинадиган сарфлар ҳиссаси умумий харажатлар миқдорининг 10-30 %и чегарасида тебраниб туради.

Умумжаҳон соғлиқни саклаш ташкилоти (УССГ) мутахассисларининг фикрича, молиялаштиришнинг асосий манбалари ўртасидаги нисбатда қўйидагича ҳолат афзал деб ҳисобланади: давлат бюджети-60, тиббий суғурта-30, пулли хизматлар-10%.

Соғлиқни саклашни ривожлантиришда давлатга муҳим аҳамият берилиши қўйидаги уч асосий шароит билан асосланади: биринчидан, камбағалликни қисқартириш ва хизмат учун эса ўзи ҳақ тўлай олмайдиганларни тиббий ёрдам билан таъминлашнинг зарурати; иккинчидан, тиббий хизматларнинг баъзи кўринишлари ижтимоий неъмат ҳисобланади ва у ташки самарага эга. Масалан, касаллик тарқатувчилар билан курашган, соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, тиббий билимларни тарқатиши ва ниҳоят, учинчидан, соғлиқни саклашга ҳамда тиббий суғурта бозори механизми камчиликларни бартараф этиш (касалланиш хавфининг турли даражаси, информацион асиметрия: тиббий хизматчилар фақат хизмат кўрсатибгина қолмай, шу билан бирга қандай хизмат кўрсатилиши лозимлиги ҳақида қарор қабул қиласидилар). Шу сабабдан ҳам барча мамлакатларда давлат соғлиқни саклаш тизимига аралашади. Бироқ, бу аралашув даражаси соғлиқни саклаш тизими фаолиятининг асосий йўналишлари бўйича турличадир.

Соғлиқни саклашни ислоҳ қилишининг энг муҳим щартларидан бири тармоқни молиялаштиришнинг янги шаклини излаб топиш бўлди. Амбулатория-поликлиника муассасаларини молиялаштириш хизмат кўрсатилган аҳоли сонига, доимий даволаш муассасаларида даволанган беморлар сонига қараб белгилана бошлади. Сўнгги йилларда самарасиз фойдаланилган ўрин-тўшак сонлари қисқартирилди, бу тиббий ёрдам кўрсатишнинг иқтисодий рентабелли амбулатория шаклини жорий этиш имконини берди.

Соғлиқни сақлаш муассасаларининг молиявий асосларини шакллантириши негизида молиявий режалаштириш ётади. Айнан ана шундай режалаштириш муассасаларни сақлаш эҳтиёжи учун йўналтирилаётган маблағлар миқдори, тармоқ ичида ресурсларни тақсимлаш принциплари, улардан самарали фойдаланиш даражаси, тиббий хизмат кўрсатиш сифатини шартли равишда чегаралаб беради. Шунинг учун соғлиқни сақлаш, молиялаштиришни такомиллаштириш бўйича бошланган ислоҳотларнинг муваффақияти кўп жиҳатдан тармоқни молиялашни режалаштириш ва мувофиқлаштириш масалалари қанчалик пухта ишлаб чиқилганлиги билан белгиланади.

Соғлиқни тизимини сақлаш молиявий таъминлаш жараёнини такомиллаштириш саломатликни муҳофаза этиш учун харажатларни режалаштиришнинг шакли ва услуги ўзгариши билан узвий боғлиқ. Ушбу йўналишдаги бош вазифа ажратилаётган молиявий ресурсларни тиббий муассасалар фаолиятининг пировард натижаси билан мустаҳкам боғлашдан иборат қилиб қўйилмоги керак. Соғлиқни сақлаш муассасалари фаолият кўрсатишилари учун йўналтирилаётган молиявий маблағларнинг миқдори бевосита бажарилган ишлар ҳажми ва унинг самародорлиги даражасига боғлиқ бўлиши керак. Тиббий ёрдам кўрсатилиши учун харажатларни режалаштиришни ташкил қилишда бундай ёндашув тармоқнинг молиявий ресурсларидан энг кўпроқ тежамли фойдаланиш, уларнинг сафарбарлигини кучайтириш имконини беради.

Тармоқни молиялаштиришнинг бюджет-сугурта модели шаклида тиббий муассасалар эҳтиёжи учун сарфларни қоплаш масаласини ҳал этишга энг мақбул ёндашувларни излашда соғлиқни сақлаш тизимини молиявий режалаштиришнинг ҳозирги амалиётини таҳлил этиш ёрдам беради.

Бозор иқтисодиётини шакллантириш босқичини босиб ўтган мамлакатлар тажрибаси кўрсатиб турибдики, у соғлиқни сақлаш етарли фаолият кўрсатиши учун давлат соғлиқни сақлаш тизими билан хизмат кўрсатишининг хусусий соҳаси кўшиб олиб борилиши керак. Айни вақтда республикада бир қатор хусусий тиббиёт муассасалари ишлаб турибди. Шунингденк, дорихона хизматини, «Тибтехника» ва «Тибтаълим» муассасаларини марказлаштириб бошқаришдан воз кечилди амалга оширилди.

**Соғлиқни сақлаш учун йўналтирилган маблағларнинг
тақсимланиши (млн. сўм 2001 йил маълумотлари)**

№	Вилоятлар	Модели- лаштирил- ган, жами	Шу жумладан					
			Амбулатория- поликлиника тармоғига		стационар хизматига		бошқа тармоқларга	
			микдори	жамига нисбатан, %	микдори	жамига нисбатан %	микдори	жамига нисбатан %
1	Қорақалпогистон Республикаси	3505,0	1759,1	50,2	1433,7	40,9	311,9	8,9
2	Андижон	4251,7	2105,5	50,6	1992,2	46,8	109,0	2,5
3	Бухоро	2933,9	1566,7	53,4	1197,0	40,8	170,2	5,8
4	Жizzах	1848,7	943,0	51,0	802,7	43,4	103,0	5,6
5	Қашқадарё	4111,8	2072,6	50,4	1924,4	46,8	114,8	2,8
6	Наманган	3935,6	1959,9	49,8	1901,3	48,3	74,4	1,9
7	Самарқанд	5344,2	2832,4	53,0	2137,7	40,0	374,1	7,0
8	Сурхондарё	3834,4	1905,0	49,7	1490,4	38,9	439	11,4
9	Сирдарё	1685,4	878,2	52,1	677,3	40,2	129,9	7,7
10	Тошкент	5180,2	2719,5	52,5	1984,1	38,3	476,6	9,2
11	Фарғона	5474,4	2682,5	49,0	2375,9	43,4	416,0	7,6
12	Хоразм	2917,6	1458,8	50,0	1263,3	43,3	195,5	6,7
13	Тошкент ш.	5124,2	2325,4	45,4	2391,2	46,7	407,6	7,9
14	Навоий	1663,7	914,8	55,6	715,6	43,0	33,3	2,0
	Мажаллий бюджет	51860,8	26220,1	50,6	22285,4	43,0	3355,3	6,4

9.3. Соғлиқни сақлаш ишларини ташкил қилиш муаммолари

Ўзбекистон соғлиқни сақлаш иқтисодиётини яқин кела-
жакдаги муаммоси ва вазифаси заҳираларнинг ҳажми ва улар-
ни тақсимлаш бўйича самарали бошқариладиган чегаралар ҳамда
улардан тиббиёт хизматида фойдаланишини баҳолаш механиз-
мини излаб топишдир.

Соғлиқни сақлашдаги ислоҳотларнинг асосий қоидалари
соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантиришни интенсификаци-
ялаш ва заҳиралардан самарали фойдаланиш бўйича янги иқти-
содий механизмларни шакллантиришдир. Бу тиббиёт хизматини

қайта тузиш ва тиббий ёрдам кўрсатишининг самарали, янги шаклларини жорий қилишни талаб этади. Ислоҳотнинг дастлабки босқичида самарасиз фойдаланилаётган касалхона үринлари қисқартирилди, улар ўрнига кундузги — қатнаб даволаш муассасалари, уйда даволаш ва амбулатория-ёрдам маркази каби турдаги тиббий ёрдам кўрсатишининг янги шакллари ривож топди. Бу ислоҳот тиббий ёрдами кўрсатиши салмоғини кимматбаҳо стационар секторидан амбулатория хизмати томон кўчиришни таъминлади.

З-жадвал

Софликни сақлашни молиялаштириш маблағлари

	1998 йил		1999 йил	
	сумма	%	сумма	%
Жами (млрд.сўм)	43,2	100,0	59,4	100,0
Давлат бюджети маблағлари (млрд.сўм)	41,9	97,0	56,7	95,5
Ҳомийлар маблағи (млрд.сўм)	0,1	0,2	1,1	1,9
Пуллик хизматлардан тушган маблағ (млрд.сўм)	1,2	2,8	1,6	2,7

Республикада илк бор умумий врачлик амалиёти тизими ишлаб чиқилди ва жорий этила бошлади, бу айнан қишлоқ врачлик муассасалари тармогини интеграциялаш ва самарасиз ишлаётган бир қатор тиббиёт муассасаларини қисқартириш имконини берди. Ўзбекистонда босқичма-босқич хусусий тиббий хизмат шаклланмоқда, бу давлат тиббиёти ва хусусий тиббиёт ўртасида соғлом рақобатни вужудга келтиради ҳамда мижозлар тиббий хизматни танлаб олиши учун имконият яратади, пирвард натижада тиббиёт хизмати сифатининг юксалишига таъсир кўрсатади.

Оила, она ва бола саломатлигини муҳофаза этиш, юқумли касалликларга қарши кураш, умумий амалиётли врачлар тайёрлаш бўйича оламшумул устуворликлар белгилаб олинди. Шундай қилиб, соғликни сақлашни босқичма-босқич қайта шакллантиришнинг Ўзбекистонга хос усули аниқланди ва амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон соғликни сақлаш тармоғи ҳозирги даврда халқаро майдонга чиқди ва БМТ ихтисослаштирилган агентликлари фаолиятида фаол иштирок этмоқда. Биринчи навбатда, бу бутун жаҳон соғликни сақлаш ташкилоти, ЮНИСЕФ, ПРООН ва бир қатор халқаро жамиятлар билан ҳамкорликда кўзга таш-

ланмокда. Соғлиқни сақлаш тизимини истроқ қилиш жараёнида кечган сўнгги машаққатли йиллар маълум ижобий натижаларга эришиш имконини берди. Мамлакатда умр кўриш даражаси узайди, аҳоли ўлими камайди, айниқса, оналар ва болалар ўлими камайишига эришилди. Соғлиқни сақлаш тизимини қайта шакллантиришнинг энг муҳим ютуқларидан бири ягона соғлиқни сақлаш тизимининг жорий этилиши бўлди, бу соғлиқни сақлаш нинг давлат, хусусий ва бошқа шакллари йигилмасини ўзида намоён қилди.

Тармоқни истроқ қилишнинг ўтган босқичлари ва узоқ муддатли истиқболи соғлиқни сақлашнинг сугуртали тиббиётга босқичма-босқич ўтиши учун олдиндан яратилган пойдевори ҳисобланади. Эски тузумдан мерос бўлиб қолган, ўтиш даври иқтисодиёти шароитида чуқурлашган муаммолардан бири соғлиқни сақлаш муассасаларининг моддий-техника базаси эскирганлиги ва уларнинг мақсадга тўғри келмайдиган тузилиши ҳисобланади.

Ўн йиллар мобайнида Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш тиббиёт муассасалари сонини ошириш ҳисобига ривожланди. Бунда асосий эътибор касалхоналар ва стационарларни кенгайтиришга қаратилган. Соғлиқни сақлашнинг кўплаб объектлари, айниқса, қишлоқ жойларда, кичик биноларда жойлашган бўлиб, зарур тиббий ускуналар билан жуда суст жихозланган эди. Шу билан бирга касалхона шоҳобчаларини устун равишда ривожлантиришга асосий эътиборни қаратиш соғлиқни сақлаш тузими даги муҳим бўғин – биринчи тиббий ёрдам эътибордан четда қолишига олиб келди. Бутун жаҳонда эса аҳолига ҳизмат кўрсатиш бўйича асосий ишлар айнан шу бўғин ҳиссасига тўғри келади.

Ҳозирги вақтга келиб, тиббий муассасалар инфратузилмаси қайта қурилмоқда. Аҳолининг жойлашиши, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг ўзига хос хусусиятлари ва бошқаларни ҳисобга олган ҳолда 1500 ва ундан ортиқ аҳолига ҳизмат кўрсатувчи қишлоқ шифокорлик бўлинмалари (ҚШБ) ташкил этишга қарор қилинди. ҚШБ умумий амалиёт дастури бўйича тайёрланган шифокорлар билан таъминланади. Улар тиббиётнинг деярли барча асосий йўналишлари бўйича аҳолига ёрдам кўрсатишга, шунингдек, тиббий кўрикдан ўтказиш ва барча касалликларнинг олдини олиш ишларини ҳам ўтказишга мўлжалланганлиги учун бўлинмаларни ташкил этишда мавжуд фельдшер-акушерлик пунктлари ва қишлоқ тиббий амбулаторияларини йўқотиш ва қайта ташкил этиш кўзда тутилган.

Бу иш 1995-2000 йилларда қишлоқ ижтимоий инфратузилмасини ривожлантиришнинг давлат Дастури, шунингдек,

республика ҳукуматининг Жаҳон банки билан биргаликдаги лойиҳа доирасида амалга оширилди. Ушбу лойиҳа қишлоқ жойларидаги соғлиқни сақлаш хизмати муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва шифокор ҳамда ҳамширалар, янги ходималар, шунингдек, ҚШБни бошқариш, молиялаштириш тузими вазифаларини такомиллаштириш йўли билан қайта ташкил этишини кўзда тутади.

Айни пайтда хусусий тиббий хизматлар ва тиббий сурурталашни ривожлантириш қатор муҳим шарт-шароитлар йўқлиги ёки етарли эмаслиги оқибатида тўхтаб турибди. Булардан, ёрдамга муҳтож аҳоли даромад ва жамғармаларининг паст дараҷадалигини ҳамда молия бозорининг суст ривожланганлигини ажратиб кўрсатиш керак. Шунга қарамай, соғлиқни сақлаш бюджетининг умумий ҳажмида пулли тиббий хизматлар ҳиссаси ўсиб бормоқда. Ушбу шароитда пулли хизматларнинг ўсиш жараёни икки вазият туфайли юз бериши мумкин:

а) ҳар қандай тиббий хизматларни сотиб олиш имконига эга бўлган бой кишилар сонининг кўпайиши;

б) аҳолини ўз пул маблағларининг маълум қисмини, бошқа муҳим ҳаётий эҳтиёжларидан тежаган ҳолда, тиббий хизматлар учун ажратишга мажбур қилувчи соғлиқни сақлаш соҳасидаги мураккаб вазият.

Шундай қилиб, умуман, тўла изжобий ифодага эга бўлган бу жараён ҳозирги шароитда аҳолининг тиббий хизматларни истеъмол қилишда кескин табақалашувига, тиббиёт ходимлари малакаси ва маънавияти кескин фарқланиши, малакавий табақалашувига олиб келиш эҳтимоли бор. Мамлакатимизда амалга оширилаётган тиббий муассасаларни хусусийлаштириш дастури бу жараённи янада чукурлаштириши мумкин. Шунинг учун, соғлом авлодни вояга етказиши мақсадида шахсларнинг даромади дараҷасидан қатъи назар, давлат томонидан кафолатланган тиббий хизматлар турларини аниқлаш ва ўрнатиш, шунингдек, кам таъминланган тоифаларга ўз соғлигини сақлашга ижтимоий ёрдам кўрсатиш имкониятларини яратиш долзарб ҳисобланади.

Ҳозирги даврда республикада соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишнинг биринчи босқичи умуман муваффақиятли амалга оширилмоқда. Кечиктириб бўлмайдиган тез тиббий ёрдам тизими — Республика шошилинч тиббий ёрдам маркази, вилоят марказлари ва туман марказий шифохоналарида ихтинослаштирилган бўлимлар тузилган бўлиб, улар аҳолига тезкор бепул шошилинч тиббий ёрдам кўрсатилишини таъминламоқда. Кечиктириб бўлмайдиган тез тиббий ёрдам муассасалари замонавий ташхис ва даволаш ускуналари билан жихозланмоқда.

Шифокорлар малакаси ҳамда замонавий тиббий техника билан жиҳозланшни ҳисобга олган ҳолда кечиктириб бўлмайдиган тез тиббий ёрдам тизими шифокорлари ҳамда тиббиёт ходимлари меҳнатини ташкил этиши ва моддий рагбатлантириш тизими мутгасил такомиллаштириб борилмоқда. Аҳолига, энг аввалио, қишлоқ жойлардаги аҳолига бирламчи тиббий-санитария ёрдами тизими ислоҳ қилинмоқда. Республика нинг барча туманларида замонавий тиббий ускуналар ва дори-дармонлар билан таъминланган қишлоқ врачлик пунктлари ташкил этилмоқда.

Соғлиқни сақлаши тизимидағи ислоҳотларни янада чукурлаштириш, республикада юксак жаҳон талаблари даражасидаги юқори технологияли, ихтисослаштирилган тиббий марказларни шакллантириш, илгор тиббий технологияларни кенг жорий этишининг ташкилий, молиявий-иқтисодий ва хуқуқий шарт-шароитларини вужудга келтириш мақсадида муҳим вазифалар амалга оширилмоқда.

Илгор чет эл тажрибасини ҳисобга олган ҳолда юқори малакали, ихтисослаштирилган, тиббий ёрдамга муҳтож беморларни қабул қилувчи ҳамда замонавий ташхис ва даволаш тиббий ускуналаридан фойдаланиб даволайдиган маҳсус клиникалар ва тиббий марказларни ташкил этиш орқали соғлиқни сақлаши тизимини ислоҳ қилинмоқда. Маҳсус клиникалар ва тиббий марказлар, қоида тариқасида, қуйидаги талабларга мос келиши лозим:

- яхши тайёргарлик кўрган ва ўз тиббиёт соҳасида тан олинган ҳамда юксак обру-эътибор қозонган шифокор-мутахassisларга эга бўлиш;

- юқори технологияли ташхис ва даволаш тиббий ускуналари билан жиҳозланган, замонавий моддий-техника базасига эга бўлиш;

- ўз тиббий амалиётида жаҳон талабларига мос келадиган даволаш ва ташхиснинг мураккаб усулларини жорий этиш ҳамда кенг қўллаш.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Ижтимоий комплекси, Соғлиқни сақлаши вазирлиги ва Молия вазирлигининг тажриба тариқасида қуйидагиларни ташкил этиш тўғрисидаги таклифига биноан:

- Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаши вазирлигининг Урология илмий маркази негизида Республика ихтисослаштирилган урология маркази;

- Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаши вазирлигининг академик В.Воҳидов номидаги Жарроҳлик илмий маркази негизида Республика ихтисослаштирилган жарроҳлик маркази;

- Тошкент шаҳридаги Тошкент вилоят кўз микрохирургияси маркази негизида Республика ихтисослаштирилган кўз микрохирургияси маркази;

- Кардиология илмий-тадқиқот институти ва Тошкент шаҳридаги 15-щаҳар клиник шифохонаси негизида Республика ихтисослаштирилган кардиология маркази фаолияти йўлга қўйилди.

Кўйидагилар ташкил этилаётган ихтисослаштирилган тиббий марказларнинг асосий вазифалари этиб белгиланди:

- Марказ фаолиятининг тегишли соҳаси бўйича замонавий ташхис усулларини жорий этиши ҳамда аҳолига юқори малакали ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатиш;

- мавжуд тиббий техника ва аппаратларнинг доимий янгилиниб ва замонавийлаштириб борилишини таъминлаш, марказни илфор жаҳон ютуқлари даражасида юқори малакали ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатиш имконини берадиган замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозлаш;

- Марказнинг ўзини-ўзи молиялаш ва ўзини-ўзи коплаш шартлари асосида фаолият кўрсатишини таъминлаш учун молиявий ва моддий-техникавий ресурсларни жалб этиш борасидаги менежмент ва маркетинг ишларини ташкил этиш;

- Марказ тиббиёт ходимларининг, шу жумладан, мутахассисларнинг стакчи хорижий тиббиёт ўкув муассасалари ва клиникаларда амалий малака ортиришларини ташкил этиши ҳисобига касб маҳоратини доимий ошириб бориши ва такомиллаштириш;

- беморларни даволашнинг илфор усуллари ва технологияларини ишлаб чикиш ҳамда тиббий амалиётга жорий этишга қаратилган илмий тадқиқотлар ўтказиш;

- соҳага алоқадор илфор хорижий тиббиёт муассасалари ва марказлари билан ҳалқаро ҳамкорликни кенгайтириш ҳамда мустаҳкамлаш, ахборот, тўпланган тажриба ва мутахассисларни кенг кўламда айрибошлишни таъминлаш.

Бу тадбирларни амалга оширишда шундай тартиб ўрнатилдики, бунда:

- давлат иомидан Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси ва Молия вазирлиги ҳамда Марказ Кенгаши тимсолида Марказнинг меҳнат жамоаси Республика ихтисослаштирилган тиббий марказларининг муассислари ҳисобланадилар;

- давлатга тегишли мулк ишончли бошқарув хуқуки билан Марказнинг устав жамғармасига топширилади;

- давлат томонидан мададга муҳтоҷ бўлган шахслар (имтиёзли тоифадаги шахслар)га давлат бюджети ҳисобидан юқори малакали ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатилади.

Марказнинг фаолияти давлат бюджети маблағлари, Мар-

казнинг ўз даромадлари ва жалб этиладиган манбалар (грантлар, ҳомийларнинг маблағлари ва бошқалар) ҳисобига аралаш асосда молияланади. Бунда давлат бюджети маблағлари ҳар бир Марказга Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги орқали харажат моддалари бўйича тақсимланмаган ҳолда алоҳида сатр билан ажратилади.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳар йилги республика бюджетларини шакллантириш чогида Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан биргаликда 2004 йилдан бошлаб, Республика ихтисослаштирилган марказларининг узоги билан 2008 йилда ўзини-ӯзи молиялаш ва ўзини-ӯзи қоплашга ўтишини назарда тутган ҳолда ушбу Марказларни сақлашга бюджет маблағларининг жорий харажатлари босқичма-босқич камайтириб борилишини кўзда тутган. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки кўмитаси, Молия вазирлиги Республика ихтисослаштирилган марказлари фаолиятининг натижаларини ҳисобга олган ҳолда 2006 йилнинг 1 январига бориб Марказларнинг устав жамғармасига топширилган давлат мулкини имтиёзли шартлар билан меҳнат жамоасига мулк сифатида сотиш тўғрисидаги тақлифларни Вазирлар Махкамасига тақдим этиши режалаштирилган. Марказ меҳнат жамоасининг умумий йиғилиши томонидан сайланадиган Марказ Кенгапши Республика ихтисослаштирилган тиббий марказининг юқори бошқарув идораси ҳисобланниши белгилаб қўйилиши кўзда тутилмоқда. Кенгаш аъзолари орасидан Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг тақдимномаси бўйича хукумат қарори билан тайинланадиган директор Марказ Кенгашининг раиси ҳисобланади.

Марказларга қуйидаги ҳукуқлар берилган:

- Марказнинг устав жамғармасига топшириладиган давлат мулкидан фойдаланиш ва уни бошқариш;
- лавозимлар рўйхатини мустақил равишида ишлаб чиқини ва тасдиқлаш, Марказ ходимларининг меҳнатига ҳақ тўлаш ва моддий рағбатлантириш шартларини бажариладиган ишларнинг мураккаблик даражаси, сифати ва ҳажмига нисбатан табақлаштирилган тарзда белгилаш.

Куйидагилар тасдиқланди:

- Республика ихтисослаштирилган тиббий марказини барпо этиш ва унинг фаолиятини ташкил қилиш тартиби тўғрисида Низом;
- Республика ихтисослаштирилган марказлари томонидан давлат бюджети маблағлари ҳисобига тиббий ёрдам кўрсатиладиган имтиёзли тоифадаги шахсларнинг рўйхати.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Соғлиқни сақ-

лап вазирлиги ташкил қылыштаған ихтисослаштирилған марказлар билан биргаликда белгиланған тартибда құйыдагиларни ишлаб чиққіб, тасдиқлади:

- ташхис ва даволаш сиғати стандартларига риоя этган ҳолда юкори малакали ихтисослаштирилған тиббий ёрдам күрсатиши бүйічә Республика марказлары томонидан ақолига пуллы хизмат күрсатып қоңдалары;
- Республика ихтисослаштирилған марказларини молиялаш тартиби ва манбалари тұғрисида Низом;
- ихтисослаштирилған марказлар томонидан пуллы тиббий ёрдам күрсатиши учун тарифларни шакллантириші ва тасдиқлаш тартиби;
- имтиёзли тоиғадаги беморларни даволаш ҳақини давлат бюджеті маблағлари ҳисобидан тұлаш тартиби.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Республика ихтисослаштирилған марказларининг бюджет маблағларидан, тасдиқланған тарифлардан мақсадлы ва қонуний фойдаланиши устидан қатынай назорат үрнатади.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Иктисолдайтын вазирлиги, Молия вазирлиги билан биргаликда бир ой муддатда мазкур Республика ихтисослаштирилған марказларини даволаш ва ташхис ускуналары, тиббіёт асбоблары билан жиһозлаш нормативларини ишлаб чиққіб, ана шу нормативлар асосыда 2003 йылдан бошлаб, Республика инвестиция дастурларыда үларни замонавий тиббіёт ускуналары ва асбоблары билан тұлиқ таъминлаш учун зарур капитал маблағлар күзде тутилған.

Давлат томонидан құллаб-қувватлаш мақсадыда ушбу Республика ихтисослаштирилған марказлари ўз өхтиёжлари учун олиб келінадиган тиббіёт ускуналары ва асбоблары учун 2003 йилнинг 1 мартаңдан то 2012 йилнинг 31 декабрига қадар 10 йыл муддатта барча турдаги солиқлар, божхона тұловлари (божхона расмийлаштируви учун йиғимлардан ташқары) тұлашдан озод қылышиди, бўшайдиган маблағлар Марказларни ривожлантириш ва жиһозланига мақсадлы тарзда ўйналтирилади.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги Республика ихтисослаштирилған марказлары ва бошқа манификаатдор тузилмалар билан биргаликда 2003 йылда амалга оширилген тажриба таҳлили натижалары бүйічә Марказларнинг норматив базасини, үлар фаолияттін ташкил этиши ва молиялаш тизимини янада такомиллантириш юзасидан Вазирлар Маҳкамасыга аниқ таклифлар кириптган.

Қисқача хуносалар

Ўзбекистон мустакил бўлганидан кейин, соғлиқни сақлаш муассасалари сонини ошириш ҳисобига ривожланди. Ҳозирги вақтга келиб, тиббий муассасалар инфратузилмаси қайта қурilmоқда. Умумжаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (УССГ) мутахассисиларининг фикрича, молиялаштиришининг асосий манбалари: давлат бюджети 60%, тиббий суғурта 30% ва пулли хизматлар 10%. Шундай қилиб, умуман, тўла ижобий ифодага эга бўлган жарабён ҳозирги шароитда аҳолининг тиббий хизматларни истеъмол қилишда кескин табақалашувига олиб келиш эҳтимоли бор.

Назорат ва муҳокама учун саволлар

1. Соғлиқни сақлашда «таъминот» тушунчаси нима?
2. Соғлиқни сақлаш инфратузилмаси нима?
3. Ижтимоий инфратузилма қандай ташкил этилади?

Асосий адабиётлар

1. Абдурашидов А. Сфера обслуживания населения в условиях рыночной экономики. - Т.: «Ўзбекистан», 1992 .
2. Набиев О. Хизмат кўрсатиш соҳаси. «Иқтисоди ва ҳисбот», 3-сон., 1995.

ТАЙЁРЛОВ ТИЗИМИ ВА УНИНГ ТАШКИЛИЙ- ИҚТИСОДИЙ АСОСЛАРИ

10.1. Тайёрлов тизимини такомиллаштиришнинг объектив шарт-шароитлари ва унинг инфратузилма тармоғи сифатида шаклланиши

Маълумки, моддий ишлаб чиқариш жараёни фақат унумдор (ишлаб чиқарувчи) меҳнатнинг амал қилиши эмас. Бизнинг ҳолатимиизда маҳсулотни сотиш бўйича қилинган меҳнат каби унумсиз (ноишлаб чиқарувчи) меҳнат ҳам унинг таркибий қисми хисобланади. Меҳнатнинг бу икки кўриниши ўртасида тескари боғлиқлик мавжуд. Унумли (ишлаб чиқарувчи), меҳнат билан банд бўлган шахсларнинг унумсиз (ноишлаб чиқарувчи) вазифалари қанча кам бўлса, меҳнат шунчалик унумдор бўлади. Шу жиҳатдан қишлоқ хўжалигида сотиш бўйича асосий бўлмаган иккиласмачи вазифаларни унумдор меҳнатдан ажратиш ишлаб чиқариш самародорлигини оширишнинг муҳим шарти бўлиб қолади. Маҳсулотни сотиш бўйича меҳнат эса такрор ишлаб чиқарипадининг бошқа иштирокчиларнинг вазифаси бўлиши керак.

Замонавий шароитларда шу нарса алоҳида маълум бўлмоқдаки, қишлоқ хўжалиги корхонасининг бир вактнинг ўзида ҳам ишлаб чиқариш, ҳам сотиш билан шугулланалиши эндиликда асосланган хисобланади. Фан-техника тараққиёти шароитида ишлаб чиқаришнинг оқилона ташкил этилиши ва бошқарилиши вазифалари тобора қийинлашмоқда. Замонавий ишлаб чиқариш интенсивлаштириш ва концентрациялаш асосида ривожланмоқда. Бу жараёнларнинг ўзи жуда мураккаб ва маҳсус эътибор ва саъйҳаракатлар талаф қилади.

Қишлоқ хўжалигининг у ёки бу соҳасидаги раҳбар ва мутахассис бевосита ишлаб чиқаришни ташкил этиш, уни бошқариш бўйича тобора кўпроқ ҳажмдаги ишларни бажариши лозим. Агар бунда бир вактнинг ўзида ишлаб чиқариш ва сотили масалаларини ҳал қилишга тўғри келса, кўпинча раҳбар қай бирини афзал кўриши керак, деган саволга (танловга) дуч келади. Чунки айнан шу ерда ишлаб чиқариб бўлинган маҳсулотнинг бузилиши ва нобуд бўлиши рўй беради ва бу босқичда у (сотиш) мураккаброқ (қийинроқ, чигалроқ) бўлади. Бу эса ишлаб чиқаришнинг кўп томонлари бой берилишига олиб келади. Қишлоқ хўжалигидан тармоқларнинг ажralиб чиқиши унинг ривожланиши даражаси билан доим мос ҳолда рўй берган. Қишлоқ хўжалиги ўз ривожида янги поғонага

қўтарилиши биланоқ, аввал у учун мажбурий ҳисобланмаган баъзи вазифалар билан шуғулланиш қийин бўлиб борди.

Бу соҳанинг ривожидаги янги босқич унга аввал хос бўлган баъзи вазифалар, бизнинг ҳолда маҳсулот сотишнинг ажралиб чиқиши ҳақидаги масалани яна кўтарди. Шу нарса кутиладики таъминот ва сотиш хизматларни мустақил бўлимларга ажратиш, ишлаб чиқариш омилларини бошқариш фойдасига қишлоқ ҳўжалигини бошқариш усулини тубдан ўзгартиради.

Бундай тизимда ихтисослашган технологик ва функционал хизматлар яратилади. Агрономик, зоотехник ва бошқа хизмат турлари мустақил хизматларга бўлинади. Бу хизматларни бош мутахассислар бошқаради. Аммо бу нарса маҳсус таъминот ва сотиш хизматларини яратишни тақозо этади. Қисқача айтганда, ишлаб чиқаришни бошқаришни такомиллаштириш масалаларини тубдан ҳал қилишда қайта қуриш ва бошқа хизматларнинг, шу жумладан, сотиш ва таъминот хизматларининг ажралиб чиқиши талаб этилади.

Баъзан маҳсус хизматларни ташкил қилишнинг мақсадга мувофиқлиги ҳақида шубҳа туғилади, чунки бу маъмурий-бошқарув персоналининг сони ошиши билан боғлиқ. Лекин бу масаланинг ечими бошқариш прогрессив тизимининг ўзидан топилади. Бошқаришнинг чекли тузилмасида функционал алоқалар қисқаради. Бошқарув ходимларининг ихтисослашув даражаси ошади, ишлаб чиқариш бўлимлари сони камаяди ва мутахассисларнинг хизмат кўрсатиш зonasи кенгаяди. Буларнинг барчаси бошқарув ходимларининг сони қисқаришига олиб келади. Шу резерв ҳисобига қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларини сотиш бўйича маҳсус хизматлар ташкил қилиниши керак.

Ишлаб чиқариш ва сотиш фаолиятларини ажратиш зарурати ялии ва товар маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмларининг ўсиши ва уни реализация қилишнинг бир қатор ташкилий ва иқтисадий шароитлари ўзгариши фактидан келиб чиқади. Аввало, баъзи маҳсулот турларини етказиш масофаси ўзгарамади, бу эса дифференциал рента I нинг шаклланишига тубдан катта таъсир кўрсатади. Ҳўжаликнинг йўллар, магистраллар, қайта ишловчи корхоналар ва тайёрлов базаларига нисбатан жойлашуви омили маҳсулот реализацияси бўйича транспорт ва бошқа харажатларнинг даражасини белгилайди.

У ёки бу ҳўжаликнинг жойлашуви ҳўжалик юритиш шароитларига сезиларли таъсир кўрсатади. Ҳозирда сотиш жойидан узоқда жойлашган ҳўжаликлар реализация бўйича катта транспорт харажатлар қилмоқдалар. Аксинча, яқин жойлашган ҳўжаликлар асосланган устунликка эга. Кўрсатиб ўтилган ҳолат рақобатга teng шароитлар яратиш (бизнинг фикримизча) муаммоси

ицида долзарбларидан бири ҳисобланади.

Маълумки, маҳсулотни ишлаб чиқариш ва реализация қилиш жараёнлари ажралиши билан алоҳида хўжаликларнинг жойлашуви бўйича дифференциал рента олиш шароитлари бекор қилинади (йўқолади), ягона тайёрлов ташкилоти ташкил этилиши билан эса уни жамият манфаати йўлида ишлатиш имкони туғилади. Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг баъзи соҳаларидағи ихтисослашув ва концентрация даражаси пастлиги тайёрлов идоралари ишини қийинлаштирумокда. Бу эса бевосита алоқаларнинг ривожини қийинлаштиради, хўжаликларнинг сезиларли қисмида маҳсулот заготовкасини муракқаблаштиради ва ҳатто, амалда бу мумкин бўлмай қолади, бу эса корхоналар ва ҳалқ хўжалиги иқтисодиётига оғир юк бўлиб тушади. Шундай қилиб, ишлаб чиқаришнинг ихтисослашуви ва концентрацияси аҳамияти тор бир тармоқ (соҳа) доирасидан чиқади. Бу омиллар заготовкаларни оқилона ташкил қилишнинг энг муҳим шароити ва охир-оқибат маҳсулот ишлаб чиқаришдан пировард истеъмолчигача ҳаракатланишининг барча технологик ва ташкилий занжирини самарали бошқариш шарти сифатида намоён бўлади. Ишлаб чиқаришнинг концентрацияси ва ихтисослашув даражасини ошириш нафақат заготовкани тартибли амалга оширишга, балки арzonроқ маҳсулотни сотиб олишга ҳам имкон беради.

Эслатиб ўтамиз, ерни ишлашда ишлаб чиқариш концентрациясининг қўпгина масалаларини хўжаликлар ичидаги экиш айланмаси майдонлари ўлчами чекланганлиги туфайли ҳал қилиш иложи йўқ. Янги технологияларни ва ишлаб чиқаришнинг прогрессив шаклларини татбиқ қилиш учун бундай экиш айланмаларининг торлиги тобора сезиларли бўлмоқда. Концентрация нафақат машиналарни татбиқ қилиш ва соҳани индустрιал асосга ўтказиш учун мақбул шароит яратади, балки тайёрлов ташкилотлари билан мустаҳкамроқ ишлаб чиқариш ва иқтисодий муносабатлар ўрнатишга ҳам имкон беради. Биринчидан, концентрация – аввало, арzonроқ, шу билан бирга йирик партиядаги маҳсулот ишлаб чиқаришдир. Бундан эса тайёрловчи ва қайта ишловчи корхоналар манфаатдор. Иккинчидан, концентрациялашган ишлаб чиқариш учун маҳсулот сотиши ташкилий-технологик жарасиннинг ажралмас қисми бўлиб қолади. Ихтисослашган ишлаб чиқариш сотиши бўғининг катта талаблар қўяди. Бу, тайёрлов идораларини ўз-ўзини тезроқ қайта тузишга ва янги талабларга мувофиқ ўз фаoliyatiini takomillashтиришга мажбур қиласди.

Шундай қилиб, тайёрлов тизимининг аҳамияти дехқон ва фермер хўжаликлари тармоқланиши билан ошиб боради. Шу жиҳатдан бу тизим замонавий, ишлаб чиқаришни ташкил қилишнинг янги, прогрессив шакллари томонидан қўйилаётган келажак-

даги талабларга ҳам жавоб бериши жуда мұхим. Замонавий шароитларда бундай талабларнинг кучайиши агросаноат кооперацияси (ҳамкорлиги) жараёни ишлаб чиқаришни янги ташкилий шакли сифатида намоён бўлиши билан боғлиқ ҳолда кузатилмоқда.

Агросаноат кооперацияси ва ишлаб чиқариш саноат асосида ташкил қилинадиган шароиттада сотишнинг технологик жараёндан даги роли таққослаб бўлмас даражада ортади. Ишлаб чиқариш нинг хўжаликларро ва агросаноат корхоналари, комбинатлар ва бирлашмалар шаклида ташкил қилиниши маҳсус сотиш бўғинларини ташкил этиш (яратиш) заруратини туғдиради (Молдавиядагидек).

Сабзавотчиликда концентрациянинг умумий якунини маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсишида намоён бўлди. Бу нафақат ишлаб чиқариш жараёнининг ўзини, балки маҳсулотни истеъмолчига етказиши ҳаракатининг барча кейинги босқичларини ҳам аниқ ташкил этишини талаб қилди. Айнан шу ҳол хўжаликлараро кооперацияга асосланган ихтинослашган ишлаб чиқаришдаги устунликлар қай даражада амал қилишини белгилайди.

Катта масштабдаги ихтинослашган ишлаб чиқариш максимал пировард натижани таъминлайдиган барча хизматлар иши аниқ ташкил этилишини талаб қиласди. Маҳсулот сотиш бўйича хўжаликлараро хизмат умумий озиқ-овқат конвойери – ширкат, дехқон ва фермер хўжаликлари, транспорт ва қайта ишловчи корхоналар тизимида мұхим бўғинлардан бўлиб боради.

Транспортнинг бир жойда концентрацияси маҳсулот сотиш (биринчи навбатда мева ва сабзавотлар) ташкил қилишини сезиларли даражада яхшилашга имкон беради. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари тайёрловчиларига фақат хўжалик транспортларида етказиб берилса, улар кичик партияларда ва чўзилган муддатларда сотилади. Шу боис маҳсулот ишлаб чиқилган графикка асосан чиқарилади. Бу график бўйича хўжаликлар йигим-теримни ўтказиш ва ҳосилни сотишга тайёрлаш ишларини режалаштирадилар.

Янги шаотларда маҳсулотлар қайта ишловчи корхоналарга тезроқ етказиб берила бошлади. Қишлоқ хўжалиги корхоналари маҳсулот сотишнинг аниқроқ тизимиға, қайта ишловчи корхоналар эса - қувватларнинг хом ашё билан ўз вақтида таъминланиш ва тўлиқ бандлигига эришиш имкониятига эга бўлдилар.

Фикримизча, қишлоқ хўжалиги корхоналарининг маҳсулот сотишни ташкил этиш вазифаларидан озод этилиши, маъмурий қишлоқ худуди доирасида янги сотиш бўғинининг ташкил қилиниши мантиқан асослидек кўринади. Сотиш бўғинининг вазифаси, қишлоқ хўжалиги корхоналари ишлаб чиқарадиган барча турдаги маҳсулотларни сотиш ҳисобланади.

Табиийки, бу таклифни амалга ошириш осон эмас. Ҳозирда

туман сотиши бўғинини ташкил этишни қийинлаштирувчи қатор сабаблар мавжуд. Улардан бири шуки, бундай тизимни ташкил қилишни, моҳиятнан, янги жойда бошлаш керак. Тумандаги янги тизимни яратишни бошлаш мумкин бўлган зарурий моддий-техник базага эга бўлган бирорта ташкилот йўқ. Бунга фақатги на истеъмолчи кооперацияси маълум даражада жавоб бериши мумкин. Аммо истеъмолчи кооперациясининг ўзига хос хусусиятлари ва у қишлоқда бажарадиган вазифаларни кўплигини ҳисобга олсанак, бу кооперация реализация хизматини ташкил қилиш учун асос бўла олмайди.

Бошқаришнинг худудий принципи (тамойили) ҳақидаги масалани ҳаётнинг ўзи кўтармоқда. Бунда аниқ бир худуд (минтақа) чегарасида қишлоқ ҳўжалигининг ривожланиши билан bogлиқ масалаларнинг бугун мажмуасини ечишда бирликни таъминлаш мумкин бўлади. Бу ишлаб чиқаришнинг ихтисослашуви ва ҳўжаликлараро кооперациянинг ривожи учун муҳим аҳамиятта эга. Маҳсулот имшлаб чиқариш даражасига унинг реализацияси ва истеъмолчига етказиб бериши ташкилий шаклининг мос келиши жуда муҳим.

Қишлоқ ҳўжалиги корхоналарининг маҳсулот сотишини ташкил қилиши вазифаларидан озод қилиниши, бу вазифаларнинг ихтисослашган хизмат томонидан бажарилиши мамлакат иқтисодиётига ижобий таъсир қиласи, дехқон, фермер ва ширкат ҳўжаликлигига ўз қувватларини фақат ишлаб чиқаришда жамлашга имкон беради, бу эса ҳўжаликларнинг ривожланиши суръатини оширади. Натижада фондлар таркибининг ишлаб чиқаришдаги улуши кўпаяди. Қишлоқ ҳўжалигидаги транспорт воситалари сони фақатгина ишлаб чиқариш эҳтиёжлари талаб этадиган микдор билан чекланади.

Ҳозирда қишлоқ ҳўжалиги корхоналари маҳсулотларни етказиб учун зарур бўлган автомашиналар ўрнига ишлоқ ҳўжалиги корхоналари кўпроқ ишлаб чиқаришни кенгайтириш билан bogлиқ бўлган тракторлар, комбайнлар, ўғитлар ва бошقا воситаларни сотиб олишлари мумкин. Танспорт воситаларининг ягоналигини ихтисослашган ташкилотларда концентрациялашуви улардан юқори унум билан фойдаланишини таъминлади, маҳсулот ўз ҳисобидан ташилиши ҳисобига аграр давлат жойлашуви бўйича дифференциал рентнани ўзлаштиради. Натижада қишлоқ ҳўжалиги корхоналарининг ҳўжалик юритиш шароитлари tengлашади қолаверса, сотиши бўйича ихтисослашган ташкилотларда реализацияни яхшироқ ташкил қилиш имконияти туғилади. Бу маҳсулот исрофгарчилигини, сотиши харажатларини камайтиради. Пировард натижада бундай тизимда бевосита алоқаларнинг аҳамияти ортади.

10. 2. Тайёрлов тизимининг режали-иктисодий ва ташкилий амал қилишини такомиллаштириш масалалари

Кейинги пайтларда тайёрлов тизимини такомиллаштириш муаммоси тубдан қайта кўриб чиқилди. Лекин маҳсулотлар сотиш билан боғлиқ камчиликлар ҳам тўлиқ бартараф этилгани йўқ. Иктисодий адабиётларда улар фақат режалаштиришдағи нотўғри хисоб-китоб билан боғлиқ тарзда изоҳланади. Тўғри маҳсулотларни сотиш билан боғлиқ нўқсонлар содир бўлишига нотўғри хисоб-китоблар ҳам муайян даражада таъсир кўрсатаяпти, аммо улар асосий сабаб эмас. Мавжуд узилишлар, агар айтиш жоиз бўлса, ўсиш ва ишлаб чиқаришнинг ривожланиш жараёнидаги қийинчиликлар ҳисобланади. Ривожланаётган ишлаб чиқариш кўпгина янги масалаларни (жумладан, маҳсулот сотиш соҳасида ҳам) илгари суради.. Бутун ишлаб чиқариш жараёни барча босқичларда бир текис ривожланишини тақозо қилганда, ҳам оралиқ, ҳам пировард маҳсулотни ишлаб чиқариш бўйича тузилмавий бўғинлар орасидаги иктисодий муносабат ва алоказалар юксакроқ даражага кўтарилиганда бу масалаларнинг долзарблиги ортади.

Янги алоказалар нафақат маҳсулот яратганда, балки уни истемолчигача ҳаракатлантиришда ҳам вужудга келади. Бу эса уларнинг амалий реализациясини назарда тутади. Бундай реализация алмашув муносабатларини такомиллаштиришда намоён бўлади. Тайёрлов тизимининг амалдаги янги сифат даражаси реализация қилинадиган маҳсулотни ҳисоблаш тизими билан ҳам боғланган. Анъанавий жиҳатдан қишлоқ хўжалиги корхоналаридан давлат тайёрлаш тизимига келтирилган ва одатда, натурал кўринишда бўлган маҳсулот тайёрланадиган маҳсулот ҳисобланади.

Бундай ёндашувга кўра, қиска куз даврида барча ўсимликичлик маҳсулотларини бир вақтнинг ўзида йиғиштириш ва ташиб лозим. Бу иш кунидан фойдаланишда тифизликка, барча тўрдаги транспорт воситаларни транспортнинг барча турларини меъердан ортиқ ишлатилишига олиб келади. Тайёрлов тизими эса бу даврда узлуксиз келтирилаётган кўп микдордаги маҳсулотни доим ҳам қайта ишлай олмайди. Оқибатда маҳсулот нобуд бўлади, сифати пасаяди.

Қишлоқ хўжалиги корхоналарида омборлар қурилса, баъзи турдаги маҳсулотларни йиғиштириб олиб, шаҳарларга – тайёрлов ташкилотларига жўнатиш зарурати йўқолади. Муайян маҳсулот (дон, сабзавот, мева ва х.)ларнинг бир қисми хўжаликларнинг ўзида сақланиши ва зарур ҳолда истеъмол жойига жўнатилиши мумкин. Таъкидлаб ўтамизки, тайёрлов ишларини ташкил этишнинг бундай шакли анча катта фойда келтиради. Чунончи:

биринчидан, тайёрлов жараёнидаги тифизликни камайтиради, транспортга эҳтиёжни пасайтиради, маҳсулотнинг оқилона ишла-

тилишини таъминлайди, пировард натижада хомашё ва истеъмол фондлари ҳажмини оширади;

иккинчидан, агросаноат интеграцияси, қишлоқ хўжалиги корхоналарининг бевосита ўзида қайта ишлаш қуваатлари ривожи баъзи турдаги қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини нафақат натуран холида, балки қайта ишланган кўринишида ҳам сотиш масалаларини ҳал этади. Бу пировард мақсадларга мувофиқ келади.

Амалиётда эса маҳсулотларни қайта ишлаш бўйича ишлаб чиқариш қувватларига эга бўлган ҳудудлардаги кўпгина қишлоқ хўжалиги корхоналари ўз маҳсулотларини натура кўринишида сотишаётгани. Масалан, «Бухоротекс» АЖ пахта толаси стишмаслиги туфайли тўла қувват билан ишламаяпти. Бу ҳолат тайёрлов ишларини режалаштириш амалиётида ҳисобга олиниши лозим.

Яримфабрикатлар, консервалар ва ҳоказоларга ишлатилган маҳсулотлар савдо ташкилотларига қайта ишланган ҳолда сотилиши лозим. Бу савдода қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг асортиментини кенгайтиради, бу қолаверса, ёрдамчи ишлаб чиқаришнинг иқтисодий самараадорлигига ижобий таъсири кўрсатади.

Мамлакатдаги хўжаликларда ёрдамчи корхоналар маҳсулотининг рентабеллик даражаси бир-биридан сезиларли даражада фарқ қиласди. Бунинг сабаблари хилма-хилдир. Аммо, улар қайси каналлар орқали сотилаётгани кузатилса, маътум бўладики, маҳсулот расман ташкил этилган каналлар орқали қанча кўп реализация қилинса, самараадорлик шунчалик юқори бўлади.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларни тайёрлашни ташкил этиш шакллари ва усусларини такомиллаштириш жараёнидаги йўналишлардан бири уларнинг истеъмолчигача ҳаракатланишини тўхтовчи тайёрлов тизими бўғинларини қисқартиришдир. Мавжуд тайёрлов тизимининг йириклиги ва кўп қирраллиги қўшимча харажатларни юзага келтириради, бу эса маҳсулот баҳосини оширади.

Маҳсулот реализацияси жараёнининг кўп погоналилигига барҳам бериш имконини яратувчи асосий йўналиш – бевосита (тўғридан-тўғри) алоқаларни ривожлантиришдир. Бевосита алоқалар – бир томондан, ширкат, дехқон, фермер хўжаликлари ва бирлашмалар, бошка томондан, тайёрлов ва савдо ташкилотлари, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишловчи корхоналар ўртасида маҳсулот сотиш бўйича ўрнатиладиган ўзаро муносабатлар тизимиdir. Бу тизим шундай алоқалар ўрнатишни назарда тутадики, улар маҳсулот сотиш ва унинг сифатини саклаш бўйича иккала контрагентнинг иқтисодий самарали ишини таъминловчи масалалар (вазифалари) тезроқ ҳал этилишига имкон беради. Бевосита алоқаларнинг самараадорлиги ва амал қилиши даражаси контрагентларнинг давомий ва доимий ўзаро муносабатлари жараёнида ортиб боради.

Аммо контрагентлар ўзаро муносабатларининг ташкилий шакли фақатгина ташкилий-техник томонни тавсифлайди. Бевосита алоқалар—шундай ўлчовдаги жамиятнинг режали ривожланиши шароитларида товар-пул муносабатларини йўлга қўйишнинг амалдаги иқтисодий омиллари ҳисобланган таклиф ва истеъмол талаби ўртасидаги мувофиқлик асосида маҳсулотни реализация қилиш ва ишлаб чиқаришни тез яхшилашнинг иқтисодий шарти ҳамдир.

Бевосита алоқаларнинг асосий устунликларидан бири шундаки, бунда маҳсулотнинг ишлаб чиқаришдан истеъмолчига ўтиб бориши тезлашади. Бунда айланма тезлиги жадаллашишига, муомала харажатлари қисқаришига эришилади. Бевосита алоқалар маҳсулот ҳаракатининг барча боскичлари устидан муайён дараҗада назорат ўрнатишга имкон беради.

Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши ривожининг замонавий боскичи учун бевосита алоқалар ривожини эътиборга олувчи бир қатор тенденция (йўналиш)лар хос. Бевосита алоқалар талабларига ихтисослашган ва концентрланган ишлаб чиқариш тўлароқ жавоб беради. Тайёрловчи у ёки бу маҳсулотни етказиб беришини битта ишлаб чиқарувчи амалга оширишидан манфаатдор. Ўз на-вбатида, қишлоқ хўжалиги корхонаси учун битта ёки камида минимал сондаги тайёрловчига эга бўлиш фойдали. Бу маҳсулотни яхшироқ ва камроқ харажат билан сотишга имкон беради. Демак, бевосита алоқалар қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг ихтисослашув ва концентрация йўлидан ривожланишининг муҳим шартлари ҳисобланади.

Хўжаликлараро кооперация асосида ихтисослашув кўп тармоқли хўжаликлар тутатилишига олиб келади. Тор ихтисосдаги хўжаликлар эндилиқда маҳсулот сотиш масалаларини ҳал қила-диган бирлашмага кирадилар. Бундай ташкилотда вазифанинг бўлиниши каби ҳолат юз беради. Корхоналар — маҳсулотни ишлаб чиқариш, бирлашма — уни сотиш ҳақида бош қотирадилар. Бу узоқ муддатли алоқаларни ўрнатишга ўтиш учун имкон беради, у эса тайёрлов жараёнларини ташкил қилишининг бутун тизимини тубдан яхшилади.

Реализация жараёнидаги бевосита алоқаларнинг кейинги ривожи қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши замонавий жараёнининг бошқа объектив талаблари томонидан ҳам тақозо қилинади. Реализация жараёнида бевосита алоқалар тизими қишлоқ хўжалиги корхоналари ва агросаноат бирлашмаларининг мустақиллигини ифодалаш шаклларидан бири ҳисобланади. Бевосита алоқалар орқали истеъмолчи ишлаб чиқариш жараёнига янада тезкор таъсир ўтказиш имконига эга бўлади.

Шу томондан бевосита алоқалар режалаштириш элементи

сифатида намоён бўлади. Айнан савдо, тайёрлов ташкилотлари, қайта ишлаш саноати корхоналари билан бевосита алоқа жараёнида (қишлоқ хўжалигига буюртмалар тизимини татбиқ қилишга мақбул шароитлар яратилади) контрактация тизими ривожланиши мумкин. Бу тизим қишлоқ хўжалиги корхоналари (умумдавлат режа ва вазифалари доирасида) мустақиллигининг кенгайишига кўмаклашади. Бундай шаклларга ўтиш нафақат қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши манфаатларига, балки савдо ташкилотлари ва қайта ишлаш саноати корхоналари манфаатларига ҳам жавоб беради, чунки бу уларнинг зарурий ассортиментдаги маҳсулот ва хомашёлар билан кафолатли ва бир текис таъминланишига шароит яратади.

Маҳсулотнинг бевосита ишлаб чиқарувчилардан олиниши савдо ташкилотларини маҳсулот заготовкаси билан боғлиқ қўшимча чиқимлардан озод қиласди, чунки улар тайёрлов ташкилотларидан маҳсулот олганларида маълум бир суммани уларга тўлайдилар. Бу эса, бевосита алоқаларни татбиқ қилиш рағбатларидан бири ҳисобланади. Қишлоқ хўжалиги корхоналари иқтисодистининг мустаҳкамланиши, ишлаб чиқариш бирлашмалари ва концентрациялари яратилиши билан хўжаликларда музлаттичлар ва сабзавот омборлари барпо этиш имкони туғилди. Бу, шунингдек, савдо ташкилотларининг бундай хўжаликлар билан мустаҳкамроқ муносабатлар ўрнатиш манфаатдорлигини ҳосил қиласди, чунки сақлаш жойларининг мавжудлиги маҳсулотнинг бир мунча текисроқ етказиб беришини таъминлайди. Бевосита алоқаларнинг ривожланишида ўз маҳсулотларини бевосита савдо ташкилотларига реализация қилганда тўловни чакана нархларда (savдо чегирмасини айриб ташлаган ҳолда) оладиган корхоналар ва бирлашмалар ҳам манфаатдор, зеро бу уларнинг иқтисодистига ижобий таъсир қиласди.

Тайёрлов ташкилотлари моддий-техника асосининг мустаҳкамланиши билан бевосита алоқаларнинг ривожланишига ҳам объектив шароитлар вужудга келади. Чунки маҳсулотни етказиб бериш шартларидан бири тайёрловчи унинг нафақат режадаги миқдори, балки барча ортиқча кисмини ҳам қабул қилишга тайёрлиги ҳисобланади. Бунга эса, тайёрловчи фақатгина сақлаш иншоотлари мавжуд ҳоллардагина мувофиқ бўлади.

Назарда тутиш керакки, реализация жараёнида бевосита алоқаларнинг келажақдаги ривожи маҳсулот сифати объектив баҳоланишига кўмаклашади, ҳозирда эса улгуржи базалар мумкин бўлган йўқотишларга қарши ўзларини «сугурта» қилиб, маҳсулотлар ҳажмини пасайтирмоқдалар ва чегirma фоизларини атайлаб кўтармоқдалар.

Бевосита алоқалар ривожи заготовкаларни ташкил этишининг

бониқа шакллари, жумладан, улгуржи савдо тизими билан ҳам оқилона қўшилиши зарур. Улгуржи савдо ҳар доим ҳам муомала жараёнини узайтирувчи бўғин ҳисобланмайди. Ишлаб чиқариш концентрациясида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг товарлилик ошган ва ассортименти кенгайган шароитда улгуржи савдо бу турдаги маҳсулотларни реализация қилишининг самарадор шакли бўлиб қолади. У ҳосил бўлган истеъмолчи талабидан келиб чиқиб, маҳсулотнинг оқилона тақсимотини таъминлайди.

Бавосита алоқаларни ташкил этишни яхшилашда тайёрлов ташкилотлари томонидан ҳеч бўлмаганда баъзи турдаги ўсимликчилик маҳсулотларининг бевосита даланинг ўзида қабул қилиш ҳам алоҳида аҳамиятга эга. Булар дала ишлари тезлигини пасайтиради. Маълумки, йифим-терим ва топшириш ишлари ҳажми ортганда ёз-куз ойларида маҳсулотни жойида қабул қилиш билан қишлоқ хўжалиги корхоналарини сотиш ташвишидан ҳатто қисман озод қилинганда ҳам, уларда кучларни бошқа ишларни тугатиш учун сафарбар қилиш имкони кенгаяди. Аммо кўпинчча «маҳсулотни далада қабул қилиш» тушунчаси тайёрлов ташкилотлари ўз транспортида маҳсулотни тўғридан-тўғри даладан олиб чиқиб кетади, деган маънода тушунилади. Бу срда фақат ишнинг ташкилий шакли устида гап кетмоқда. Бундай соддалашган ёндашув шунга олиб келмоқдаги, маҳсулот сотишни ташкил этишнинг бу шакли ҳозирча кенг тарқалмаяпти. Лекин ташкилий томон билан бир қаторда реализациянинг бу шакли иқтисодий моҳияти жиҳатидан кам аҳамиятли эмас. Маҳсулотнинг бутун партиясини унинг учун аввалдан аванс тўлиб далада қабул қилиш ҳақидаги келишув ҳар иккала контрагенттга ўзаро мажбуриятлар юклайди. Тайёрлов ташкилоти маҳсулот учун аванс тўлаб, албатта, барча имкониятларини ишга солиб, уни олиб чиқиб кетишга интилади. Олинган пул аванси қишлоқ хўжалиги корхонасини албатта аванс учун маҳсулот билан ҳисоблашишга мажбур қиласди.

Ундан ташқари, маҳсулот учун аванс бериш билан ҳисобкитоб қилиш шакли пулни хўжалик айланмасига нафақат эртароқ киритишга, балки уларни шу маҳсулот турини стиштиришда банд бўлганларни моддий рафбатлантириш учун оператив ишлатишга ҳам имкон беради.

Бевосита алоқаларнинг иқтисодий моҳияти шунда кўринаники, улар маҳсулот сотишнинг катта кафолатини яратиш билан қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари харид нархига киритилган барча потенциал имкониятларни юзага чиқаришнинг холисона белгилари ҳисобланади, шу тариқа ишлаб чиқариш унумдорлиги ошишининг энг муҳим омили сифатида иштирок этади.

Қисқача хуросалар

Хўжаликнинг йўллар, магистраллар, қайта ишловчи корхоналар ва тайёрлов базаларига нисбатан жойлашуви омили маҳсулот реализацияси бўйича транспорт ва бошқа харажатларнинг даражасини белгилайди.

Маҳсулот сотиши бўйича хўжаликларо хизмат умумий озиқовкат конвейери – ширкат, дехқон ва фермер хўжаликлари, транспорт ва қайта ишловчи корхоналар тизимида муҳим бўғинларга айланниб боради.

Қишлоқ хўжалиги корхоналарининг маҳсулот сотишини ташкил қилиш бўйича вазифалардан озод қилиниши ва бу вазифаларнинг ихтисослашган хизмат томонидан бажарилиши мамлакат иқтисодиётига ижобий таъсир қиласди.

Маҳсулот қайси каналлар орқали реализация қилиниши кузатилса, хулоса қилиш мумкин: маҳсулот расман ташкил этилган каналлар орқали қанчалик кўп реализация қилинса, самарадорлик шунчалик юқори. Реализация жараёнида бевосита алоқаларнинг келажакдаги ривожи маҳсулот сифатининг объектив баҳоланишига кўмаклашади

Назорат ва муҳокама учун саволлар

1. Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида маҳсулотлар тайёрлови (заготовкаси) қандай аҳамиятта эга?
2. АСМда тайёрлов тизимининг ўзига хос хусусиятлари нималардан иборат?
3. Тайёрлов тизимининг иқтисодий самарадорлик даражасига ва ривожланишига қандай омиллар таъсир кўрсатади?
4. Қайси каналлар маҳсулотларни реализация қилишининг энг мақбул каналлари хисобланади?
5. Маҳсулот ишлаб чиқарувчи ҳамда тайёрловчи ўргасидаги бевосита алоқаларни ташкил этишининг афзаликлари нималардан иборат?
6. Бевосита алоқаларни ташкил этишда қандай масаларга эътибор бериш зарур?

Асосий адабиётлар

1. Емельянов А. Экономика сельского хозяйства. – М.: 1995.
2. Вахобова У. Кишлоқда бозор инфратузилмаси. – «Иқтисод ва ҳисобот», 5-сон, 1997.
3. Набиев О. Хизмат кўрсатиш соҳаси. - «Иқтисоди ва ҳисобот», 3-сон, 1995.
4. Абдурашидов А. Сфера обслуживания населения в условиях рыночной экономики. - Т.: Ўзбекистон, 1992.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Ўзбекистон Республикасининг «Қишлоқ жойларнинг инфратузилмасини ривожлантириш дастури» – Т., 1996.
2. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавф-сизликга таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. – Т.: «Ўзбекистон», 1997.
3. Абдурашидов А. Сфера обслуживания населения в условиях рыночной экономики. – Т.: «Ўзбекистон», 1992.
4. Абдувохидов А. «Ахборотлаштириш инфратузилмаси ва тараққиёт». – Т.: «Иқтисод ва ҳисобот», 10-сон, 1997 .
5. «Ваҳобов А. Қишлоқда ижтимоий соҳа. «Иқтисод ва ҳисобот», 2-сон, 1996.
6. Ваҳобова У. Қишлоқда бозор инфратузилмаси. «Иқтисод ва ҳисобот», 5-сон, 1997.
7. Ваҳобов А., Исмоилова Б. Қишлоқда бозор инфратузилмаси. «Иқтисод ва ҳисобот», 5-сон, 1997.
8. Н.Юсупов, М.Тошболтаев. Қишлоқ хўжалиги техника воситаларини лизинг орқали еиказиб бериш тизими. «Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги», 6-сон, 2001.
9. Емельянов А. Экономика сельского хозяйства. – М.: 1995.
10. Каюмов Ф.К. Эффективность АПК – в условиях перехода к рынку. - М., 1992.
11. Набиев О. Хизмат кўрсатиш соҳаси. Иқтисоди ва ҳисобот журнали, 3-сон, 1995.
12. Норбоев Э. Қишлоқда ижтимоий ҳимоялаш. Иқтисод ва ҳисобот журнали, 11-сон, 1996.
13. Отабоев О. Инфратузилма ва самарадорлик. Иқтисод ва ҳисобот журнали, 10-12-сонлар, 1995.

МУНДАРИЖА

КИРИШ.....	5
I боб. ЎЗБЕКИСТОНДА АГРОСАНОАТ МАЖМУАСИНинг РИВОЖ- ЛАНИШИ ВА ИНФРАТУЗИЛМА.....	6
1.1. Агросаноат мажмуаси соҳалари.....	6
1.2. АСМда ишлаб чиқаришининг ўзига хос хусусиятлари.....	9
1.3. Қишлоқ хўжалиги иқтисодий самарадорлигининг асосий кўрсаткич- ларі.....	13
1.4. АСМда самарадорликни оширип муаммолари.....	15
1.5. «Қишлоқ хўжалиги инфратузилмаси иқтисодиёти» фанининг пред- мет ва вазифалари, тадқиқот усуллари.....	17
Қисқача хуносалар.....	20
Назорат ва муҳокама учун саволлари.....	20
Асосий адабиётлар.....	20
II боб. ИНФРАТУЗИЛМАНИНГ МОҲИЯТИ, ТАРКИБИ ВА ТУР- КУМЛАШТИРИЛИШI.....	21
2.1. Қишлоқ хўжалигидаги инфратузилманинг мөҳияти ва аҳамияти...	21
2.2. Ишлаб чиқариш инфратузилмасининг иқтисодий мөҳияти.....	24
2.3. Ижтимоий инфратузилманинг қишлоқ хўжалиги ривожланишидаги аҳамияти.....	29
Қисқача хуносалар.....	32
Назорат ва муҳокама учун саволлари.....	32
Асосий адабиётлар.....	32
III боб. КИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ КОРХОНАЛАРИ ВА ХИЗМАТ КЎР- САТУВЧИ КОРХОНАЛАР ЎРТАСИДАГИ АЛОҚАЛАРНИНГ ХУҚУҚИЙ ВА ИҚТИСОДИЙ ШАРОИТЛАРИ.....	33
3.1. Қишлоқ хўжалиги корхоналари фаолиятининг таҳлили.....	33
3.2. Қишлоқ хўжалиги тармоқлари ривожланишининг табиий ва иқти- солий шароитлари.....	35
3.3. Корхоналарда меҳнатни ташкил этипи ва бошқарип.....	40
3.4. Бозор муносабатлари шароитида корхоналарнинг хуқуқий-иқтисо- дий имкониятлари.....	43
Қисқача хуносалар.....	46
Назорат ва муҳокама учун саволлари.....	46
Асосий адабиётлар.....	46
IV боб. АСМ ДА МОДДИЙ-ТЕХНИКА ТАЪМИНОТИНИНГ ТАШКИ- ЛИЙ ВА ИҚТИСОДИЙ ОМИЛЛАРИ.....	47
4.1. «Қишлоқ хўжалигининг моддий-техника базаси» тушунчаси.....	47
4.2. Қишлоқ хўжалиги корхоналари моддий-техника таъминотининг ташкилий омиллари.....	48
4.3. Қишлоқ хўжалиги корхоналари моддий-техника таъминотининг иқтисодий омиллари ва уларни моддий-техника жихатдан ривожланти- ришининг асосий йўналишлари.....	53
Қисқача хуносалар.....	59
Назорат ва муҳокама учун саволлари.....	59
Асосий адабиётлар.....	59
V боб. ЭЛЕКТР ЭНЕРГИЯСИДАН ФОЙДАЛАНИШНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ.....	60

5.1. Электрлапшириш - техник тараққиётнинг муҳим йўналиши.....	60
5.2. Ишлаб чиқарип жарабини электрлапшириш.....	62
5.3. Электр энергиясидан самарали фойдаланиш кўрсаткичлари.....	63
Кисқача хуносалар.....	65
Назорат ва мұхокама учун саволлари.....	65
Асосий адабиётлар.....	65
VII боб. АСМДА ТРАНСПОРТ ХИЗМАТИНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ...	66
6.1. АСМ да транспортнинг аҳамияти.....	66
6.2. АСМ да транспортдан фойдаланишининг ўзига хос ҳусусиятлари...	66
6.3. Транспортдан фойдаланишини ташкил қилиш.....	67
Кисқача хуносалар.....	71
Назорат ва мұхокама учун саволлари.....	71
Асосий адабиётлар.....	71
VIII боб. ИЖТИМОЙИ ИНФРАТУЗИЛМАНИНГ МАЗМУНИ ВА ТУШУНЧАСИ.....	72
7.1. Ижтимоий инфратузилманинг маҳияти ва тузилмаси.....	72
7.2. Ижтимоий инфратузилмани бошқариши муаммолари.....	72
7.3. Ижтимоий инфратузилмани ташкил қилиш ва ривожлантириш...	74
Кисқача хуносалар.....	76
Назорат ва мұхокама учун саволлари.....	76
Асосий адабиётлар.....	76
VIII боб. ҚИШЛОҚЛАРДА АҲОЛИГА МАДАНИЙ-МАИШИЙ ХИЗМАТ КЎРСАТИШНИ РИВОЖЛАНТИРИШ.....	77
8.1. Ўзбекистон Республикасида аҳолига маданий-маиший хизмат кўрсатиш турлари ва улар фаолиятини янгича ташкил қилиш.....	77
8.2. Қишлоқда маданий-маиший хизмат кўрсатиш корхоналарини ташкил қилишда мулкчилик.....	78
8.3. Қишлоқларда маданий-маиший хизмат кўрсатиш тармоғида кадрлар тайёрлап ва иқтисодий ҳамкорликлар.....	81
Кисқача хуносалар.....	82
Назорат ва мұхокама учун саволлари.....	82
Асосий адабиётлар.....	82
IX боб. СОҒЛИҚНИ САҚЛАШНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ.....	83
9.1. Соғлиқни сақлаш муасссаларининг таъминоти.....	83
9.2. Соғлиқни сақлашни молиялаштириш.....	84
9.3. Соғлиқни сақлаш ишларини ташкил қилиш муаммолари.....	87
Кисқача хуносалар.....	95
Назорат ва мұхокама учун саволлари.....	95
Асосий адабиётлар.....	95
X боб. ТАЙЁРЛОВ ТИЗИМИ ВА УНИНГ ТАШКИЛИЙ-ИҚТИСОДИЙ АСОСЛАРИ.....	96
10.1. Тайёрлов тизимини такомиллаштиришининг объектив шарт-шароитлари ва унинг инфратузилма тармоғи сифатида шаклланиши.....	96
10.2. Тайёрлов тизимининг режали-иқтисодий ва тапкилий амал қилишини такомиллаштириши масалалари.....	101
Кисқача хуносалар.....	106
Назорат ва мұхокама учун саволлари.....	106
Асосий адабиётлар.....	106
АДАБИЁТЛАР РҮЙХАТИ	107

CONTENTS

Introduction.....	5
PART-I. Development of agro-industrial complex in Uzbekistan and infrastructure.....	6
1.1. Branches of agro-industrial complex (AIC).....	6
1.2. Features of manufacture in agro-industrial complex	9
1.3. Basic indicators of economic efficiency of agriculture.....	13
1.4. Problems of increasing the efficiency of agriculture.....	15
1.5. Theme and tasks, research methods of "Economy of the infrastructure of agriculture".....	17
Brief conclusions.....	20
Questions for discussion and control.....	20
Main literature.....	20
Part-II. Essence, structure and classification of infrastructure.....	21
2.1. Essence and significance of infrastructure in agriculture	21
2.2. Economic essence of industrial infrastructure.....	24
2.3. Importance of a social infrastructure in the development of agriculture	29
Brief conclusions.....	32
Questions for discussion and control.....	32
Main literature.....	32
Part-III. Economic and legal conditions of the relationship between agricultural organizations and service of firms.....	33
3.1. Analysis of activities of an agricultural firms.....	33
3.2. Natural and economic conditions of the development of agricultural sphere agriculture.....	35
3.3. Organization and management of labor enterprises	40
3.4. Legal and economic opportunities of enterprises in the conditions of market relations.....	43
Brief conclusions.....	46
Questions for discussion and control.....	46
Main literature.....	46
Part-IV. Organizational and economic factors of supplying with materials and technique in AIC.....	47
4.1. Concept of material and technical base of agriculture	47
4.2. Organizational factors of material and technical supply of agricultural firms.....	48
4.3. Economic factors of material and technical supply of agricultural firms and the basic directions of its development	53
Brief conclusions.....	59
Questions for discussion and control.....	59
Main literature.....	59
Part-V. Maintenance of using of the electric power.....	60
5.1. Electrification – an important direction of technical development.....	60
5.2. Electrification of the process of production.....	62
5.3. Indicators of effective usage of the electric power.....	63
Brief conclusions.....	65
Questions for discussion and control.....	65
Main literature.....	65
Part-VI. Organization of transport services in AIC.....	66

6.1.Importance of transport in AIC.....	66
6.2.Features of using the transport in AIC.....	66
6.3. Organization of transport provision.....	67
Brief conclusions.....	71
Questions for discussion and control.....	71
Main literature.....	71
Part-VII. Meaning and concept of social infrastructure.....	72
7.1. Essence and structure of social infrastructure	72
7.2. Problems of management of social infrastructure.....	72
7.3.Organizat ion and development of social infrastructure.....	74
Brief conclusions.....	76
Questions for discussion and control.....	76
Main literature.....	76
Part-VIII. Development of cultural and community services for population in villages.....	77
8.1.Types of cultural and community services for population in Uzbekistan and organization of their activity in a modern way.....	77
8.2. Property in the enterprises of cultural and community services in villages.....	78
8.3. Professional training and economic cooperation in sphere of cultural and community services in villages.....	81
Brief conclusions.....	82
Questions for discussion and control.....	82
Main literature.....	82
Part-IX. Organization of public health services	83
9.1. Maintenance of public health service organizations.....	83
9.2. Financing the public health service organizations.....	84
9.3. Problems of organization of the public health service	87
Brief conclusions.....	95
Questions for discussion and control.....	95
Main literature.....	95
Part-X. Preparation system and its organizational and economic bases.....	96
10.1. Objective preconditions of perfection of preparation system and its development as an sphere infrastructure	96
10.2.Problems of planned economy and organizational action of system of preparation system.....	101
Brief conclusions.....	106
Questions for discussion and control.....	106
Main literature.....	106
List of Bibliography.....	107

БАХТИЁР ТОЖИЕВИЧ САЛИМОВ
НАФАС ИНАТОВИЧ ЎРАҚОВ

ҚИШЛОҚ ХҮЖАЛИГИ
ИНФРАТУЗИЛМАСИ ИҚТИСОДИЁТИ

Ўқув қўлланма

Нашр учун маъсул:
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси
Адабиёт жамғармаси директори

Қурбонурод Жумаев

Мусаввир:

Акбарали Мамасолисв.

Муҳаррир – М. Ваҳобова

Техник муҳаррир – Ш.Тожиев

Мусаххис – Ж.Йўлдошев

Компьютерда саҳифаловчи – С.Фаффоров

Интернетдаги расмий сайтимиз: www.tsue.uz

Электрон почта манзили: info@tsue.uz

Теришга берилди 04.11.2003 й. Босинга рухсат этилди 20.01.2004 й.
Қоғоз формати 60x84 1/32. Офест босма усулида босилди. Нашр босма
тобоби 7. Нусхаси 400.

Буюртма № 23

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Адабиёт Жамғармаси нашриёти.
700000, Тошкент, Ж.-Неру, 1.

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси
босмахонасида чоп қилинди.
Тошкент шаҳри, Хадича Сулаймонова, 33-үй

САЛИМОВ Бахтиёр Тоджиевич — «Агрономиёт» кафедраси мудири, иқтисод фанлари доктори, профессор. У 2 та монография, 2 та дарслик, 2 та ўқув қўлланма ва 50 дан ортиқ илмий мақолалар муаллифи.

Илмий ишларининг асосий мавзуси — «Регион ишлаб чиқарии салоҳиятидан фойдаланиши ва уни моделлаштириши».



ЎРОҚОВ Нафас Инатович — «Агрономиёт» кафедраси катта ўқитувчisi. У 4 та ўқув қўлланма, 4 та маъruzalар матни ва бир қанча илмий мақолалар муаллифи.

Илмий ишларининг асосий мавзуси — «Агрономиёт саноат мажмуасида ўзаро иқтисодий алоқаларни тақомиллаштириши».

